

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 811.512.133:398.2(575.1)

**ЭШМУРАТОВ АБДУВАҲАБ МУРАТКОСИМОВИЧ**

**“ХОЛДОРХОН” ДОСТОНИНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

(Эргаш Жуманбулбул ўғли варианти асосида)

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:** Каримов Суюн Амирович,  
филология фанлари доктори, профессор

ЖИЗЗАХ 2021

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	5
<b>I БОБ. ДОСТОН ЛЕКСИКАСИНИНГ ФОНЕТИК ВА ЛЕКСИК-ФРАЗЕОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ</b> .....	12
1.1. “Холдорхон” достонидаги фонетик хусусиятлар .....	12
1.2. Достонга хос лексик хусусиятлар .....	20
1.3. Достон тилидаги фразеологик бирликлар .....	51
I боб бўйича хулосалар .....	61
<b>II БОБ. ГРАММАТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ДОСТОНДАГИ ФУНКЦИОНАЛ-СТИЛИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ</b> .....	63
2.1. Достондаги шевага хос морфологик хусусиятлар .....	63
2.2. Синтактик хусусиятлар .....	91
II боб бўйича хулосалар .....	100
<b>III БОБ. ДОСТОННИНГ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИ ВА ПОЭТИК СИНТАКСИСИ</b> .....	102
3.1. Достон сюжетининг шаклланишида мақолларнинг ўрни .....	102
3.2. Достондаги лингвомаданий бирликлар ва уларнинг аҳамияти .....	108
3.3. Поэтик фигураларнинг қўлланиши .....	123
III боб бўйича хулосалар .....	131
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b> .....	133
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	136

### *Шартли қисқартмалар*

**АДИЛ** – “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати. Мирзаев Т., Эшонқул Ж., Фидокор С. – Тошкент: «Elmus-Press-media», 2007.

**ДЛТ** – Девону луғотит турк. Маҳмуд Кошғарий –Тошкент: Фан.

**НАЛ** – Навоий асарларининг луғати – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972.

**ШШ** – “Ширин билан Шакар” достонининг изоҳли луғати. Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли – Тошкент: Фан, 2007.

**ЎТИЛ** – Ўзбек тилининг изоҳли луғати –Тошкент: ЎзбМЭ, 2006.

**ЎТИФЛ** – Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Раҳматуллаев Ш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.

**ЎТМЛ** – Ўзбек тили морфем луғати. Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977.

**ЎТЧЛ** – Ўзбек тилининг чаппа луғати. Қўнғуров Р., Тихонов А. – Самарқанд, 1968.

**ЎХДЧИФЛ** – O’zdek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lug’ati. Yo’ldoshev B., O’rinboyeva D. – Toshkent, 2008.

**ЎХШЛ** – Ўзбек халқ шевалари луғати. Шоабдурахмонов Ш.– Тошкент: Фан, 1971.

**ЎТСИЛ** – Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Ҳожиёв А. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974.

**ЎХОПИ** – Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О.– Тошкент: Ўқитувчи, 1990.

**ҚДЛ** – Қипчоқ диалектларининг лексикаси. Дониёров Х. – Тошкент: Фан, 1979.

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида халқ оғзаки ижоди асарлари, хусусан, эпос тилининг лингвостилистик хусусиятларини аниқлаш масалалари олимларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Номоддий маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш миллий ўзликни англашнинг бош мезонига айланган бугунги кунда халқ дostonларидаги серқатлам семантик кўламнинг тарихий асослари, тавсифи ва таснифи борасидаги масалаларни структур-семантик усулига таянган ҳолда очиқ беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё тилшунослигида эпос тилининг фонетик ва лексик-фразеологик хусусиятларини, грамматик воситаларининг муайян дostonдаги функционал-стилистик имкониятларини ўрганиш, дostonларнинг тасвир воситаларини ва поэтик синтаксисини аниқлаш бўйича салмоқли илмий тажрибалар тўпланган. Бугунги глобаллашув жараёнида халқ дostonларидаги лексик бирликларнинг услубий-маънавий табиати ва лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш, бу борада муайян назарий-амалий қонуниятларни тўлақонли тадқиқ қилиш, улар ҳақида мукамал ва аниқ хулосалар чиқариш лингвофольклористиканинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда аждодларимизнинг кўп асрлар мобайнида яратган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросини тиклаш, уларни кенг миқёсда оммалаштириш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. "...тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, давлат ва жамоат арбоблари, барча маданият аҳлининг эзгу бурчидир"<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда халқ ижодининг барча жанрларидаги ноёб намуналарини ўрганиш, шу асосда, “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари”нинг

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019, 7 апрель.

100 жылдигини нашрга тайёрлаш ва текстологик ўрганиш муаммоларига эътибор кучайтирилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, “Холдорхон” достонининг лингвостилистик хусусиятларини таҳлил қилиш ва, ўз навбатида, бундан дунё илм-фанини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги VMQ-304-сон “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда ўзбек халқ дostonларининг лисоний, типологик ва бадий-эстетик хусусиятларини аниқлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, россиялик Л.М.Пеньковский “Алпомиш” дostonини рус тилига таржима қилган ва чоп эттирган, ушбу таржима асосида Ян Комаровский словак тилида нашр эттирган ва ўрганган<sup>2</sup>; франциялик Реми Дор “Нурали” дostonини француз тилига ўгирган ва тадқиқ қилган<sup>3</sup>; олмониялик К.Райхл ва кореялик О.Ингёнг тадқиқотларида<sup>4</sup> “Равшан” ва “Алпомиш” дostonлари махсус ўрганилган.

Ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тилига бағишланган фундаментал тадқиқотлар яратилган: ўндан ортиқ диссертациялар ҳимоя қилинган. Бу борада айниқса, Ш.Шоабдурахмонов, С.Турсунов, З.Холмонова, Ж.Холмуротова, А.Раҳимов, Х.Тошматов, Ш.Маҳмадиев, А.Ишаев, Х.С.Рўзимбоев, С.М.Сариев, А.А.Холиқов, Г.Жуманазарова, Д.Ўринбоева, Қ.М.Оллоёров, И.Умаров ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари<sup>5</sup> характерлидир. Лекин “Холдорхон” дostonининг луғавий

---

<sup>2</sup> Қаранг: Мирзаев Т. Дostonлар гултожи // Ўзбек халқ ёдгорликлари. I жилд, –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.28.

<sup>3</sup> Dor Remy. Nourali ou les aventures lyriques d’un heros epique. – Paris, 1991; Dor Remy. Nourali le Preux et Marghoumon Peri. Bilingue ouzbek-francais. IFEAC. – Paris, 2005. – P. 23-25.

<sup>4</sup> Karl Rechl. Rawsan. Ein uzbekisches mundliches Epos. Otto Harrassowitz. Wiesbaden, 1985; Райхл Карл. Тюркский эпос. – Москва, 2008; Ингёнг О. “Алпомиш” ва “Жумўнг” дostonларининг қиёсий-типологик таҳлили. Филол. фанлари д-ри дис. – Тошкент, 2014. – 254 б.

<sup>5</sup> Шаабдурахманов Ш. О художественных средствах языка поэмы “Равшан”. Автореф. дис...канд. филол. наук. – Тошкент, 1949. – 19 б.; Турсунов С. Лексические особенности дастана “Алпамыш”. Автореф. дис...канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 19 б.; Холманова З. “Шайбонийхон” дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида). Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 1998. – 25 б.; Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2000. – 160 б.; Ишаев А. Дostonлар тилининг баъзи бир хусусиятлари // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликда ўрни. – Т.: 1971. – Б. 173-179.; Рўзимбоев Х.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили (“Шахриёр” ва “Маликаи Завриё” дostonлари мисолида) Филол. фан. номз. ...дис. автореф.– Тошкент, 2000. – 25 б.; Сариев С.М. Хоразм “Гўрўғли” дostonларининг қўлёзма вариантлари. Филол. фан. номз. ...дисс., Тошкент, 2007; Раҳимов А.С. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида). Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Самарқанд, 2002. – 25 б.; Халиқов А.А. “Гўрўғлининг туғилиши” дostonи тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2009; Жуманазарова Г. “Ширин билан шакар” дostonининг луғавий ва лингвопозтик хусусиятлари (Фозил Йўлдош ўғли варианты асосида): Филол. фан. номз. ...дис. автореф., –Тошкент, 2008. – 26 б.; Шу муаллиф. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопозтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). Филол. фанлари д-ри дис. Тошкент, 2017. – 268 б.; Ўринбаева Д.Б. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: филол.фан. д-ри (DSc) дисс.автореф. – Самарқанд, 2019; Оллоёров Қ.М. Хоразм дostonлари ономастикаси (“Гўрўғли” ва “Ошиқнома” туркум дostonлари асосида). Филол. фан. фалсафа д-ри... (PhD) дисс. Автореф. – Самарқанд, 2018, – 46 б.; Умаров И.

катламларини аниқлаш, вазифавий-семантик ва услубий хусусиятларини тадқиқ этиш каби долзарб масалалар ҳозиргача ўзбек тилшунослигида ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари” (2015-2020) илмий мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** “Холдорхон” достони фонетик, лексик-фразеологик элементларининг лисоний табиати, синтактик қурилишидаги стилистик фигураларнинг қўлланилиш хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“Холдорхон” достонидаги ўз ва ўзлашма қатлам тавсифий, қиёсий-тарихий таҳлил усуллари асосида ўрганиш; матннинг фонетик, лексик-грамматик ва синтактик хусусиятларини очиб бериш;

“Холдорхон” достонидаги тил бирликларининг қўлланиш миқдорини аниқлаш; алфавитли, частотали ва терс луғатлари асосидаги материалларнинг лингвостилистик хусусиятларини ўрганиш;

грамматик воситаларнинг дostonдаги функционал-стилистик имкониятлари, ёзма ва сўзлашув нутқиға хос лингвистик ҳамда экстралингвистик мезонларнинг дoston тилиға таъсирини лисоний далиллар асосида ёритиш;

дoston матнида лингвостилистик хусусиятларға хос бўлган махсус лингвомаданий бирликларнинг қўлланилиш ҳолатлари, уларнинг бахши ёғвий эстетик ниятининг юзаға келишидаги ўрнини исботлаш;

Кўрғон дostonчилик мактаби ва Эргаш Жуманбулбул ўглининг услубига хос жиҳатларини аниқлаш; иждокорнинг поэтик индивидуаллиги, дoston куйлаш ва тилдан фойдаланишдаги маҳоратини илмий асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Эргаш Жуманбулбул ўгли куйлаган “Холдорхон” дostonининг 1981 йилдаги нашри танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** “Холдорхон” дostonининг лингвостилистик хусусиятларини очиб бериш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифий, дистрибутив, трансформацион таҳлил, стилистик ва статистик-лексикографик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

дoston эпик матнидаги *аёл, тоза, қобирга, қават, ангишламоқ-кишнамоқ, жайнамоқ-яйрамоқ* каби лексик-грамматик ҳамда *уюшиқ бўлаклар, кириш сўзлар ва ундалмалар* каби синтактик хусусиятлари очиб берилган ҳамда бахшининг бадиҳагўйлик иқтидори сўзларнинг семантик камровини кенгайтирувчи етакчи восита эканлиги аниқланган;

“Холдорхон” дostonи тилидаги сўзларда товушлар алмашиш, орттирилиш, тушиш ва ўзгартирилиш каби фонопоэтика элементлари мавжудлигига асосланган ҳолда бахши эпик репертуаридаги *же-ловчи* кипчоқ тип шеваларига хос фонологик хусусиятлар сақланиб қолганлиги далилланган;

экстралингвистик мезонлар асосида дostonдаги грамматик воситаларнинг функционал-стилистик, ёзма ва сўзлашув нутқига хос стилистик хусусиятлари эпик матннинг семантик табиатига таъсир қилиши асосланган;

дoston матнидаги ўхшатиш, эпитет, муболаға, такрор ва стилистик формулалар бахшининг бадий-эстетик қарашларини ифода этувчи лингвомаданий бирлик вазифасини бажарганлиги исботланган;



“Холдорхон” достони тилидаги лексик қатламнинг функционал-семантик хусусиятларини бошқа дostonчилик мактабига мансуб ижодкорлар асарлари тилининг лингвопоэтик талқинлари билан қиёслаш натижасида ҳар бир эпик анъанага мансуб бахшиларнинг бадиий тили ўша ҳудуддаги лингвомаданий муҳитни ўзида мужассамлаштирганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Холдорхон” достонининг сўзлик, алфавитли, частотали ва терс луғатлари асосида матндаги лексик ва морфологик бирликларнинг частотаси аниқланган;

“Холдорхон” достони тилидаги *же*-ловчи қипчоқ шеваларига ҳос, ёзма ва сўзлашув нутқига мос бўлган лексик материаллар келгусида ўзбек тилининг миллий корпуси учун муҳим манба бўла олишига имконият яратилган;

тадқиқот натижаларидан ўзбек тилшунослигида муайян дostonнинг фонетик ва лексик-фразеологик хусусиятларини, шунингдек, функционал-стилистик ва поэтик синтаксис масалаларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

дostonнинг тил хусусиятларини тадқиқ этиш асосида бахшининг ўзига ҳос поэтик маҳорати ва услуби аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олинганлиги, дostonнинг лингвостилистик хусусиятлари таҳлилларида нуфузли луғатлардаги маълумотларга таянилганлиги, тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, танлама ва таҳлил усулларига асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар умумжаҳон лингвофольклористикасининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “Холдорхон” дostonининг

лингвостилистик хусусиялари” мавзусида ёзилган мазкур тадқиқот натижалари ўзбек тилшунослигида лингвофолклористик тадқиқотлар яратишда, шу жумладан, халқ достонларининг тили ва услуби, лексик-семантик хусусиятларини тилнинг стилистик қонуниятлари билан бевосита боғлиқликда тадқиқ этиш учун илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Холдорхон” достонининг лингвостилистик хусусиятлари билан боғлиқ тўпланган материаллар, кўйилган масалаларни тадқиқ этиш натижасида келинган хулосалар ҳозирги тилшунослигимиз учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, “Лексикология”, “Матн лингвистикаси”, “Диалектология”, “Стилистика” каби фанлардан яратиладиган янги дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилади; шунингдек, халқ достонлари тилининг изоҳли луғатини тузиш, хусусан, достонлар лексикаси ва этимологик изоҳи бўйича луғатлар яратишда, шунингдек, олий ўқув юртларининг филология факультетларида стилистика фани бўйича махсус курслар, ўқув ва семинар машғулотларини ташкил этишда кенг фойдаланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Холдорхон” достонининг лингвостилистик хусусиятлари тадқиқи натижалари асосида:

достон эпик матнидаги аёл, тоза, қобирға, қават, анғишламоқ-кишнамоқ, жайнамоқ-яйрамоқ каби лексик-грамматик ҳамда уюшиқ бўлақлар, кириш сўзлар ва ундалмалар каби синтактик хусусиятлар очиб берилган ҳамда бахшининг бадиҳагўйлик иқтидори сўзларнинг семантик қамрови ифодаланишига доир хулосалардан ФА–Ф1–Г–041 рақамли “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш” (2012-2014) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг луғат қисмини ёзишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 декабрдаги 89-03-5210-сон маълумотномаси). Натижада фитонимик ва орнитологик лексемаларнинг

изоҳлари бойиган, мукаммаллашган; зоонимлар билан боғлиқ илмий изоҳлар тузилган, соҳага оид ўзбекча терминлар сифат жиҳатдан маълум даражада янгиланган;

“Холдорхон” достони тилидаги сўзларда товушлар алмашиши, орттирилиши, тушиши ва ўзгартирилиши каби фонопоэтика элементлари мавжудлигига асосланган ҳолда бахши эпик репертуаридаги *же*-ловчи кипчоқ тип шеваларига хос фонологик хусусиятлар сақланиб қолганлиги ҳақидаги доир хулосалардан ОТ-Ф1-76 “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” мавзудаги фундаментал лойиҳадаги 36-65-жилдларининг кириш ва луғат бўлимларини ёзишда (2020-2021) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 декабрдаги 89-03-5210-сон маълумотномаси). Натижада мазкур достоннинг академик нашрини тайёрлаш жараёнида асар матнидаги тушунилиши қийин бўлган диалектал ва тарихий-этнографик маъно касб этувчи луғавий бирликларнинг моҳиятини ойдинлаштиришга эришилган;

экстралингвистик мезонлар асосида достондаги грамматик воситаларнинг функционал-стилистик, ёзма ва сўзлашув нутқида хос стилистик хусусиятлари эпик матннинг семантик табиатига таъсир қилиши ҳақидаги хулосалардан Жиззах давлат институтида бажарилган (2016-2017) “Бошланғич синф ўқувчилари нутқини бойитишда инглизча-русча-ўзбекча фраземалар луғатини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш” мавзусидаги МУЗ-2015-0725140051 рақамли амалий лойиҳанинг “Иборалар ва уларнинг услубий хусусиятлари” бўлимини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 декабрдаги 89-03-4950-сон маълумотномаси). Натижада инглизча-русча-ўзбекча фраземалар луғати янги иллюстратив мисоллар билан бойитилган ва сўзликларнинг лексикографик изоҳлари мукаммаллашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 150 варақдан иборат.

## **I БОБ. ДОСТОН ТИЛИНИНГ ФОНЕТИК ВА ЛЕКСИК - ФРАЗЕОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

“Холдорхон” достонини ёзиб олиш жараёнининг фонетик-экспериментал техник воситаларсиз ва транскрипциясиз амалга оширилганлиги, ёзиб олувчининг достон айтилган шева фонетик, лексик-грамматик хусусиятларидан яхши хабардор бўлмаганлиги ёки адабий тил меъёрларига яқинлаштиришга интилиши оқибатида шакллантирилган матн кузатишлар олиб боришда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун илмий изланишларда унинг Қўрғон достончилиқ мактаби атоқли вакили Эргаш Жуманбулбул ўғли томонидан айтилганлигини, шоир эса *же*-ловчи шева вакили эканлигини инобатга олиш тадқиқотчига тўғри йўл танлашга имкон беради.

Достон ҳам насрий, ҳам шеърий матнлардан иборат бўлиб, шеърий қисми бармоқ вазнида, 7 ва 11 ҳижодан ташкил топган. “Достонда узун мисрали шеърлар ҳаракатнинг тинч-оҳисталигини, қисқа мисралари эса ҳаракатнинг тезлигини билдиради. Бу ҳол, айтилиши вақтда акустик ранг-баранглик ва ҳаракат образини яратади”, деб таъкидлаган эди Ш.Шоабдурахмонов<sup>6</sup>. Ушбу гаплар “Холдорхон” матнига ҳам тегишли бўлиб, достон ижросидаги насрий ва шеърий парчаларнинг галма-гал такрорланиб келиши матннинг нафақат фонетикаси, балки сўз танлаш ва бу сўзларнинг ўзаро боғланиш тарзига ҳам таъсир кўрсатган.

Шу маънода “Холдорхон” достони матнини лингвостилистик йўналишда ўрганиш ҳам Қўрғон достончилиқ мактаби, ҳам Эргаш шоир, ҳам аниқ бир достон тили ва услубига доир муайян хулосалар чиқаришга имкон беради. Қуйида достоннинг фонетик, лексик-фразеологик хусусиятлари таҳлил этилади.

---

<sup>6</sup> Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” достонида бадий фонетика элементлари // Ўзбек халқ ижоди. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 1967. – Б.23-30.

## 1.1. “Холдорхон” достонидаги фонетик хусусиятлар

Матннинг транскрипцияда ёзиб олинмаганлиги достоннинг фонетик хусусиятлари ҳақида объектив хулосалар чиқаришни қийинлаштиради. “Холдорхон” достонининг кўлёмаси эса достонни куйлаган Эргаш Жуманбулбул томонидан шахсан ёзилганлиги матннинг ёзма вариантини яратишда мумкин қадар табиийлик сақланишига кўмаклашган, албатта. Шу билан бирга, достоннинг нашр вариантини яратишда Ҳ.Зарифнинг баённи адабий тилга яқинлаштиришга интилганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Оқибатда баъзи ўринларда сунъийлик вужудга келган, айрим элементлар асарнинг умумий руҳига мос келмай қолган. Достондаги бу каби айрим нотабиийликлардан қатъи назар, уни фонетик жиҳатдан таҳлил этиш тилимиз тарихи нуқтаи назаридан аҳамиятлидир.

Х.Дониёров таъкидлайдики, “Ўзбек халқ эпик асарларининг тили барча соҳада (фонетика, грамматика, лексика, стилистика) қипчоқ диалектларининг тил хусусиятларига тўла мос келади”<sup>7</sup>. Таҳлиллар ана шу мослик “Холдорхон” достони тилида ҳам ўзининг тўлиқ ифодасини топганлигини кўрсатади.

Достон матнидаги айрим фонетик ҳодисаларни кўздан кечирамиз.

*Товушлар альтернацияси*, яъни фонетик алмашинуви достон тилидаги асосий фонетик хусусиятлардан бири саналади: [а>о]. *адо* – *ода* (178). *Адо* сўзида нафақат *а→о* балки *о→а* ҳодисасининг содир бўлиши кучли сингармонизмнинг натижасидир; [а>и]. *палла* – *пилла* (40); [а>у]. *манов* – *мунов* (137); [б>п]. *бўлиб* – *бўп*; *солиб* – *соп* (11); [в>б; в<б]. Адабий тилдаги *в* достон матнида *б* шаклда кўлланган: *ёлбормоқ* (1 марта), *зўрабор* (6 марта), *тобоқ* (7 марта), *қобоқ* (16 марта) каби. Параллел ҳолда *бобо* (24 марта), *ёлвормоқ* (1 марта), *зўравор* (1 марта), *товоқ* (6 марта), *қовоқ* (1 марта) элементлари ҳам ишлатилган. Бунинг аксича, *б→в* тарзида ҳам учрайди: *бова* (88); [г>й]: *тегмоқ* – *тиймоқ*, *сигир* – *сийир* (122,156). Шунингдек, достон

<sup>7</sup> Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Тошкент: Фан, 1979. –133 б.

матнида *тийди, тийинди, тийиниб, тийшим, тийма, тиймади, тияди* каби сўзшакллар қўлланган. Аммо адабий тил вариантнинг қўлланиш нисбати шева вариантдан устунлик қилади. *Тегмоқ* негизда келтирилган 19 сўзшаклнинг 54 марта қўлланганлиги буни тасдиқлайди. *Тиймоқ* ники эса 7 ва 8 дир; [д>т; д<т]: *дод – дот, думалоқ – тумалоқ; тегирмон – дийирман, товуш – довуш* (108,104,156,124); [е>а]. *чекмоқ – чакмоқ* (91). Жонли тилда *чэгиб, чэгиб* тарзида ҳам ишлатилади; [и>о]. *айрилиқ - айролиқ* (338). Ушбу шакл бошқа дostonлар тилида, мумтоз адабиёт матнларида ҳам учрайди ва бадий матнга хосланганлиги билан ажралиб туради (Алпомиш,19); [и>у]. *шовқин – шовқун, шовқум* (122). *И* нинг *у* га айланишига талаффуздаги уйғунлик сабаб бўлади. Бу уйғунлик *у* дан кейин келган *н* дан кўра *м* да кўпроқ сезилади: *шовқум* (168); [й, йу(ю)>ж]. *юрмоқ – журмоқ* (146). *й→ж* га ўтиш ҳодисаси қипчоқ лаҳжаси учун хос хусусият саналади<sup>8</sup>. Аммо дostonда қўлланган *аждаҳар/аждаҳо/аждаҳор/аждар/аждарҳо* сўзларидаги сирғалувчи *ж* фонема сифатида мавжуд эмас, *у* аффрикат *ж* га алмашади<sup>9</sup>; [л>к]. *кирлик – киррик* (77); [л>р]. *тугул – тугур* (24); [ми>ма]: *тортишмайма* (22). Уларнинг қўлланиш частотасида кескин фарқланиш мавжуд. *-ми* 250 га яқин сўзларда ишлатилган бўлса, *-ма* фақат *ўлама, бўлама, отама, топмабма, чопмабма, ўлдингма, борма* сўзларидагина учрайди; [н>м]: *шовқин – шовқум* (120). *М* нинг таъсирида *и* *у* га айланади: *интил – имтил* (172) мисолидаги *имтил* ҳам аслида *Ўмтил* тарзида талаффуз қилинади; [о>и]: *асло – асли* (10). *О→и* га ўтиш жараёни содир бўлиб, *асло* нинг шевада *асли* тарзда талаффуз этилиши унинг *аслида* сўзи билан шаклдошлигини вужудга келтирган (10). Х.Дониёров бу ҳолатни лексик-грамматик омонимия деб атайди<sup>10</sup>. Дostonда *асло* сўзи ҳам қўлланган; [о>ў]: *хор – хўр* (74); [о>у]: *совиб – сувиб* (122, 283); [п>м: *суппаймоқ/сўппаймоқ – сумпаймоқ*. Бу алмашиниш илмий манбаларда қайд этилмаган; [п>қ, қ>м]:

<sup>8</sup> Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шевалари ва уларни ўрганиш ҳақида маълумот // Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 406.

<sup>9</sup> Гўйчибоев Б. Ўзбек диалектологияси. Дарслик. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 71 б.

<sup>10</sup> Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Тошкент: Фан, 1979. – 55 б.

қопқоқ – қоқмоқ (78); [р>л]: *чордевор* – *чолдевор* (76). Ўзбек шеваларида *р*→*л* га ўтишида фарқлар мавжуд. Масалан, *бирга* сўзи *е*-ловчи шеваларда *билла* тарзида талаффуз қилинса, *же*-ловчи шеваларда редукцияга учрайди ва *білә* деб айтилади. Шунинг учун достон матнида унинг *билла* шаклида учрашида сунъийлик бордек кўринади (21); [с>ч]: *Сочмоқ* сўзидаги *с* достон матнида *ч* шаклда қўлланган: *чочиб* (421), *чочади* (53), *чочаётур* (334), *чочиб* (421), *чочилган* (334), *чочин* (74), *чочмай* (276) сингари. [с>ш]: *супурмоқ/сипирмоқ – шишпирмоқ* (14). Адабий тилда *супурмоқ* нинг маъноси аниқ бир ҳаракатни ифодалаш ҳолатига келган: *кўча супурмоқ, ҳовлини супурмоқ* каби. *Сипирмоқ, сидирмоқ* лар эса *йигишпирмоқ*ни англатади. Достон матнида эса унинг маъноси яна ҳам кенгайган: *ҳеч нарса қолдирмасдан* маъносида қўлланган; [ф>п]: *даф* – *дап, жуфт* – *жуп, пас* – *фасил* (399,224,168). Ўзбек лаҳжаларида *ф* нинг фонема сифатида мавжуд эмаслиги *ф*→*п* га ўтишига олиб келади<sup>11</sup>; [ч>ш]: *дуч* – *душ* (122). Ушбу ва юқоридаги баъзи мисоллар Х.Дониёровнинг ундошларда ҳам сингармонизм бор, деган фикрини тасдиқлайди; [ў>о]: *мўраламоқ – мораламоқ* (222); [ғ>в]. Адабий тилдаги *ғ* достон матнида *в* шаклда қўлланилган: *жовмоқ* (1 марта), *сов* (2 марта), *тов* (3 марта), *тувмоқ* (11 марта). Параллел ҳолда *ёғмоқ* (13 марта), *тоғ* (69 марта), *туғиб* (11 марта), *туққан* (6 марта) ишлатилган (182,152). Қипчоқ шеваларида сўз охирида *ғ* товуши *в* га ўтиши илмий манбаларда қайд этилган<sup>12</sup>; [ғ>й]: Қипчоқ шеваларида *й* нинг *ж* тарзда талаффуз этилиши айрим сўзлардаги *ғ* нинг *й* га ўтишига олиб келади: *жийилмоқ, жиймоқ, жилятмоқ* каби (170,363); [х>в]. *чуҳ* – *чув* (19); [х>й]: *қиблагоҳ* – *қиблагой* (304).

Товушлар альтернацияси “Холдорхон” достони тили учун хос хусусият бўлиб, у *же*-ловчи шеваларда сингармонизмнинг кучлилиги, оқибатда сирғалувчи ва портловчи (*б,в*), тил ўрта ва тил орқа товушларининг (*г,й*)

<sup>11</sup> Тўйчибоев Б. Ўзбек диалектологияси. Дарслик. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 71 б.

<sup>12</sup> Дониёров Х. Эски ўзбек тили ва қипчоқ диалектлари. – Тошкент: ТошДПИ нашри, 1976. – 89 б.



ўзаро алмашилиб туриши билан изоҳланади. Бунинг устига, дoston куйлаш талабидан келиб чиқиб, жарангсиз товушлардан (*п, т, с, к*) кўра уларга оппозицияда бўлган жарангли товушларнинг (*б, д, з, ғ*) қўлланишига мойиллик каби омилларнинг ҳам таъсири сезиларлидир.

*Товуш орттирилиши* ҳолатлари эса *а, и, й, л, н* каби товушлар мисолида икки ҳолатда кузатилади: – эпентеза ҳодисаси рўй беради: [а]: *қаҳр - қаҳар* (15). Бу каби товуш орттирилиши дoston айтишдаги баён усули, сўзларнинг талаффуздаги уйғунлиги билан боғлиқ: *қаҳар-шаҳар* каби. Бунинг устига, арабча *қаҳр* сўзининг талаффузи қипчоқларда қийин кечади; [л]: *аждаҳо – аждарҳол* (246). Аммо бу каби товуш орттирилиши дostonлар тили учун хос хусусият эмас; [н]: *ичида – ичинда* (272), *инградмоқ – ингрантмоқ* (303). Бу ҳолат ҳам типик саналмайди; [и]: *фасл, дам, вақт – пасил* (40); – эпитеза ҳодисаси рўй беради: [й]: *худо – худой* (149).

Айрим товушларнинг чўзиб талаффуз этилиши оҳангдорликка хизмат қилади: *саал* (291).

*Товуш тушиши*. Нутқда товушларнинг тушиб қолиши ўзбек тили шеваларида фаол учрайдиган ҳодиса ҳисобланади ва бу “Холдорхон” матнида ҳам яққол сезилади. Бу ҳодисанинг фаоллиги апокопа, синкопа, диереза, элизия каби фонетик ҳодисалар кўринишида намоён бўлади.

Апокопа – сўз охиридаги товуш ёки товушларнинг тушиб қолиши. Масалан *л* товуши: *ке* (16). Бу ҳолат сўз ўзагига қўшимчалар қўшилганда ҳам ўзгармасдан қолади: *кема* (166), *кемайди* (106), *кеманглар* (133), *кемасам* (15), *кемасми* (302); *қомай* (279), *қомаси* (23) каби. Худди шу моделдаги *омоқ (олмоқ), сомоқ (солмоқ)* шакллари дoston матнида учрамайди. Аммо дoston матнида *келмоқ – кемоқ* нисбатида иккинчи сўзнинг қўлланиши озчиликни ташкил этади. Дoston матнида товуш ўзгаришларидан ташқари, сўз структурасида содир бўладиган қисқаришлар ҳам *же-ловчи* шеваларда ўзига хос тарзда кечади ва бу ҳолат дoston тилида ҳам намоён бўлган. Масалан, *бундай қилиб – буйтиб* (180); *шундай деб – шуй деб* (127); *шундай*

қилиб – шуйтиб (40); билан – ман (15). Кўмакчининг бу шакли шевада фаол хисобланади; *Йиқитмоқ* – *йиқмоқ*: *йиқа* (106), *йиқади* (119), *йиқаман* (154), *йиқамиз* (405), *йиқарман* (235), *йиқармикан* (160), *йиқди* (71), *йиқдилар* (383), *йиқдим* (425). *Буну ундай-бундай одам йиқа олмас, бунга ҳар ким чиқолмас, жуда зўринг бор!* —деб фармонлади (106) сингари; *Нима қилмоқ – нетмоқ*: *нетади* (173), *нетай* (64), *нетайин* (364), *нетаман* (137), *нетамиз* (72), *нетарлар* (201), *нетарман* (111). *Томоша қил мен Қайсарни нетаман. Омин де, отажон, майдон кетаман* (302) каби. Изоҳли луғатларда *йиқмоқ* нинг кам қўлланиши<sup>13</sup>, *нетмоқ* нинг поэтик сўз эканлиги<sup>14</sup> қайд этилган; *Пушаймон – пушмон*: *Барин ўлдир оломонин, Келганига бўлсин пушмон* (217). *Парвариш – парва*: *Мен келганча элатимни, тогажон, Мендан яхши парва қилиб тургайсан* (43). Бундай қисқарган вариантлар жуда кам қўлланади. *Тиз, гизламоқ* сўзлари ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин: *Полвонлар чираниб солмоқ солганда, Иккови ҳам кириб кетар тизидан* (161). *Минган оти ўқдай гизлаб. Бедовларин йўлда тезлаб* (39). Бу каби қисқаришлар сўзнинг фонетик қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборади.

Достонлар матнида айрим товушлар ёрдамида оҳангдорлик ҳосил қилинади. Аммо бундай товушлар “Холдорхон”да кўп эмас. Энг фаоли сифатида *о* ни кўрсатиш мумкин: *Бор, болам, олло ёринг бўлсин, пирлар мададкоринг бўлсин, қирқ чилтон жиловдоринг бўлсин* (109). *Ана энди Холдорхон подшо бу сўзларни айтиб, жамий умаросидан, вузаросидан, уламосидан, фузалосидан...*(182). Кейинги гап таркибидаги *умаро*, *вузаро*, *уламо*, *фузало* сўзлари уюшиқ бўлақлар сифатида кўп марталаб такрорланган, Эргаш шоир услубига хос қўлланиш воситасига айланган (193). Бундай ҳолатларда *о* ижродаги ритмнинг сақланиб туришига кўмаклашади.

Баъзан ана шу товуш туфайли муайян сўз алоҳида ажратиб талаффуз қилинади ва муҳим бирлик сифатида таъкидланади: *уришиб-о* (192), *мудом-о*

<sup>13</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 272 б.

<sup>14</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. III жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 35 б.

(45). Аммо товушнинг *ол* сўзи таркибида ишлатилганлиги ва ўрни билан жуфтлашганлиги уни дostonнинг шеърий қисмларида кучли поэтик воситага айлантирган: *Ол-ол, беклар, олганники, бекларим, Қайтмай қилич солганники, бекларим* (56). *Ол-ол юрди, ол юрди, Озгина эмас, мўл юрди, Шабгир тортиб Гўрўгли Йигирма кун йўл юрди* (84).

“Холдорхон” матни учун эпентеза ва эпитеза ходисаларидан кўра, диереза, яъни товушларнинг тушиб қолиши асосий хусусият саналади. «Нормал ахборот ташувчи ибора ёки гап, - дейди Ж.Элтазаров. – тилдаги мавжуд икки қарама-қарши тенденциянинг “кучлари тенг” келиб қолган ҳолати сифатида намоён бўлади, яъни бу бир ҳолда фикр (тушунча) нинг узатиш формаси у элтувчи маъно билан ўзаро эквивалентликка эришади. “Ортиқча” унсурлар ташлаб юборилади, мазмунни кучайтирувчи элементлар кўшилади ёки аксинча”<sup>15</sup>. Шу маънода, Б.Ўринбоевнинг “Сўзлашув нутқи одатда сўз ва сўз бирикмаларининг товуш составини қисқартиришга, нутқ органларининг ишини максимал даражада енгиллаштиришга интилади”<sup>16</sup> деган фикри ҳам эътиборга моликдир. Шунингдек, товуш қисқариши дostonлар тили учун типик хусусиятдир. Масалан: [га>а]. Жўналиш келишиги кўшимчасининг оғзаки нутқда қисқарувга учраб –а тарзида талаффуз қилиниши қадимдан мавжуд ва у мумтоз адабиёт намуналарида поэтик талабларга кўра фаол ҳисобланади: *ўзима* (15); [ги>и]: *наҳори* (15).

Талаффуз жараёнидаги сингармонизм ҳам айрим товушларнинг тушиб қолишига сабаб бўлади: *а: боллар* (224).

Товушларнинг тушиб қолиши *й, к, л, н, р, т, ш, қ, ҳ* товушлари мисолида ҳам кузатилади. Масалан: [й]: *йирик – ирик* (341). *Жога=жойга* (изоҳ шундай берилган. Лекин *жога* деб айтиши ишончли эмас): *Дарвозани ололмайин Бориб қўнди бўлак жога* (60); [к]: *кўкнори - кўнар* (93); [л]: *кел – ке* (16); [н]: *нари – ари* (119); [р]: *ёмонликдир, беимонликдир, донадир –*

<sup>15</sup> Элтазаров Ж. Тилдаги тежамкорлик тамойили ва қисқарув. – Самаарқанд: СамДУ нашри, 2004. – 30 б.

<sup>16</sup> Ўринбоев Б. Ўзбек сўзлашув нутқи. – Тошкент: Фан, 1982. – 133 б.

*ёмонликди, беимонликди, донади (11,245). Ушбу товушнинг тушишига микроматндаги бир сўзга иккинчи бир сўзни қофия қилиш, уюштириш эҳтиёжи сабаб бўлиши ҳам мумкин: Қистагандан қистади, Йўл юрмоққа устади (р) (11). Кўлда суқсур, сўнади (р). Ақлидан бегонади (р) (11).*

Товушларнинг тушиб қолиши бўғин қисқаришига ҳам олиб келади: қилиб - қип: *Бир ўзима катта қозон қурмаса, Қирқта-ўттиз ошпаз ош қип бермаса (15). Келиб - кеп: Бир талотўп катта тўда бўп қолди, Кўп бўз бола тўда-тўда кеп қолди (19).*

Она тилимиз бугунги адабий ҳолатига келгунга қадар диалектал қўлланиш шаклидаги мураккаб тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтганлиги дoston матнидаги фонетик ўзгаришлар мисолида яна бир бор ўз тасдиғини топганлигини кўрамыз.

## **1.2. Достонга хос лексик хусусиятлар**

“Холдорхон” достони лексик жиҳатдан қипчоқ шеваларининг тил хусусиятларини ўзида тўлалигича акс эттиргани, айна пайтда, халқ оғзаки ижодининг бошқа намуналарига қараганда ифодада китобийликка мойилликнинг мавжудлиги дoston лексикаси таҳлилида шева ва адабий тилни қиёслаш усулидан фойдаланишни тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, таҳлил материали таснифида қуйидагиларга эътибор берилди: адабий тилда ҳам, умумхалқ тилида ҳам мавжуд, аммо ўз маъноларининг биттаси билан жонли тилга хосланган лексемалар; адабий тилда ҳам, умумхалқ тилида ҳам вариантлари мавжуд бўлган, аммо бу вариантларнинг биттаси сўзлашув нутқида хосланган лексемалар; тилимиздаги мавжуд моделлар асосида дoston муаллифи томонидан яратилган лексемалар; дoston айтувчиси томонидан маъноси ўзгарган ҳолда қўлланган лексемалар; адабий тил нуқтаи назаридан эскирган, диалектал лексемалар. Уларни кўздан кечирамыз.

1. *Адабий тилда ҳам, умумхалқ тилида ҳам мавжуд, аммо ўз маъноларининг биттаси билан жонли тилга хосланган лексемалар.*

Лексемаларнинг ушбу туркумини ўз навбатида яна икки гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин: а) Маъноси кенгайиб, унинг фақат бир маъносида диалектал хосланиш юз берган сўзлар. Масалан: *Аёл*. Ушбу сўз муайян жинсдаги кишини – хотин кишини англатади. Сўзнинг *рафиқа, ёстиқдош, хотин, оила* сингари синонимик вариантлари мавжуд<sup>17</sup>. Достон матнида *аёл* ўзакли сўз 19 марта қўлланган. Ушбу элементнинг синоними саналадиган қадимги туркий *хотин* сўзи<sup>18</sup> бирмунча фаол - 42 тани ташкил этади. *Аёл* достонда ўзининг асосий маъносидан ташқари 2 ўринда *умуман бола-чақа* маъносида ҳам қўлланган: *Қирқ йигити ёппа тўйга, қолмасин, Уларнинг ҳам айтдим аёлларини* (7). Тилимизда *аҳли аёл* бирикмаси ҳам мавжуд. Бирикманинг расмий оҳанги унинг қўлланиш имкониятларини чеклаб қўйган ва юқори услубга хосланган.

*Аёл* сўзининг *аҳли аёл, бола-чақа* маъноларини бериши ушбу сўзнинг тилимизга қабул қилингандан кейинги даврлар маҳсули. Х.Дониёров ҳам “кейинги вақтларда баъзан стилистик юмшоқлик нуқтаи назаридан” ушбу сўзнинг кўпроқ қўллана бошлаганлигини қайд этган<sup>19</sup>. Достонда ушбу мазмун сўзлашув нуткига хос бўлган<sup>20</sup> *хотин-халаж* сўзи билан берилган: *Бизларнинг йўғимизда салгина одам келса, у қолган хотин-халажнинг қўлидан нима келади?* (41).

*Бўлмоқ*. Сўз сўзлашув нуткида ЎТИЛда қайд этилмаган<sup>21</sup> яна бир маъноси – *тенг келмоқ, баравар келмоқ* билан намоён бўлади: *Барингизга ёлғиз ўзим бўламан, Бошингизга не кунларни соламан* (104). Гарчи ушбу достон матнида учрамаса-да, сўзлашув нуткида унинг *тир келмоқ* варианты ҳам мавжуд. “Алпомиш”да ундан бироз ўзгарган шаклда фойдаланилган: *Шу еттовига тир қилгани Қалмоқшоҳ ҳар мамлакатлардан алпларни олиб келиб* (38).

<sup>17</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 214 б.

<sup>18</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг туркийча сўзлар изоҳли луғати. –Тошкент, 2000, – 402 б.

<sup>19</sup> Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Тошкент: Фан, 1979. – 38 б.

<sup>20</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 334 б.

<sup>21</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 162 б.

*Қобирга, қават. Матнда ён, тараф, томон маъносида қўлланган: Ҳали сизнинг қобирғангизда шунча лашкар одамингиз бор. Достоннинг ўзида унга биқинингизда деб изоҳ берилган (158). Қават ҳам шевада ён маъносида ишлатилади: Кэ, қаватымдэн отыр. Этэсының қаватыга кирип қалды каби. “Холдорхон”да ҳам шу маънода қўлланган: Қаватимизда қизилбош яқин эди (40). Сўз АДИЛда: ёнида, олдида, бирга юрган шериги маъносида, деб изоҳланган<sup>22</sup>.*

*Ҳали. Равиш сифатида ЎТИЛда 7 та изоҳи берилган мазкур сўз сўзлашув нутқида нафақат маъносидаги кучайтирув, чегаралов вазифасини ҳам бажаради: Ҳали ихтиёр, бахтиёр, юрт эгаси, давлат эгаси, мамлакат эгаси, балки Ёвмит билан Таканинг беклик, балки подшолиги Аваз қул билан Ҳасан қулники бўлиб бораётири (44).*

б) Маъносида ўзгариш содир бўлгандан сўнг бошқа бир элемент билан шаклдошлиги вужудга келган сўзлар.

*Ўларман. Ўлмоқ феъли ушбу шаклининг луғавий маъноси ўлсам керак дир. Шу маънони бериши мумкин бўлган ўларсан ҳам гумон, шубҳа, иккиланиш маъноларини эмас, балки стилистик аҳамият касб этиб, аниқлик, кескинлик оттенкасини ифодалаган: Сен Аҳмад, кўрнамак, энди ўларсан, Зўрлик қип қўрғонни тортиб оларсан (58). Шунингдек, диалектал ўларман адабий тилдаги ўларман элементи билан грамматик омонимия ҳосил қилган ва достондаги маъносига кўра услубий чегараланишга юз тутган: Бир ишга кучи етмайди, шўни ололмайди, ололмагандан сўнг ёқалашибми, тўбалашибми, ана кучи етмай қолганни ўларман деймиз (25). Ҳатто у субстанцияга учрайди: Энди билдик, бариси ўларманлик экан, бўйинийўгонлик экан, тантибозлик эмас экан (24).*

ЎТИЛда ушбу элемент ўлармон шаклида берилган ва маънолари а) нафсини тия олмайдиган, очкўз; б) ўта берилган, муккасидан кетган тарзида

---

<sup>22</sup> Мирзаев Т., Эшонкул Ж., Фидокор С. “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. – 129 б.

изоҳланган (2.502). Аслида *ўларман ўлармон* нинг жонли нутқда фонетик ўзгаришга учраган шакли. Аммо *ўлармон* нинг ЎТИЛдаги изоҳи, бизнингча, етарли эмас. Уни дoston матнидаги *ўларман* га татбиқ этиб бўлмайди. Б.Тўйчибоев “Зомин сўзлиги” асарида *өләрмән* ни – *қасамхўр* деб изоҳлаган (219) ва у бирмунча дoston ҳақиқатига яқин. Матнда у кўпроқ *шилқимлик, хиралик* маъноларига тўғри келади.

*Қайта. Аксинча, билъакс, яхииси, ундан кўра* маъноларида ишлатиладиган *қайтага* равишининг қисқарган шакли<sup>23</sup>: *Қайта сиз уни жуда шоштириб ташладингиз* (317). Шу кўринишда у *янгидан, бошқатдан, янгича, янги асосларда; марта, карра* маъноларини берадиган равиш билан омонимик шаклни юзага келтирган.

2. Муайян тушунчани ифодаловчи элементларнинг умумхалқ ва адабий тилда вариантлари мавжуд, аммо уларнинг биттаси сўзлашув нутқида хосланган лексемалар:

*андираймоқ – шошмоқ: Унда Бўжман қозоқ андирайиб: — Ҳали сен нимани қилдинг, кимни қўрқитдинг, бемаза, гупти баччагар, — деб гурзи билан ошириб солди* (106). 1 марта қўлланган ушбу сўзнинг изоҳи китобнинг ўзида *шошмоқ, шошилмоқ, шошилтирмоқ* деб берилган (438). Унга синоним сифатида қараладиган *шошмоқ* феъли 38 марта қўлланган. Дostonда *андираймоқ – шошмоқ* сўзлари стилистик жиҳатдан бир хил қийматда эмас. *Андираймоқ* шунчаки *шошиши* эмас, бу сўз орқали *шошилиш* ҳаракат ва *тахдид* оттенкаси ҳам ифода этилган;

*ангишламоқ – кишинамоқ: Бораётир отлари Анггишлаб бари олқордай* (344). 1 марта қўлланган ушбу сўзнинг изоҳи “Алпомиш”да берилган: *кишинамоқ, отнинг кишинаб, гижинглаб иргиши* (394). *Ангишламоқ* ва *кишинамоқ* элементларини ҳам бир хил стилистик қийматда деб бўлмайди. *Ангишлаш*да қандайдир ғайрат, шижоат, мамнуният оттенкалари сезилади;

---

<sup>23</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 540 б.

*гана* – *баъзан*. Адабий тилдаги бир синонимик уяни ташкил этадиган *баъзан, гоҳо, гоҳида, аҳёнда, унда-бунда, ора-сира, ора-чора, ўқтин-ўқтин, ҳар замонда, бирда-ярим*<sup>24</sup> сўзлари қаторига уларнинг диалектал кўриниши сифатида ушбу элементни ҳам қўшиш мумкин. Аммо у яқка ҳолда қўлланмайди, вақтга ишора қилувчи бошқа элемент ҳам қўшилган бўлиши лозим. Достонда *вақт* сўзи иштирокида 2 марта қўлланган: *Гана вақтда ўзин ўнглаб олади, Кўлбарга у ҳам тўзаноқ солади* (155). Же-ловчи шеваларда сўзнинг *ганада, гана пайти* вариантлари ҳозирда ҳам қўлланади. Достонда *аҳёнда, баъзан, унда-бунда, ора-сира, ора-чора, ўқтин-ўқтин, ҳар замонда, бирда-ярим* сўзлари қўлланмаган;

*жимийтмоқ* – *чимирмоқ*: *Кулогин жимийтиб, оғзини очиб, Ҳайвон Ғирот қабатлашиб тишлашди* (19). ЎТИЛда *қулоқ чимирмоқ* ибораси берилган бўлиб, унинг маъноси *қулоқларини орқага буриб, тик қилиб бирор ҳаракатга ҳозирланмоқ* маъносини бериши ва ҳайвонларга нисбатан қўлланиши тўғрисида изоҳ берилган<sup>25</sup>.

*катик* – *синиқ*. Достонда 6 марта қўлланган: *Ў, жияним, мана бу ерда гартак катик бор экан, кўрдингми? — деди* (96). Адабий тилдаги *синиқ* сўзига тўғри келади. Аммо унинг маъносини айнан беролмайди, балки бир қисмини – предметнинг бирор ери учганлигини ифодалайди. Шевадаги *катилган* сўзи ҳам шу маънода, *катилмоқ* феъли ҳам бор. *Катик кемтикка* ҳам яқинлашади. *Кемтик* – предметнинг учган, синган, кертилган жойи<sup>26</sup>. Аммо маънодаги нозиклиги шундаки, *катик* элементи *кемтик* ифодалаган маънони эмас, балки муайян ҳолатдаги, яъни *синиқ* предметнинг ўзини атайди. Достонда у яна ҳам кенгроқ маънода қўлланган бўлиб, *ўпирилиш* маъносини ифодалаган: *Қримнинг қаласи жуда баланд, жуда маҳкам, ҳеч ерида катик — қулаган ери ҳам йўқ экан* (95). Бу маъно гапнинг ўзидан ҳам англашилиб турибди;

<sup>24</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 51 б.

<sup>25</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 369 б.

<sup>26</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 378 б.



*мойтармоқ – жароҳатламоқ: Мард йигит номардга сирин айтарма, Бир гапни айтиб юрагимни мойтарма (305). Сўзнинг маъноси Б.Тўйчибоевнинг “Зомин сўзлиги”да берилган<sup>27</sup>. Достонда феъл ясалишига асос бўлган жароҳат 1 марта қўлланган: Сени кўриб бағрим бўлди жароҳат, Ўзгани қўй, Юнус опам омонми? (387)*

*тарпимоқ – топтамоқ: ...остидаги оти одамхўр...ҳар қандай от бўлса, тарпип ташлайди (24). 1 марта қўлланган. Сўз халқ тилида ҳам кам қўлланади, бошқа достонлар тилида учрамади. Тарпимоқ феъли тақлидий тарп сўзидан ясалган, оёқ чиқарадиган овоз маъносида. ЎХШЛда тарпа сўзининг маъноси – таппа “внезапно, быстро, сразу”<sup>28</sup> тарзида берилганлиги моҳиятни англашга кўмаклашади. Демак, достон матнида тарпимоқ от оёғи билан кутилмаганда бирор нарса-предметни босиб, янчиб, эзиб ташлаш маъносини англатади. Тақлидий сўз ҳисобланадиган таппа нинг лексик маъноси “тап” этган товуш чиқариб урилишни, тушишни ифодаласа ва умумий мазмунга эга бўлишидан келиб чиқилса, тарпа сўзи айнан оёқнинг ҳаракатини, аниқроғи кутилмаган ҳаракатни ифода этувчи лексема сифатида луғатларимиздан жой олишга ҳақлидир. Б.Тўйчибоев бўри еган жонлиқнинг қолдиги, улгу<sup>29</sup> тарзида изоҳлаган тарпы сўзини эса ушбу сўздаги ёки тасодифий шаклдошлик, ёки сўз тараққиётининг муайян даврдаги янги маъноси бўлиши мумкин. Ҳозирги адабий тилимизда эса ушбу маънони ифода этадиган топтамоқ сўзи мавжуд<sup>30</sup>;*

*ўдраймоқ – ўқраймоқ: ...тўйнинг оши шу бўладими, — деб қобогини уйиб, Авазхонга ўдрайиб (14). 1 марта қўлланган. Адабий тилда жаҳл ёки газаб билан қарамоқ, чақчаймоқ; хўмрайиб қарамоқ маъноларини берадиган*

<sup>27</sup> Тўйчибоев Б, Қашқирли Қ. Зомин сўзлиги. Тошкент: Академия, 2010.

<sup>28</sup> Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шевалари ва уларни ўрганиш ҳақида маълумот // Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1971. – 246 б.

<sup>29</sup> Тўйчибоев Б, Қашқирли Қ. Зомин сўзлиги. Тошкент: Академия, 2010. – 213 б.

<sup>30</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 204 б.

ўқраймоқ лексемаси мавжуд<sup>31</sup>. Достонда *хўмраймоқ, чақчаймоқ; ўқраймоқ* бирликлари ишлатилмаган;

*эланмоқ – ялинмоқ: Ҳасан Кўлбар эланаётир: — Ў, Авазжон, болам, ҳали ёш боласан, унинг тенги эмассан (306). ЎТИЛда у ялинмоқ, ёлвормоқ, илтижсо қилмоқ маъноларини берадиган диалектал сўз сифатида изоҳланган. Матнда ялинмоқ сўзи ишлатилган эмас;*

*қавл – сўз: Ўлганимча шу қавлимдан, оломон, Мен қайтмаси кетдим энди, бекларим (46). Сўзнинг маъноси ЎТИЛда – а. Лафз, сўз. Эътикод тарзида изоҳланган<sup>32</sup>, принцип, тутуруқ сўзларига ҳам тўғри келади. Ҳозирда бу сўзнинг қўлланиши шевалар доирасида чегараланган, тутум ҳам дейилади. АДИЛда қавлидан, дастидан тарзида изоҳланган<sup>33</sup>.*

3. *Тилимиздаги мавжуд моделлар асосида достон муаллифи томонидан яратилган лексемалар: арқирамоқ* товушга нисбат берилиб ҳосил қилинган тақлид сўз ва бошқа достонлар матнида учрамайди: *Отлар борар арқираб, Оққан сувдай шарқираб (348)* каби. Шунинг учун уни асар муаллифининг ўз ижод маҳсули деб айта оламиз;

*Эл сўзидан ҳукмдор* маъносига уйғун бўлган *элдор* элементи ясалган: *Така-Ёвмит элдори, Туркман элнинг Сардори (49)*. Уни Эргаш шоир *эл оғаси, эл раҳбари, эл бошлиғи, эл эгаси/юрт эгаси* маъноларида жуда муваффақиятли қўллаган.

Бахшининг ушбу сўзга эътибори алоҳида эканлигини унинг негизида янги сўзлар яшашга интиланлиги ва маъно кўламини кенгайтиришга ҳаракат қилганлигида кўрамыз. *Элдорлик қилмоқ (383), элисозлик (436), элдош (9)* каби қўлланишлар фикримизнинг исботидир. Достон матнидаги *чорвадор* маъносини англатувчи *элибой* эса халқ оғзаки ижоди намуналарига хос бўлган, деярли барча халқ достонларида учрайдиган сўздир. Аммо *Элибойи*

<sup>31</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 528 б.

<sup>32</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 532 б.

<sup>33</sup> Мирзаев Т., Эшонкул Ж., Фидокор С. “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. – 129 б.

кўргандан *Шаҳардан тура қочди* (85). Э, ҳароми, э, ҳароми, ҳароми, *Сатта битган элибойнинг гирроми* (202) сингари мисоллар шоирнинг элибойни тор чорвадор маъносида эмас, балки кенг халқ маъносида қўллагани маълум бўлади.

Форс-тожик тилларидан ўзбек тилига айрим элементларнинг ўзлашганлиги натижасида тил элементлари синонимик муносабат ҳам вужудга келган. Масалан, “Холдорхон” мисолида ясовчи қўшимчалар *-дор* ва *-ли* ўртасида юзага келган муносабатни олайлик. Достон матнида ушбу қўшимча ёрдамида бир ўринда предмет ва нарса-ходисадаги белги-хусусиятнинг, А.Ғуломов қайд этганидек, *-ли* аффикси каби белгига эга бўлишда ортиклик<sup>34</sup> даражаси кўрсатилган: *Ҳар ерда, ҳар мамлакатда, ҳар диёрда подшоҳнинг полвони, мард йигити бўлса, подшо ривождор-да!* (150). Профессор Ё.Тожиев мавзуга доир қуйидаги фикрларни баён этган: “*-дор* аффиксининг маъноси гўё *-ли* аффиксининг маъносига тенг ёки айрим ҳолларда, *-чи* аффикси маъносига тенг келади: *ордендор – орденли, ижарадор – ижарачи* каби. Аммо *ордендор* сўзида шахс отилик хусусияти кучли бўлса, *орденли* сўзи эса аниқ сифатдир. Шунга кўра, бу ўринда *-ли* ва *-дор* аффиксларининг ўзаро синонимлиги ҳақида гапириш мумкин эмас”<sup>35</sup>.

Ўзбек тилида сўз ясалиши бўйича тожикча *-дорга* синоним ва айна пайтда оппозицияда бўлган *-ли* қўшимчасининг ишлатилиши ҳам достонда кам эмас. Ушбу қўшимча билан 81 сўз ясалган ва улар 183 марта қўлланган. Уларнинг аксарият қисми достон матнида қўллангунга қадар ясаиб бўлинган: *адабли, адолатли, анорли, асбобли, атоқли, билакли, бўйли, бошли, буюмли* каби. Аммо *ажалли, арвоҳли, беримли, инъомли, савдоли, танимли, тўқишли, ҳақиқатли, ҳаромли* сўзлари ҳақида бу гапни айтиб бўлмайди. Улар Эргаш шоир ясаган бирликлардир.

Ушбу қўшимча тўғрисида А.Ғуломов қуйидагиларни ёзган эди: “*-ли*

<sup>34</sup> Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 413 б.

<sup>35</sup> Тожиев Ё. Ўзбек тилида шахс оти ясовчи аффикслар синонимияси. – Тошкент: ТошДУ нашри, 1987. – 75 б.

кенг маънода отларга қўшилиб, сифат ясайдиган умумий аффиксдир. Бирор предметга эгалик ёки шу жиҳатдан ортиқлик билдирганда тожик тилидан кирган *ба-*, *-дор*, баъзан *сер-* морфемалари билан синонимик муносабатда бўлади”<sup>36</sup>. Эргаш шоир эса ушбу қўшимчанинг маъно кўламини айрим сўзлар мисолида янада кенгайтирган. Масалан, *ажал+ли* элементини олайлик: *Барингнинг ўлар ерингди (р)*, *Ажалли кел якка-якка (98)*. *Қора бағринг тилдирайин*, *Ажалли, кел битта-битта (159)*. Матнда *ажалли* сўзининг маъноси А.Ғуломов айтгандан ҳам кенгроқ, у *ажали етмоқ* иборасининг мазмунига тенг келадиган маънони беради – *ажали етган киши*, айнан *ажали етганларни*, *ажалинг етган бўлса* каби.

*Арвоҳли подшо* жумласидаги *арвоҳли* сўзи ҳам Эргаш шоир томонидан самарали қўлланган. Гарчи эшитишда бироз ёқимсиздай туюлса-да, ушбу сўзнинг *фаршита* маъноси ҳам бор<sup>37</sup>. Муаллиф маънонинг ана шу нозик жиҳатини эътиборга олган: *Шу замонда, шул вақт Гўрўглибекка [тенг] келадиган зайратли, ҳайбатли, шавкатли, сиёсатли, арвоҳли подшо шул Гўрўглибекдан бошқа йўқ эди (421)*.

Ўзбек тилида *-ли* кўмагида *билимли*, *бўлимли*, *ёқимли*, *тўйимли*, *юқимли* каби бир қатор сўзлар ясалган<sup>38</sup>. Аммо луғатларда *беримли*, *таннимли* сўзлари учрамайди. Достонда: *Жуда беримли тўй бўлди. Ҳали Қримнинг элига сиздан бошқа полвонлар таннимли бўлгани йўқ (196)*. *Ишонимли ул ўртада, Албатта, қўрқоқ четда-да (285)*. *Ишоними* сўзининг ишлатилишига ҳам шу модел асос бўлган: *Ў, йигитлар, бу турган полвон марди-мардона кўринади, хийли баҳодирга ўхшайди, албатта, ўзига ишоними бор бўлса керак (99)*.

Мисоллардаги *таннимли* ва *ишонимли*ни адабий вариантлари *таниқли* ва *ишончли* билан алмаштира бўлади. Аммо *беримли*ни шу тарзда алмаштирадиган сўз йўқ. Унинг маъноси *мўл-кўл*, *тўлиб-тошган* сўзларига тўғри келади. Бинобарин, у Эргаш шоирнинг тилимиздаги мавжуд моделлар

<sup>36</sup> Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 428 б.

<sup>37</sup> Навоий асарларининг луғати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 55 б.

<sup>38</sup> Қўнғуров Р., Тихонов А. Ўзбек тилининг чаппа луғати. – Самарқанд, 1968. – 61 б.

асосида яратган ижод маҳсулидир. Достон матнида *танымлининг танимол* варианты ҳам ишлатилган: *Ана энди уларга танимол бўлиб қолган Бексара от ўйнатиб... етиб борди* (293). Сўзлашув нутқида *танимол* ҳозирда ҳам қўлланади.

Эргаш шоирнинг –дон қўшимчаси кўмагида ясаган яна 2 та сўз эътиборимизни тортади: *маслаҳатдон* ва *кенгашдон*. Гарчи улар бор-йўғи бир мартадан қўлланган бўлса ҳам мазмунан бир-бирига яқин ва аҳамиятлидир: *Катта одамлари, маслаҳатдон кишиларни олиб келиб, кенгаш ташлади* (158). Англашиладики, *маслаҳатдон* адабий тилдаги *билимдон* элементи моделида ясалган.

Матнда *маслаҳатдон* сўзи *маслаҳат берувчи, маслаҳат берадиган* эмас, балки *маслаҳат бера оладиган, ақлли, доно, тажрибали одам* маъноларида ишлатилган. *Кенгашдон* элементи ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин: *...оқсоқоллар, иш кўрган кенгашдон одамлари билан, ақли кўп расо кишилар билан кунда кенгашиб, ишнинг сариштасини олаёттир* (360). Муаллиф қўллаган *кенгашдош, кенгашибоши* сўзлари ҳам достоннинг оҳорли сўзларидан саналади: *Ў, ёронлар ва эй вазирларим, кенгашдошларим* (158). *Холдорхон подшо катта амалдорлари, вазири донолари, маслаҳатдош, кенгашибоши...— шундай шаҳарнинг улуг катталари ташқари чиқиб...*(334) каби.

Матнда 24 марта қўлланган ушбу сўзни ҳам Эргаш бахшининг алоҳида сўзлари сирасига киритиш тўғри бўлади. Унинг негизида муаллиф достонда *кенгашмоқ* (60), *кенгаш қилмоқ* (9), *кенгаш ташламоқ* (158), *кенгаш бермоқ* (384), *кенгашиб ётмоқ* (230), *кенгаш сўрамоқ* (259) сингари *маслаҳат-кенгаш* (34) каби жумлалар тузган.

ЎТМЛда *бирор нарсага қараб турувчи, қўриқловчи шахсни билдирувчи* от ясовчи сифатида изоҳланган –*бон* қўшимчаси<sup>39</sup> ёрдамида ҳам бир қатор сўзлар учрайди: *соябон, дийдабон* сингари. Аммо *подабон* Эргаш шоирнинг

---

<sup>39</sup> Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 404 б

ўз ижод маҳсули саналади: *Гўрўгли сени бек қилган, Сенинг касбинг подабонлик* (245).

*Чўлкезар*. Матнда 7 марта қўлланган ушбу элемент гарчи луғатларда учрамаса-да, шу шаклда ўзбек тилида ишлатилиши мумкин. Аммо сўзнинг қўлланишида дoston матнига хос хусусият шундан иборатки, у барча ўринларда Эргаш шоир томонидан фақат салбий маънода ишлатилган: *Кесиб келай чўлкезарнинг бошини, Оқ фотиҳа беринг, отам, валлакат* (136).

Шунингдек, дoston матнида *одамсимоқ* (165), *муборакбодлик* (157), *тўйдош* (9) сингари бир қатор бирликлар учрайдики, уларни ҳам Эргаш шоир яратган сўзлар сифатида қайд этамиз.

4. Дoston айтувчиси томонидан маъноси ўзгарган ҳолда қўлланган лексемалар.

Дoston матнида *гўзал*, *жаллод* сингари айрим бирликлар ўзининг лексикографик манбаларда қайд этилган луғавий маъносида эмас, балки Эргаш шоир қаламида бутунлай бошқа мазмун касб этган ва улар бахши услубининг муайян кирраларини акс эттирувчи элемент сифатида эътироф этилиши лозим.

Масалан, ЎТИЛда *гўзал* сўзининг маъноси *жуда ҳам чиройли, хусндор, хушрўй, гулчеҳра. Кўзни қувонтирадиган даражада кўркам, файзли, серфайз. Эстетик завқ берадиган, маънавий бой, сермазмун тарзида изоҳланган*<sup>40</sup>. Агар бу тавсифлар инсонга қаратилган бўлса, одатда у аёл кишига нисбат бериб айтилади. Дoston матнида эса 12 ҳолатда ҳам жанг майдонидаги йигитлар ҳақида айтилган: *Не гўзаллар қадди ёйдаи Букилди майдон ичинда* (282).

*Жаллод* сўзининг қўлланишида ҳам шу ҳолат мавжуд. Дostonда у 20 марта, аксарият ўринларда ижобий маънода қўлланган: *Обрў бер деб бораётир чўлларда, Оти Аваз, Чамбилбелнинг жаллоди* (30). Бу сўз аксарият

---

<sup>40</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 201 б.

ҳолатларда кўчма маънода *каллакесар, қотил* маъноларида ишлатилади<sup>41</sup>. Достонда шу маънода у фақат 2 ўринда келган (392). Г.Жуманазарова ушбу сўзни “кўпинча эпик қаҳрамонларнинг ижобий характер-хусусиятларини ифодаловчи сўзларга антоним сифатида қўлланади, яъни достон тилида, матн таркибида бундай сўзлар эпик қаҳрамоннинг ёқимсиз ва ярамас характер хусусиятларини ифодалашга хизмат қилади”<sup>42</sup>, деган фикрни айтади.

*Сиёсат*. Лексеманинг турли луғатларда изоҳлари келтирилган. “Сиёсат – бу давлатни, жамиятни бошқариш санъати ва маҳорати, турли табақа ва гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ фаолият доирасидир”<sup>43</sup>. “Сиёсат – давлатни бошқариш санъати. Унинг моҳиятини давлат ҳокимияти шакллари, уни амалга ошириш ва бошқариш ташкил этади”<sup>44</sup>. ЎТИЛда мазкур сўзнинг маънолари бирмунча кенг изоҳланган. Биринчи ва иккинчи маънолари юқоридагиларга яқин. Учинчи изоҳи: “*с.т. Дўқ, нўписа, қўрқитув*”<sup>45</sup>. ЎТСИЛда мазкур сўз *дўқ, нўписа, таҳдид, давара, дағдаға* бирликлари билан бир қаторда турибди ва у *қўрқитиш, чўчитиш хатти-ҳаракати*”<sup>46</sup>. Матнда 14 марта қўлланган бу birlik достон матнида асосан шу учинчи маъноси билан иштирок этган: *Ана энди Борса келмас лашкари бир сиёсат билан майдонга келиб туша берди* (264). Шунинг учун *сиёсат қилмоқни таҳдид солмоққа* синоним сифатида олиб қараш мумкин: *Шердай сиёсат қилар, Ҳасан Кўлбар жўнади* (413) каби.

Баъзи ҳолатларда матнда сўз юқорида таъкидланган маъно доирасидан ташқарига чиқади, *ваҳима, ҳайбат, вазоҳат* маъноларига яқинлашади: *Сувсиз чўл гумбурлайди Марднинг сиёсатига* (11). Бир ўринда у *босиёсат* шаклида ишлатилган: *Ана энди подшоҳи номдор, комкор, босиёсат, майдони*

<sup>41</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 271 б.

<sup>42</sup> Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли “Ширин билан Шакар” достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 2007. – 56 б.

<sup>43</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Тошкент: Шарқ, 2000. –190 б.

<sup>44</sup> Ўзбек миллий энциклопедияси, VII жилд. –Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси, 2004. – 606 б.

<sup>45</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б. 43.

<sup>46</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. –Б. 89.

ҳижода майдон қилиб, бир-бировига шижоат кўрсатиб, зўр бозу қалаётир (320).

Тил. Ушбу сўздан фойдаланишда синекдоха санъатидан фойдаланилган. Қисм ўрнида бутун *гап*, сўз ўрнида *тил* қўлланилган: *Отажон, қулоқ сол айтган тилима, Ўлмасам тўраман Чамбил элима* (137) – *Ўз элингда мақтай берма ўзингни, Кўтармайман сенинг айтган сўзингни* (26). *Энди сизга айтган сўзим шу* (292).

Лекин аксарият ҳолларда бу синонимия юз бермайди. *Гап* ва сўзни ўзаро алмаштириш осон кечади: *Қулоқ сол, жияним, айтган сўзима* (111) – *Қулоқ сол, жияним, айтган гапима* каби. Уларнинг ўрнида *тил*ни қўллаб бўлмайди: *Қурбон бўлсанг яхшиларнинг бўйига, Кўп гап келар суханварнинг ўйига* (31) – *Қурбон бўлсанг яхшиларнинг бўйига, Кўп тил келар суханварнинг ўйига*. Бу гапда уни сўз билан алмаштириш ҳам муваффақиятли чиқмайди: *Қурбон бўлсанг яхшиларнинг бўйига, Кўп сўз келар суханварнинг ўйига*. Бу нисбатан олинганда *гап*даги умумийлик ва сўздаги аниқлик билан изоҳланади. *Гап*, сўз бирликларининг синоними сифатида *калом* сўзидан ҳам фойдаланилган: *Энди ода бўлди айтган каломим, Арзамдан сўнг Гўрўғлига саломим* (8).

Эргаш шоирнинг ютуғи шундаки, у *тил*, *гап*, сўз бирликларининг халқ орасидаги нозик маъноларини илғаган ва бу оттенкаларни бера олган ҳам. Масалан: *Бек Гўрўғли, менинг тилим оласан, Қримга ҳам энди беклик қиласан* (117) каби гапларда *тил* бирлиги *маслаҳат*, *насиҳат* маъноларида қўлланган<sup>47</sup>.

Фозил шоир куйлаган “Ширин билан Шакар”да ҳам сўз шу маънода қўлланган: *Эшитмайди гуноҳкорлар тилини, Олдига бойлади икки қўлини* (23).

Эргаш шоирнинг халқ тилига бўлган масъулияти айнан мана шу каби ҳолатларда кўринади, тил бирликларидаги анъанавий, ҳаммага маълум бўлган маъноларни четга суриб қўйиб, ундаги рўёбга чиқмаган имкониятларни ишга

---

<sup>47</sup> Дониёров Х. Қипчок диалектларининг лексикаси. –Тошкент: Фан, 1979. – Б. 23.



солади ва шу орқали кашф этилган янги маъноларни истеъмомга олиб киришга интилади.

5. Адабий тил нуктаи назаридан эскирган, диалектал сўзларни иккига бўлиб таҳлил қиламиз:

*ҳозирда жонли тилда қўлланиб келинаётган сўзлар.* Уларнинг айримларини кўздан кечирамиз:

*бежсай.* Бошқа дostonларда учрамади. “Холдорхон” дostonи матнида сўз 2 марта қўлланган: *Ҳасан Кўлбар жуда яхши полвон, ҳеч айби ҳам йўқ, айби шул: жуда мақтанчоқ, ўзини ўзи бежсай мақтайди-да* (149). Ушбу сўзнинг маъноси *яхши, дуруст, зўр* маъноларига тўғри келиб, унда ижобийлик ва кучайтирув оттенкаси мавжуд. *Эшматнинг бэласы бэжсай бэлэ боптыда* тарзида же-ловчи шевалар нутқида қўлланади; Ушбу сўзга шаклдош шевага оид *бежсай* сўзи бор. У *ўринсиз* маъносида қўлланади *Шу гапни бэжсай гапирдинг* каби.

*дархон.* Луғатларда сўзнинг изоҳи берилган. ЎТИЛда: 1. Ўрта асрларда солиқдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган; имтиёзли, дахлсиз (қабилла, уруғ, зот ёки мансабдор). 2. Солиқ ва тўловлардан ёки бошқа мажбуриятлардан озод этилган, енгиллик берилган<sup>48</sup>. “Алпомиш” дostonи изоҳида: Эркин; солиқ ва тўловлардан озод этилган шахс ёки уруғ аъзолари (395). Матнда 2 марта қўлланган: *Бора-бора хумса ёмон айниди, Қуллар элга дархон бўлди, бекларим* (45). Англашиладики, тарихан мўғулча *тархон* сўзининг ўзгарган шакли бўлган ушбу элемент маъносида ўзгариш содир бўлган. У айнан *мансабдор* эмас, балки *бошлиқ, хўжайин, раҳбар* маъносини англатган. Халқ тилида ҳозирда ҳам *Ўзингга ўзинг хўжайин бўлиб қолибсанми* маъносидаги *Доройи дорхон боп қапсаммаэ* жумласи ишлатилади. Бошқа дostonлар матнида учрамади;

---

<sup>48</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б. 212.

*кўкай. Дил, қалб, юрак, кўнгил*<sup>49</sup>; маъноларини беради: *Туркманнинг ёв юрак бўз боласи бир-бирига қилиб таассиб, кўрган душманнинг кўкайин кесиб...*(36). Бағри эзилмоқ, юраги эзилмоқ маъносидаги сўзнинг кўкайи кесилмоқ фраземаси таркибида “Алпомиш” ва “Ойсулув” дostonларида фақат 1 мартадан учраганлиги, ушбу элементнинг кам қўлланишидан ва тилга олинган ФБ таркибида турғунлашганлигидан далолат беради: *Ҳаққа етгай йиғласам айтган нолам, ёр-ёр, Кўкайлари кесилган сағир болам, ёр-ёр* (378); *Эй подшоийи олам! Сен кўп ҳафа бўлма, кўкайингни кесма* (2). Же-ловчи шеваларда аёл кишиларнинг ўз болаларидан норози бўлиб, қарғаган пайтларида ёки ўзининг қийналганлигини ҳикоя қилиш жараёнида шу жумла ишлатилиб туради. Эркаклар нутқида деярли қўлланилмайди;

*ҳарба. Хужум, қарши хужум, ҳамла, атака* маъносидаги ушбу сўз алоҳида ва *ҳарба қилмоқ, ҳарб солмоқ* тарзида дoston матнида 8 марта қўлланган: *Келиб Бексарага бетма-бет бўлиб ҳарба солишди* (269) каби. “Алпомиш”да 2 марта қўлланган: *Таёқ еб Ҳакимбек ҳарба қилмади, Бобосининг қилган ишин билмади* (79). Бошқа дostonларда учрамайди. Демак, Эргаш шоир ушбу сўздан самарали фойдаланган. Шу билан бирга, бир синонимик уядаги бошқа сўзларга ҳам мурожаат қилинган. Масалан, *хужум* 1 марта, *ҳамла* 4 марта қўлланган (168,320).

Назаримизда улар бир хил стилистик қийматда эмас. *Ҳамла қилмоқ* да *кескин хужум, қатъият, шиддат билан ташланиш* оттенкалари бўлади. Жонли тилда *ҳарба* сўзида бу оттенка йўқ. У иккиланиб, ноиложликдан, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида қарши ҳимояга ўтиш, ҳимояланиш маъноларини беради: *Кўйма дейди, бари шовқум солади, Катта-кичик ҳарба қилар баробар* (168). Дostonда қўлланишини эса уни бу оттенкаси доирасида чегаралаб бўлмайди, у *ҳамла, хужум* сўzlари билан баравар қимматда

---

<sup>49</sup> Мирзаев Т., Эшонкул Ж., Фидокор С. “Алпомиш” дostonининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. – 54 б.

қўлланган. Фақат миқдор жиҳатдан устунлик қилади ва бу унинг диалектал характери билан изоҳланади;

*чер. Ғам, алам, дард, қайғу* каби сўзларининг<sup>50</sup> диалектал варианты: *Гўрўзлининг кўнглинда йўқ черлари, Ғазо кунни қўллаб комил тирлари* (8). Ушбу сўз диалектал *чийир* дан келиб чиққан ёки унинг қисқарган шакли бўлиши керак. Б.Тўйчибоев уни *чийыр – арғамчи, узун чийратма арқон*<sup>51</sup> деб изоҳлайди. Предметдаги тугунлик ва ечилиш ҳолатларининг мавжудлиги бу кўчимга асос бўлган. “Алпомиш”да 3 марта *Отга солди арпа билан ийирди, Қор ёққанда карвон солар чийирди* (35) стилистик формуласи таркибида у ана шу маънода қўлланган. “Холдорхон”да бу маънода қўлланмаган.

*қовузланмоқ. Тўймоқ* маъносида: *Э, қўй-чи, Ҳасан бобонгиз қовузланмаётир* (14). Аммо унинг маъноси же-ловчи шеваларда *тўймоқ* дан кўра кўпроқ *тамадди қилмоқ* қа тўғри келади: *Мэнэм гартак қэвызлэндим* каби. Адабий тилда унинг *тотинмоқ* варианты мавжуд.

*қорувли. Гавдали, гавдаси йирик* тушунчаларининг диалектал ифодаси: *Қрим элининг бўз бола, қорувли йигитларидан бирор одам тақимига қўл сола олмади* (24). Бошқа дostonларда учрамади.

*қотилмоқ.* Адабий тилдаги *аралашмоқ, қорашмоқ* сўзларининг диалектал ифодаси: *Милтиқ сонсиз отилди, Қон тупроққа қотилди* (59).

*Архаиклашиб, ҳозирда жонли тилда ҳам жуда кам қўлланиладиган ҳолатга келиб қолган сўзлар.* Масалан:

*лош.* Сўзнинг *гўшт, жонсиз тана, мурда* маъносини беришлиги луғатларда қайд этилган<sup>52</sup>. Дoston матнида 4 марта қўлланган: *Тўда-тўда қилиб уйиб ташлади, Бек Сардорнинг қўшинининг лошини* (62). “Якка Аҳмад”дан бошқа дostonларда учрайди. Масалан, “Алпомиш”да 6 марта ишлатилган: *Сулатай, душманлар, гавда-лошингни, Қилолмай қоларсан бунда*

<sup>50</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 263.

<sup>51</sup> Тўйчибоев Б, Қашқирли Қ. Зомин сўзлиги. Тошкент, Академия, 2010. – 217 б.

<sup>52</sup> Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли “Ширин билан Шакар” дostonининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 2007. – 56 б.; Мирзаев Т., Эшонқул Ж., Фидокор С. “Алпомиш” дostonининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. – Б. 47.

*ишингни* (57) каби. Ҳозирги адабий тилда қўлланиш доираси чегараланган, баъзан асарларда кўзга ташланади: *Кўзингдан оқар ёшинг, Кўчада қолар лошинг. Мен сени қучаман... Совуқ, бегона — Лошлар учрашдилар, биз учрашмадик сингари;*

*лот. Қиёматлик болам десанг сен мени, Шу лотимни ундан олиб берасан* (33). “Алпомиш”нинг охирида сўзга қуйидаги изоҳ берилган: *кўчма. Ўч, қасд, қасос* (96);

*сарқакураш. Миллий курашнинг бир тури: Ай-ҳай, Думалоқ, эса менинг билан қандай майдон қиласан; курашасанми, қўяма-қўлтиқ оласанми, ё сарқакураш оласанми* (112). Изоҳи китобнинг ўзида берилган: *сарқакураш – узоқдан чопиб келиб олишиши* (439);

*табл, таббол, табилкаш урмоқ. Изоҳи: катта ногора, ногора чалувчи, ногора чалмоқ: Табболлар оқшоми билан табл уриб, карнайларни пар-парлатиб оламни бузди* (119). *Ахири Холдоршоҳ иложини топмай табилкаш урди* (406). АДИЛда: *табл – довул, деб изоҳланган*<sup>53</sup>. Демак, катта ногора довул дейилади;

*чача. Луғатларда сўзга қуйидагича изоҳ берилган: от оёгининг пастки қисмида туёққа томон ўсган сочоқ қил*<sup>54</sup>.

*чилтан* – АДИЛда *афсонавий куч-қудратга эга, кўзга кўринмас қирқ илоҳий руҳ* деб изоҳ берилган<sup>55</sup>. Достонлар ичида бу истилоҳ “Алпомиш”да энг кўп – 29 марта қўлланган. “Холдорхон”да 3 марта: *Бор, валламат, пирлар бўлсин мададкор, Ўн икки имом, чилтан бўлсин жиловдор* (339). Ушбу сўз ҳам ўз ижтимоийлиги нуқтаи назаридан ҳозирда ўз аҳамиятини йўқотган. *Же-ловчи* шеваларда *жалтанг* деб ҳам ишлатилади: *Йә-ә, ҳазрати жалтәң каби;*

<sup>53</sup> Мирзаев Т., Эшонкул Ж., Фидокор С. “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. – Б. 85.

<sup>54</sup> Алпомиш. Ўзбек халқ қахрамонлик достони // Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб олувчи: Маҳмуд Зарифов. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 398 б.

<sup>55</sup> Мирзаев Т., Эшонкул Ж., Фидокор С. “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. – Б. 108.

*шакаман*. Луғатларда унинг изоҳи *мерган, бехато отадиган мерган. Тоғнинг номи. Бу тоғ халқи мерганликда ном чиқарган тарзида берилган*<sup>56</sup>. “Алпомиш” (6 марта) ва “Ширин билан Шакар” (2 марта) дostonларида учрайди. “Холдорхон”да 8 марта қўлланган. Қўлланишларда маълум фарқлар бор. Масалан, “Алпомиш”да фақат тоғнинг номи сифатида келтирилган: *Шакаман тоғига чарчаб қўнибди, Энди қўниб, бу ганқиллаб турибди* (235). “Холдорхон” ва “Ширин билан Шакар”да *мерган* маъносида қўлланган: *Ҳар ким бўлса отаётир Мирза Аскар Ким бўлса қутилмас шакаманидан* (67). *Оттим сарҳовузнинг ёлғиз гозини, Қирагай, шакаман бўлган қаландар!* (89).

Аммо мана бу мисоллардан Эргаш шоир унинг маъносини аниқ тасаввур этган кўринади: *...шакаманлар отни ташлаб қалъанинг теварагини олмоқ керак* (60). *...мерган, шакамандан ўн-ўн бешни топиб, ботир бўз боладан ҳам ўн-ўн беш топиб, ўз тараддудини қилиб ёта берсин* (69). *Шакаманлар, тайёрла камонни, Тағи бир кўрайик, тўп бўй келинлар* (404). *Агар битта-битта келиб урушса, ...тирандозликда ҳам мерганлик қилади, сари ёйга шакаманлик қилади* (230). Келтирилган 4 мисолнинг 1- ва 2-да *мерган* ва *шакаман* сўзлари ёнма-ён келаяпти. Демак, улар маъносига кўра ажратилаяпти. 3- ва 4-мисолларда *шакаман* сўзи билан биргаликда *камон* ва *ёй* birlikлари ишлатилаяпти. Демак, *шакаман* сўзи умуман *мерган* маъносини бериши билан биргаликда, мерганликнинг бир турини – камон, ёй отувчи мерганни билдиради;

*шотир*. ЎТИЛда унинг уч маъноси изоҳланган: а) подшо, хон каби олий амалдорлар отини етаклаб, тутиб юрувчи навкар, жиловдор; б) бировнинг хизматини югуриб-елиб қиладиган хизматкор, югурдак; в) *диал*. Хон ёки шoҳни ўтқазиб кўтариб юриладиган махсус ўриндиқ, тахтиравон, маофа<sup>57</sup>. Ушбу сўз дoston матнида *жиловдор* маъносини англатган: *Ҳасан Кўлбар Авазхоннинг жиловинда шотир бўлиб юрибди* (87). “Орзигул” дostonида ҳам

<sup>56</sup> Мирзаев Т., Эшонкул Ж., Фидокор С. “Алпомиш” дostonининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. – Б. 115.

<sup>57</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. III жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 425.

шу маънода плеонастик ҳолатда қўлланган: *Қорахон подшо салтанатли беклар билан... жиловдор шотири билан боғнинг устидан келиб қолди* (270). Қиёс учун “Якка Аҳмад”да: *Бузилмасин сенинг гулдай шотиринг, Қирқ йигит олдингда гала ботиринг* (26) тўртлигида биринчи хизматкор маъносида қўлланган *шотирнинг* ижобийлик оттенкаси кучли.

Ҳозирги тилда луғатда келтирилган маъноларда сўз ўзининг ижтимоий аҳамиятини йўқотган. Аммо сўзлашув ва бадий услубларда кўчма маънода – бировга лаганбардорлик, хушомадгўйлик қилувчиларга нисбатан салбий оттенка берувчи бирлик сифатида қўлланади: *Биров ботир, биров шотир — Саҳна айланар, Баҳодир*. Тарихий мавзудаги бадий асарларда ҳам ўз маъносида ишлатилади: *Карвоннинг атрофида неча отлиқлар чопишиб келишяпти, туяларни етаклаган шотирлар қоқилиб келишяпти*.

Бу туркум сўзлар орасида *дал, дирдикка, жамрашмоқ, зул, нос, оди, рак, саросита, таррор, чиндовул, чош, чулан оши, чўмирмоқ, шерамард /шеримард, эровул* каби тушунилиши қийин бўлган сўзлар ҳам мавжуд.

Достоннинг ўзида бир қатор сўзларга шарҳ берилган. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам лексик жиҳатдан аҳамиятли эмас. Қипчоқ шеvasи талаффузидан келиб чиқиб фонетик ўзгаришларга учраган сўз шакллари адабий варианты билан солиштирилган кўринишлари бу изоҳларда устуворлик қилади. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

*Достон матнида адабий тилга мослаб, қўлёзма матн ўзгартириб берилган сўзлар*: авраётир – қўлёзмада *арбаётир* (150), алтоғ-ялтоғ - *жалтағ* (264), боя - *боқзана* (182), бундай қилолмайди - *буйтолмайди* (261), бўғишма - *бувишма* (288), валдираб - *болдираб* (378), думалоқ - *тумалоқ* (104), жимжит - *димжит* (95), йиригини - *ирисини* (169), маърашиб - *манграшиб* (31), менга шундай дейдими - *меқзан шу дейма* (55), одамгарчилигим - *одамгарлигим* (229), ола қол - *олагай* (89). пинак отмай - *финак этмай* (262), тараддуди - *тараддиси* (113), туққанига - *тузанига-туқғишганига* (392), туя - *тева* (331), уйғоқ - *ўёв* (394), чўянми - *чуйинма* (183), югрук - *жуўрук* (355),

ўла қолгин - ўлағайгин (147), ўшанга - шўган (65), қоронғулик - қаранқалиқ (287) каби.

*Асл матнда тушунилиши қийин бўлган ёки шева вариантнинг изоҳи берилган сўзлар.* Уларни яна кичик гуруҳларга ажратиш мумкин:

*а) фонетик шарҳи берилган сўзлар:* гаппа - гаппи (277), бузир - бузар (278), жийилиб - йигилиб (170), жилатиб - йиглатиб (362), жовиб - ёғиб (217), жога – жойга (60), жузир - жузар (юзар, сузар. 278), кай - кейин (16), нақма-нақ - нақд-банақд (матнда нақ-манақ тарзида нотўғри берилган. 176), онг - олинг (7), парва - парвариш (43), сийиниб - сизиниб (170), сийирман - сизир билан (156), сиймади - сизмади (375), сов - соғ (223,413), сувириб - сузириб (167), таратти - таҳоратни (291), тербаниб - тебраниб (168), тийинди - тегинди; тийиниб - тегиниб (135,170), тов - тоғ (413), тўйма - тўйми (215), уйран - ўрган (252), ул - ўғил (46, 424), урлаб - ўғирлаб (426), файим - фаҳм (415), шувлаб - шувуллаб (273), шуй – шундай (71, 127), шулла - шавла (158), эрткан - ияртган (310), яшинди - яширинди (218), қайси - қайсиси (219), қайтаман - қандай қиламан (143) қайтамиз деб тур - қандай қиламиз деб турур (328), қилиб - қилибди маъносида (302), қолмасдан – қолдирмасдан (7), ғизлаб – гизиллаб (39);

*б) семантик изоҳи берилган сўзлар:* англаб - овлаб (335), биринж - мис (331), буйда - ана шундай (48), гўр - шоир гўрнинг устига лаҳат сўзини ёзиб кўйган (72), карам - ҳали қотмаган ток барги ва унга ўраб пиширилган қийма (332), кийим - бу ерда тўшанчи (331), кўрмовчим - кўрмовчи эдим (387), кўто - кўтоҳ; етишмовчилик маъносида (433. “Алпомиш”(1987)да айбли иш, гуноҳ иш, калтабинлик деб берилган.334), савашди - урушди (485), тақсим - тахсимча (332), тани - мутлақо (352), элга фош бўлиб - овоза (351), кўлингди ол - қўлингни, яъни навбатингни ол (273), қобирғангизда - биқинингизда (158), ҳали - ҳозирча (390) сингари.

Достоннинг лексик тизимида алоҳида ажралиб турадиган семантик гуруҳлар мавжуд. Ономастикага, чорвачиликка, ҳарбий ҳаракатларга оид

катламлар шулар жумласидандир.

*Ономастик бирликлар.* “Холдорхон” достонидаги ономастик номларни таҳлил этиш ҳам лингвофольклористик тадқиқотлар мажмуидаги маълум бир бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Асарда жами 128 та ном қўлланган бўлиб, унинг 91 таси киши номлари, 1 таси ҳайвон номи ва 36 таси жой номларидир.

Достон матнидаги ономастик элементларга структурал жиҳатдан қарайдиган бўлсак, улар содда ва қўшма сўзлардан ташкил топганлиги, ўзаро қиёсланганда фақат бир ўзақдан иборат номлар жуда кам эканлиги маълум бўлади: *Али, Барзу, Бўгра, Од, Райҳон, Рустам, Саҳроб, Сулаймон, Хизир, Қайсар* каби. Бу номларнинг асосий қисми структурасида икки ва ундан ортиқ сўзлар мавжуд: *Бектош, Бердиёр, Жўрақул, Сарақул, Тўрақул* сингари.

Э.Бегматов “Ономастик сўз ясаши масаласига доир”<sup>58</sup> мақоласида С.Н.Муратовнинг бир гуруҳ қўшма сўзлар учун хос муҳим семантик ҳамда грамматик хусусият – қўшма сўз иккинчи компонентининг маъно жиҳатдан хиралашуви ва фонетик ўзгаришга учраган ҳолда биринчи компонентнинг ажралмас қисмига айланиб қолиши ҳақидаги фикрини келтириб, уларни “туташган сўзлар” ёки “туташиш орқали юзага келган қўшма исмлар” деб атайди ва бу сўзларнинг иккинчи компоненти олиб ташланса, қолган қисми атоқли отликдан чиқиши ушбу исмларнинг ўзи хос хусусияти деб кўрсатади<sup>59</sup>. Биз олимнинг ушбу фикрини достон матнидаги айрим антропонимларга нисбатан қўллаш тарафдоримиз. Масалан, *Аргинбой, Барғумбой, Бўлакбой, Дингбой, Жомғирбой, Каллабой, Маллабой, Мингбой, Нармонбой, Тўлакбой, Толғирбой, Чиллабой/Чалабой, Яртибой* каби.

Дарҳақиқат, исмларнинг биринчи қисмини ташкил қилган *бўлак, динг, жомғир, калла, малла, минг, толғир, чилла/чала, ярти* сингари сўзлар алоҳида қўлланганида киши номларини аниқлаш хусусиятини ўзида сақлаб

<sup>58</sup> Бегматов Э. Ономастик сўз ясаш масалаларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1965. – №3. – Б.50.

<sup>59</sup> Шу муаллиф. Ономастик сўз ясаш масалаларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1965. – №3. – Б.55.



кололмайди. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан эса, улар дoston матнида маълум стилистик маънони ҳам ўз зиммасига олган. Матндаги бир эпизодни эслаймиз: Гўрўғли Қримга қараб лашкар тортмоқчи бўлганида ўз салтанатидаги барча уруғ-аймоқларни йиғиб маслаҳат кенгаши қилмоқчи бўлади ва уларнинг бошлиқларини хузурига чақиртиради: *Ана энди Гўрўғлибек дарқаҳар бўлиб, Ёвмит, Така элининг сатта йигитман, деб сайланиб юрган полвон, баҳодирларини йиға берди. Ўзига қараган улапахўр амалдорларини йиғдириб, барисига ола сарпо кийдириб, карнай-сурнай қўйдириб, семиз сўқимлар сўйдириб, кунига чулон бериб, оч-ориқни тўйдириб, одам йиғдираёттибди. Элдан Бўлакбой, сордан Тўлакбой, мингдан Мингбой, даладан Дингбой, саройдан Сарақул, муйтандан Мўминбой, жалойирдан Жомғирбой, наймандан Нармонбой, баҳриндан Барғумбой, аргиндан Аргинбой, туркмандан Тўрақул, жабтдан Жўрақул, оқсоқолдан Толғирбой, кеча бўлган бой, шу бугун бўлган Яртибой оқсоқол ҳам бор эди (34).*

Англашиладики, бу ўринда исmlар оддий кишиларнинг номи эмас, уруғ-қабилаларнинг таниқли кишилари, балки бошлиқлари сифатида талқин қилинади. Ном таркибидаги *бой* элементи айнан ана шунга ишора қилиб туради.

Ушбу номлар дostonда фақат шу эпизодда, фақат бир мартагина қўлланган. Муаллиф Гўрўғлининг маслаҳат кенгаши чақирганини айтиш билан бирга унга тингловчини ишонтирмоқчи. Шундай бўлишига қарамасдан улар аниқ бир шахсдан кўра, кўпроқ ўйлаб топилган ном сифатида намоён бўлади. Чунки қабилла-уруғ номи ва унинг бошлиғини ифодаловчи исмнинг уюшган ҳолда келиши ҳам шу фикрга олиб келади. *Бу баччагар Гўрўғли тентак, эси йўқ одам экан, бўлмаса мен бор, сен бор, бизнинг элда шунча баҳодир полвонлар бор, бу баччагар айтмайдими, Алла ботир, Тилла ботир, Пилла ботир, Каллабой, Чиллабой, Афсар занги, Ўрин оди, Думалоқ баҳодир, Тўмпоқ баҳодир, Бақай полвонларни эшитиб юрган, билади ҳам (87); (Гўрўғлининг) қозоқдан Олинғир, Солинғир, Жайсан ботир, Бўжман ботир,*

*Ғўжман ботир, Шай ботир деган жуда катта ботирлари, полвонлари бор эди* (106) гапларида ҳам шу усулда худди юқоридаги сингари юртнинг аталган полвонлари санаб ўтилади.

Бу каби субъектив баҳони ифода этувчи *-хон, -бек, -бой* элементларининг қўлланиш нисбати бир хил эмас. Таркибида *-бой* иштирок этган исмлар 15 тани ташкил этган бўлса, *-хон* ва *-бек* 4 тадан: *Ҳасанхон, Авазхон, Холдорхон, Буврахон; Гўрўглибек, Синдорбек, Фарҳодбек, Бексара* сингари номларда ишлатилган. Бу дostonда иштирок этаётган қахрамонлар сони, асосий ва эпизодик характери билан ҳам боғлиқ.

Киши исмлари билан биргаликда *ботир, баҳодир, полвон* эпитетларини қўллаш халқ дostonлари, айниқса, қахрамонлик дostonлари услубига хосдир: *Алла ботир, Бақай полвон, Бўжман ботир/Бўжман полвон, Думалоқ баҳодир, Жайсан ботир, Пилла ботир, Тилла ботир, Тўмпоқ баҳодир, Шай ботир, Ғўжман ботир/Ғўжман полвон* каби. *Ҳасан Якдаст* антропоними ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин: *Ҳасан Якдаст мард отамнинг жўраси, Кўҳи Қофда аҳриманлар сараси* (391).

“Холдорхон” матнида учрайдиган антропонимлар таркибидаги иккинчи қисм шахснинг ижтимоий мавқеини белгилайдиган (*Гўрўглибек, Холдорхон, Яртибой*), шахснинг характери ва хислатини белгилайдиган (*Бўжман полвон, Думалоқ баҳодир, Жайсан ботир*), ташқи кўринишга нисбат берадиган (*Думалоқ, Қоработир, Қора дев*) лингвистик омил сифатида намоён бўлади.

Эргаш шоир воқеалар баёни жараёнида ўзбек уруғларига оид маълумотлар ҳам келтиради. Жумладан, шундай этнонимлардан 46 таси тилга олинган *аргин, баҳрин, барлос, бурқут, дала, дўрмон, ёмон туркман, жабт, жалойир, жоби, жодир, зилай – қирғиз, кенагас, мангит, минг, муйтан, найман, олай – қирғиз, оқсоқол, орлот, сарой, сўгин, сўгинжи, ўлоқли, орт, тама, тўйин, туркман, уймаут, уйшин, улоқли, хитой, эл,*

*эрганакли, юз, қалмоқ, қангли, қатаган, қийқим, қипчоқ, қирғиз, қирқ, қўнғирот, қўшчи, қозоқ, қорақалпоқ* каби.

Ушбу номлар ўзбек халқи орасида ва халқ оғзаки ижоди намуналарида эътироф этилиб келинаётган 92 бовли (боғли) ўзбек қабилаларининг айнан ўзи эмас, албатта. Тилшунос ва этнограф олим Х.Дониёровнинг “Ўзбек халқининг шажара ва шевалари” номли асарида ўзбек қабилаларини турли шохобчалари билан биргаликда 300 дан ортиқ эканлигини кўрсатади<sup>60</sup>. Бу этнонимлардан *аргин, баҳрин, барлос, дўрмон, жалойир, жоби, кенагас, қангли, қатаган, қипчоқ, қирғиз, қирқ, қўнғирот, қозоқ, қорақалпоқ, мангит, минг, найман, орлот, сарой, сўлоқли, уйшин, эрганакли, юз* қабилар дoston матнида ҳеч бир ўзаришсиз тилга олинади.

Лекин *бурқут* нинг *баргут, буркут; қўшчининг қуччи, тама* нинг *тома* вариантлари мавжуд. Х.Дониёров *туркман* этноними билан биргаликда *туркман жуз* бўлимини ҳам келтирган<sup>61</sup>, лекин doston матнидаги *ёмон туркман* китобда йўқ. Китобда мўғулларнинг *меркит* (уларни *удиут* деб ҳам аташган) қабиласи тўртга бўлинган, уларнинг бири *мудан* деб аталганлиги ҳақида Рашиддидиндан келтирилган маълумотлар бор<sup>62</sup>. *Муйтан* ана шу қабилга бўлиши мумкин. А.П.Хорошхин эса уни аниқ *муйтан* деб келтирган<sup>63</sup>. *Уймаут* эса *курлаут* қабиласининг бир бўлаги деб кўрсатилган<sup>64</sup>. Х.Дониёровнинг китобида *хитой, эл* уруғлари ҳақида маълумотлар йўқ. Аммо олим *хитойизи* қабиласи мавжудлиги ва унинг 12 га бўлиниши ҳақида сўз юритган<sup>65</sup>. Шунингдек, Рашиддидинда *элжигин, элдуркин* (*сулдузнинг* бир тармоғи) каби ҳақиқий мўғул қабилаларини санаб ўтилганлигини қайд этган<sup>66</sup>.

<sup>60</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 80-82.

<sup>61</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 81.

<sup>62</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 22-23.

<sup>63</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 41.

<sup>64</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 23.

<sup>65</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 84.

<sup>66</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 19.

Ҳарқалай, бу келтирилган этнонимлар Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ўзбек халқи ҳаётини, унинг турмуш тарзини, ўзбеклар билан ёнма-ён яшаётган бошқа халқлар билан муносабатини яхши билганлиги, бу муносабатларнинг дoston воқеларига ҳам таъсири бўлганлигини кўрсатишда муайян роль ўйнаганлиги шубҳасиз.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, “Холдорхон” достонида қўлланган ономастик номлар ҳам ўзбек ономастик фондининг таркибий қисмидир. Уларнинг маълум қисми ҳаётда реал шахс ёки географик объект сифатида мавжуд бўлмаса-да, халқ оғзаки ижоди, хусусан дostonлар сюжетидаги доимий образлар ва жой номлари сифатида тилимиз тарихида яшаб қолаверади.

*Чорвачилик лексикаси* тизимида от билан боғлиқ атамалар асосий ўринни эгаллайди. Бу атамалар 21 номдан иборат бўлиб, дoston матнида 491, умумий ном – от эса 258 марта қўлланган. Бошқа атамаларнинг қўлланиш частотаси қуйидагича: жинсни: *айғир* – 1; *байтал, байтал-сайтал* – 4, *бия* – 15, зотни: *араби* – 2; ёшни: *дўнон* – 1, *тарлон* – 3; *тўбичоқ* – 3, *қулун* – 2, *ғунон* – 2; рангни: *човкар* – 1; сифатини: *арғимоқ* – 2, *бедав/ бедов* – 61, *ёлдор* – 1, *жуйрук (югрук)* – 1, *тулпор* – 55, *чўбир* – 3, *чўнтоқ* – 1 (бу истилох китобнинг 18-бетида *чўнтоқ* тарзида нотўғри келтирилган); номни: *ғиркўк* – 58, *ғирот* – 14 каби.

Ушбу атамалар орасида отларнинг сифати ва хусусиятини кўрсатувчи *арғимоқ* (47), *бедов* (28), *тулпор* (11) сўзларининг қўлланиши эътиборга моликдир. Бу отлар дostonда алоҳида образ тарзида иштирок этади, жанг майдонида ўз эгаларининг қаҳрамонлигига кўмаклашади, шерик бўлади. Бу сифатларга эга бўлган отлар дostonларда ҳеч вақт салбий хусусиятлари билан намоён бўлмаган.

Бундан ташқари чорвачиликка дахлдор бўлган яна қуйидаги номларга дуч келамиз:

- уй ҳайвонлари: *қўй, қўзи, қўчқор; эчки, улоқ, улоқ-така, така-улоқ;*

*мол, пода, тана-шўлти, чўптоқ, хўкиз, буқа; эшак, ҳанги, хачир; ит, кўппак, кучик/кучуг/кучук; туя, норча, норча-лўк каби.* Улар матнда жуфтлашган ҳолда ишлатилиб, умуман уй жониворлари маъносини англлатган: *хўкиз-сигир, қўй-хўкиз, қўй-сўқим, қўй-бия, эчки-қўй, мол-ҳол, мол-минол / моли-манол* сингари;

- чорва сақланадиган ва озикланадиган жой: *яйлов, қўтон;*

- чорвадор яшайдиган жой: *чодир/чотир, чодир-жой, чодир-чаман, чотир-соябон, чотир-чаман, ўтов;*

- чорвадорнинг номлари: *элибой, қўйчи, улоқли, чўпон, чўпон-чўлиқ;*

- ва умуман шу соҳага дахлдор бўлган: *молдор, молсиз, мол-озиг; ёлўш, жиҳаз (туяники); сарбон/ сарвон, хоназот/хонзод* сингари кўплаб атамалар ҳам ишлатилган.

С.Турсунов эса “Алпомиш” достони матнида 500 ортиқ чорвачиликка оид атамалар учрашлигини таъкидлаган<sup>67</sup>.

*Ҳарбий ҳаракатларга оид атамалар.* Достон матнида ҳарбий ҳаракатларга оид атамалар ҳам кўлланган. Асар сюжетини уруш воқеалари, жангу-жадаллар ташкил этганлиги туфайли ушбу гуруҳга тегишли бўлган атамаларнинг учраши табиий бир ҳолдир: *аслаҳа-анжом* (140), *жазоил/жазойил* (70), *гурзи* (38), *кировка* (284), *навкар* (318), *сарбоз* (271), *саркарда* (334) каби.

Уруш ҳаракатларига оид лексемаларнинг кўлланишида достонда ўзига хос жиҳатларни кузатамиз. Эргаш шоир ушбу сўзларга ижодий муносабатда бўлади ва бу билан уларнинг нафақат кўлланиш кўламини кенгайтиради, балки маъноларига ҳам муайян ўзгаришлар олиб киради. Масалан, муаллиф *камон* сўзини ишлатгунга қадар ҳам форс-тожик тилидан у тилимизга кириб улгурган эди. Аммо Эргаш шоирнинг ютуғи шундаки, у сўзнинг бир неча вариантларини кўллайди: *камон-андоз* (119). *Камондозларни* (405).

---

<sup>67</sup> Турсунов С. Лексические особенности дастана “Алпамыш”. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – С. 13-14.

*Камонлашдилар* (236); *найза* (55), *найзобоз* (321), *найзобозлик* (292), *найзадаст* (25), *найзадастлик* (230), *найзодор* (167), *найзалашмоқ* (102), *найзама-найза* (271) каби.

Шу тарзда *мерган*, *мерганлик*; *милтиқ*, *милтиқламоқ*; *сипоҳ*, *сипоҳигарлик*, *сипоҳилик/сипоҳлик*; *тиғ*, *тиғбоз*, *тиғбозлик*, *тиғма-тиғ*, *тиғ-табар*; *уруш*, *уруш-гириш*, *уруш-кериш*, *уруш-майдон*, *урушмоқ*, *уруш-саваш*; *ханжар*, *ханжарбоз*; *хунрез*, *хунрезлик*, *хунхўр*, *хунхор*; *қалқон*, *қалқонбозлик*; *қилич*, *қиличбозлик*, *қиличламоқ*, *қиличлашмоқ* сўзларини ҳам қўллайди. Биз бу бирликлар орасида *милтиқламоқ* (60); *тиғбоз* (289), *тиғбозлик* (236), *тиғма-тиғ* (271), *тиғ-табар* (269); *уруш-гириш* (105), *уруш-кериш* (409), *уруш-майдон* (211); *қалқонбозлик* (236); *қиличламоқ* (122) элементларини алоҳида ажратамиз. Чунки уларнинг биронтаси ҳам биз қиёсий ўрганган дostonлар матнида учрамади. Шундай экан, уларни Эргаш шоир яратган сўзлар сифатида эътироф этишга асослар бор.

*Тирандозлик*<sup>68</sup> (271) ва унинг синоними *шакаманлик* (230) сўзлари ҳам услубий жиҳатдан ана шундай аҳамиятга эга. *Қўрчибеги* сўзи (*қўр* - *милтиқ дори* - *порох* маъносида<sup>69</sup>, *қўрчибеги* – қурол-аслаҳа бошлиғи) бошқа дostonларда учрамади: *жамий амалдорлари: ҳудайчи, саркарда, лашкарбоши, туғбеги, қўрчибеги... вазирларига хитоб қилиб* (182). Тарихий сўғишмоқ сўзи ҳам ишлатилган: *Кечгача сўғишди беклар аёвсиз, Кун кеч бўлди икки ёққа бўлинди.* (130). *Сўғишмоқнинг*– *урушмоқ* маъноси М.Кошғарий “Девон”ида *сўңўшди – икки эр бірла сўңўшди – икки одам жангда урушди*<sup>70</sup> тарзида келтирилган.

*Ўзлашма қатлам.* Марказий Осиё худудида қадимдан яшаб келаётган туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи тилига маълум ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра араб ва форс-тожик тиллари элементлари ҳам кўплаб кириб

<sup>68</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II жилд.–Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б. 184.

<sup>69</sup> Навоий асарларининг луғати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. –Б. 749.

<sup>70</sup> Мирзакаримова Ў. “Девону луғотит турк”даги айрим мақолларнинг тил хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980. 3-сон. –Б.43.

келган ва улар тилимиз лексик таркибида ўзлашма қатламни ташкил этади. Бу қатламга кирган лексик элементларнинг асосий қисми китобий характерда бўлса-да, тили ва услуби жонли халқ тилини ўзида тўлалигача намоён қилган дostonларда ҳам дуч келамиз.

Дoston матни юзасидан тузилган алфавитли луғатга таянган ҳолда ўз ва ўзлашган қатлам хусусида бирмунча аниқ хулосаларга келиш имконияти туғилади. Луғавий бирликларнинг асосий қисмини ўз, яъни туркий-ўзбекча сўзлар ташкил этиши ҳақида шубҳа йўқ. Айти пайтда, ўзлашган қатламга оид лексик элементлар қўлланишининг бирмунча фаоллашганлигини ҳам пайқамаслик мумкин эмас. Фикримизни тасдиқлаш мақсадида қуйидаги қиёсий жадвални келтирамиз:

т/р	Холдорхон	Кунтуғмиш	Якка Аҳмад	Алпомиш
1.	<i>алҳол</i>	+	-	-
2.	<i>базарб</i>	-	-	-
3.	<i>бекарда</i>	-	-	-
4.	<i>бо</i>	+	-	-
5.	<i>боз</i>	+	+	+
6.	<i>бози</i>	+	-	+
7.	<i>боҳунар</i>	-	-	-
8.	<i>боҳуш</i>	-	-	-
9.	<i>вазир</i>	+	+	+
10.	<i>вузаро</i>	+	-	-
11.	<i>васф</i>	-	-	-
12.	<i>гирибонгир</i>	-	-	-
13.	<i>дарқаҳр</i>	-	+	-
14.	<i>дийдабон</i>	-	-	-
15.	<i>жола</i>	+	+	+
16.	<i>жонсипар/ жонсипор</i>	-	-	-
17.	<i>зўркор</i>	-	-	-
18.	<i>калом</i>	+	-	+
19.	<i>кафан</i>	+	+	+

20.	<i>кордон</i>	-	-	-
21.	<i>кушо-куш</i>	-	-	-
22.	<i>кўшиши</i>	-	-	-
23.	<i>мақсуд</i>	+	-	-
24.	<i>моҳипайкар</i>	-	-	-
25.	<i>моҳитобон</i>	-	-	-
26.	<i>муайян</i>	+	-	-
27.	<i>муқобил</i>	-	-	-
28.	<i>мумтоз</i>	-	-	-
29.	<i>муниши</i>	-	-	-
30.	<i>мураххас</i>	-	-	-
31.	<i>муфт</i>	-	-	-
32.	<i>ноқиб</i>	-	-	-
33.	<i>об-ош</i>	-	-	-
34.	<i>офаринбод</i>	+	-	-
35.	<i>санглоқ</i>	-	-	-
36.	<i>сангров</i>	-	-	-
37.	<i>сангсор</i>	-	-	-
38.	<i>сардор</i>	+	+	+
39.	<i>саф-басаф</i>	-	-	-
40.	<i>серкуч</i>	-	-	-
41.	<i>сипоҳсолар</i>	-	-	-
42.	<i>сухан</i>	-	-	+
43.	<i>суханвар</i>	+	-	-
44.	<i>таҳсин</i>	-	-	-
45.	<i>таърифот</i>	-	-	-
46.	<i>умаро</i>	+	-	+
47.	<i>фузало</i>	+	-	-
48.	<i>фуқаро</i>	-	+	+
49.	<i>хунрезлик</i>	-	-	-
50.	<i>шаҳбоз</i>	-	-	-
51.	<i>ўлимкуш</i>	-	-	-
52.	<i>ҳариф</i>	-	-	-
53.	<i>ҳийла</i>	-	+	+



54.	<i>ҳоло</i>	-	-	-
55.	<i>ҳукмикуш</i>	-	-	-
		55	16	8
				11

Гарчи достон матнидаги барча ўзлашган қатлам қамраб олинмаган бўлса ҳам, тасодифий танлаб олинган 55 та арабча ва форсча-тожикча бирликларнинг ўзиёқ ушбу қатламнинг “Холдорхон”да фаол қўлланганлигидан далолат бериб туради. Бу фаоллик даражаси уни бошқа достонлар билан қиёслаганда яна ҳам ойдинлашишини жадвал тасдиқлаб турибди. Ушбу 55 та сўзни 100% деб олган тақдиримизда, “Кунтуғмиш”да қўлланиш эҳтимоли 30 % ни, “Якка Аҳмад”да 15 % ни, “Алпомиш”да 20 % ни ташкил этади.

Ушбу ўзлашган қатламнинг бир қисми - *базарб, бо, боз, бози, вузаро, жола, жонсипар/жонсипор, калом, кордон, муниши, мураххас, муфт, муқобил, нақиб, санглоқ, сангсор, сангров, суҳан, об-ош, сипоҳсолар, саф-басаф, суҳанвар, таърифат, умаро, фузало, фуқаро, шаҳбоз, ҳариф, ҳийла* кабилар достондаги ҳолатида ўзбек тилига аввалдан кириб келган ва уларнинг фақат айримлари - *вазир, кафан, муайян, мумтоз, сардор, таъриф, ҳийла* сингариларнинг ҳозирги тилимизда қўлланиши давом этмоқда.

*Арабча сўзлар.* Достонда қўлланган арабча сўзларнинг маълум қисми шароит тақозоси билан тилимизда оммалашган ва ўз қатламга айланган элементлар ҳисобланади. Масалан, *вазир* сўзи. Бу қолипдаги сўзларнинг кўплик шакли *вузаро, умаро, фуқаро, фузало* кабилар ҳам қўлланган. Гарчи *вазирлар, фозиллар* деб қўллаш мумкин бўлса-да, элементларнинг арабча варианты қўлланган. *Вазир* сўзи 15 марта, *вузаро* – 3 марта, *умаро* - 24 марта, *амир* – 1 марта, *фузало* – 2 марта қўлланган, *фозил* қўлланмаган. *Фуқаро* сўзи 20 марта қўлланган. Унга синоним бўлиши мумкин бўлган *аҳоли, омма* сўзлари қўлланмаган. *Халқ/халойиқ* сўзлари 16 марта қўлланган. Аммо бу ҳолат *фуқаро* элементининг *халқ* сўзига нисбатан тилимизда кўп қўлланишидан ва имтиёзга эга эканлигидан далолат бермайди.

Юқори мансабли шахс маъносидаги *хон* 9 марта алоҳида, қолган ўринларда эса *Авазхон*, *Холдорхон* сингари сўзлар таркибида 93 марта қўлланиб, уларнинг мансаби, даражасини кўрсатувчи субъектив баҳо шакли сифатида иштирок этган: *Ёвмит-Такага хон бўлиб*, *Биз ўлтирдик улкан бўлиб* (426) каби. *Султон* сўзининг имконияти нисбатан кенгрок бўлган, у 20 марта қўлланган. Энг юқори ўринда 275 марта қўлланган форсча *подшоҳ* сўзи туради.

*Амир*, *хон*, *султон*, *подшоҳ* сўзларининг қўлланиш частотаси уларнинг дoston Эргаш шоир томонидан айtilган пайтдаги тилимизда ўринлашиш даражасини билдиради. Бу фикрни дostonда қўлланган *вузаро*, *умаро*, *фуқаро*, *фузалo* сўзларига нисбатан айтиб бўлмайди. У дostonни ижро этиш руҳини баланд кўтаришга бўлган юқори услуб билан боғлиқ. Шундай экан бу каби ҳолатларни Эргаш шоир услуби билан боғлиқ тарзда изоҳлаш тўғри бўлади. Фозил Йўлдош ўғли куйлаган “Алпомиш” дostonида *фуқаро* сўзининг атиги 9 марта, *умаро* сўзининг 1 марта қўлланганлиги, *вузаро*, *фузалo* сўзининг эса умуман қўлланмаганлиги бу фикрни айтишга асос бўла олади.

Дostonда қўлланган *алҳол* (300), *васф* (199), *калом* (8), *мақсуд* (300) каби арабча сўзлар ифодада кўтаринки руҳ учун хизмат қилган бўлса, *муқобил* (292), *мумтоз* (230), *мушии* (197), *тахсин* (91), *ҳоло* (319), бирликлари матнга китобий оттенка берган.

*Форсча-тожикча бирликлар* миқдори арабча элементларга нисбатан кўп эканлиги маълум бўлади. Масалан: *бекарда* (225), *бо* (281), *боз* (103), *бози* (103), *боҳунар* (268), *боҳуш* (196), *дийдабон* (85), *зўркор* (102), , *кордон* (193), *кушо-куш* (122), *кўшиш* (436), *об-ош* (131), *сангров* (241), *сангсор* (201), *сардор* (30), *саф-басаф* (186), (165), *сипоҳсолар* (237), (234), каби.

Форсча-тожикча *жола* (30), *гирибонгир* (234), *дийдабон* (85), *жонсипар/жонсипор* (142), *моҳипайкар* (369), *моҳитобон* (369), *офаринбод* (146),

*суханвор* (30) сўзларнинг маълум қисми матнда ўзининг бирқадар поэтик хусусиятлари билан фарқланиб туради.

Эргаш шоир чет сўзлардан кўр-кўрона фойдаланган эмас, балки уларга ижодий муносабатда бўлган. Тилдаги мавжуд моделлар асосида уларни янгилашга ҳаракат қилган. Масалан, ўзбек тилидаги *–ли* ўрнида форсча-тожикча *бо-* қўшимчасини ишлатган: *боҳунар* (268), *боҳуш* (196). *дар-* қўшимчасини *қаҳр* элементиغا қўшиб ўзига хос сўз шаклини вужудга келтирган: *дарқаҳр* (44). Бошқа дostonларда сўз бу шаклда учрамади.

Ўзбекча ўзакка тожикча қўшимча ва аксинча, тожикча сўзга ўзбекча қўшимча қўшилган ясалмалардан фойдаланилган. Масалан, *кучли* (3 марта) – *серкуч* (1 марта), *хунрезлик* (104) каби. *Хунрезлик* тилимизда аввалдан мавжуд бўлган бўлиши мумкин. Аммо *серкуч* Эргаш шоир қаламига мансубдир. *Зўркор* бирлиги ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин: (*Холдор*) *Эр Қубоддай ҳарифни кўрди: забардаст, зўркор* (102).

*Дер эрди бу икки арслонга таҳсин, Хусусан, у йигит меҳмонга таҳсин* (299), *Ке, энди сен аввалги юрган, қилган ишларингга пушаймон бўлсанг, аз таҳтидил мусулмон бўлсанг, юртингга подшо қилиб кетай* (319).

Луғатларда сўзнинг маъноси *текин, бепул* деб изоҳланган [4.430] *муфт* сўзи дostonда 5 марта қўлланилган: *Ҳай аттанг, жияним, душман кўп экан, Сенинг берган ош-нонинг муфт экан* (142) каби. Унинг ўзбекча варианты *текин* 1 марта қўлланган: *Полвонларинг, Аваз, экан кўрнамак, Текин гўштман палов кўрса урнамоқ* (142). *Текинхўр* сўзи ўрнида ҳам *муфтхўр* деб қўллаган: *Йигитларинг душман экан, жияним, Булар муфтхўр полвон экан, жияним* (143). Айни пайтда дoston тилида сўзнинг маъноси янада кенгайганлиги ҳам кўринади. *Жумладан, муфт қолмоқ – фойдага қолмоқ, омон қолмоқ: Чет-четроқда юргани, Эр Кўлбардан муфт қолди* (177). *Бўлмаса ўлар эди, Шу қиличдан муфт қолди* (312) сингари.

Ўзлашган сўзларнинг лексик таркиби ҳам баъзан аралаш эканлиги кўзга ташланади: арабча+форсча: *хукмикуш*; форсча+арабча: *дарқаҳр*; форсча+ўзбекча: *санглоқ* каби.

Айтилганлар муайян хулосаларга олиб келади. Достонлар бадиий ижод маҳсули сифатида алоҳида тил хусусиятларига эга эканлиги уларнинг ўзлашма қатламга бўлган муносабатида яққол кўзга ташланади ва бунда икки ҳолатни кузатиш мумкин: биринчидан, достон куйловчи бахшининг тилни билиш даражасини, иккинчидан, достон куйланган даврларда бир қатор арабча ва форсча-тожикча сўзларнинг тилимизда оммалашиб улгурганлигини. Худди ана шу лексик элементлар туфайли достон матни бир қадар адабийлашиб, китобийлашиб борган.

### **1.3 Достон тилидаг фразеологик бирликлар**

Ўзбек тили ўзининг фразеологик бирликларга (бундан кейин - ФБ) бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу қатламга тегишли элементлар тадқиқи тилшунослигимизда етарли даражада амалга оширилган. Бу ҳақдаги сўнгги маълумотларни профессор Б.Йўлдошевнинг ўзбек фразеологиясининг тамал тоши қўйилган пайтлардан тортиб мустақилликкача бўлган катта бир давр орасида олиб борилган тадқиқотлар ҳақида маълумот берувчи “Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти” (2007) номли монографиясидан олиш мумкин<sup>71</sup>. Дарҳақиқат, Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, А.Э.Маматов, А.Маматов сингари олимларнинг ўзбек фразеологияси шаклланиши ва ривожига қўшган ҳиссалари ғоятда салмоқлидир. Ушбу соҳани тадқиқ этиш борасида ўнлаб докторлик ва номзодлик диссертациялари, монографиялар ва махсус мақолалар юзага келган, дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзилган. Уларнинг айримлари ҳақида қуйида қисқача тўхталамиз ва етакчи хусусиятларини аниқлаб оламиз:

---

<sup>71</sup> Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиянинг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. –108 б.

Б.Йўлдошевнинг қайд этишича, ўзбек тили фразеологик бирликларининг деярли 75 фоизи функционал-услубий жиҳатдан муайян нутқий алоқа доираларида қўлланиш имкониятларига эга<sup>72</sup>. Шу фикрга таяниб олим ўзбек тилидаги фраземаларни учга: а) китобий, б) сўзлашув нутқи ва в) оддий сўзлашув фраземаларига ажратади<sup>73</sup>. Бу таснифдан ўзи ҳам каноатланмаган бўлса керак, таҳлиллар давомида қуйидагиларни ёзади: “Умуман олганда, оддий сўзлашув нутқи ибораларини сўзлашув услубига хос иборалар таркибида олиб қараш лозим, чунки уларнинг асосий қисми адабий тил системасидан ташқарида туради”, – деган фикрни баён қилади<sup>74</sup>. Демак, ўзбек тилидаги фраземаларни иккига: китобий ва сўзлашув услуби фраземаларига ажратиш тўғри бўлади. Халқ оғзаки ижоди намуналарига тегишли бўлган ФБларни эса сўзлашув услуби доирасида қараш тарафдоримиз. Чунки дoston матнлари илк бор оғзаки шаклда юзага келганлигини инобатга олсак, тилимиздаги бирликларнинг таркибий қисми бўлган ФБлар ҳам дастлаб оғзаки нутқда пайдо бўлишини тан олишимиз зарур. “Холдорхон” матнидаги кўплаб ФБларнинг Ш.Раҳматуллаев тузган “Изоҳли луғат”да<sup>75</sup> акс этмаганлигининг асосий сабаби ҳам шу.

“Холдорхон” дostonида ФБлар шу қадар кўп қўлланганки, таҳлил жараёнида уларнинг барчасини қамраб олишга диссертация ҳажми имкон бермайди. Шунга қарамасдан, Эргаш шоир маҳоратини белгилайдиган, дoston поэтикасининг асосий ўлчовларига мос келадиган ва унинг бадиий-эстетик даражасини юқори мақомда ушлаб туришга хизмат қилган асосий ФБларга тўхталиб ўтилди ва қуйидаги гуруҳларга ажратган ҳолда ўрганиш лозим топилди:

I. Китобий иборалар. Уларнинг асосий қисми иборалар таркибида арабча, форсча-тожикча элементлар иштирок этган ФБлардир. Масалан: *арз қилмоқ/ ариза бермоқ/ ариза юбормоқ*. Дoston матнида ибора луғатларда

<sup>72</sup> Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1998. –Б. 46.

<sup>73</sup> Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1998. – Б. 47.

<sup>74</sup> Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1998. –Б. 57.

<sup>75</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили фразеологиясининг изоҳли луғати. –Тошкент: Фан, 1978.

изоҳланган *шикоят қилмоқ* маъносида эмас, балки *ахборот, хабар бермоқ* маъносида ишлатилган: *Холдорхон подшога арз қилди: —Тақсир подшойим, бизлар тўй асбобини шундай ғамладикки, Гўрўгли тува ернинг юзин подшосин ҳаммасини айтсангиз ҳам, шошмаймиз* (6). Демак, халқ тили таракқиётининг маълум даврида *арз қилмоқнинг* хабар, ахборот маъноси ҳам бўлган ва аста-секинлик билан унинг қўлланиш доираси торайиб борган. Ҳозирда асосан тарихий-бадий асарлар матнида учрайди.

*дасти алиф лом қилмоқ*. Ушбу иборанинг дostonлар матнида учраши ўзига хос. Луғатларда кўзга ташланмади. “Алпомиш” дostonида ҳам учрамади. “Холдорхон”да эса 4 марта, “Кунтуғмишда” 2 марта қўлланган: *Шунда Чаққон жойидан туриб, дасти алиф лом қилиб, гарданини ҳам қилиб, бир сўз деди* (18). Бу ФБ Ислом шоир куйлаган “Орзигул”да 2 марта қўлланган: *Сувонхон дасти алиф лом қилиб, энасининг вақтини хушлаб, отасига айтган гапларини энасига ҳам айтди* (271, 293). ЎТИФЛда акс этмаган *алиф лом қилмоқ, алифни лом қилмоқ* иборалари кам бўлса-да қўлланади ва *эгилмоқ* маъносини беради. *Дасти алиф лом қилмоқ* ана шу ФБнинг трансформацияга учраган шаклдир.

*мағлуба қилмоқ*: *Энди, йигитлар, бўлса, дуруст бўлсин, эрта урушни мағлуба қилинг* (119). *Мағлуб қилмоқ* – *ғалаба қилмоқ, енгмоқ*. *Урушни мағлуб/мағлуба қилмоқ* – *ғалаба билан тугатмоқ* маъносида. Эргаш шоир шу йўсинда бир неча марта *жанги мағлуб* жумласини ҳам ишлатган: *Агар суроби бўлса, кунига жанги мағлуб, қачон битта-иккита бўлиб юрамиз?!* (263).

*мазмун қилмоқ*: *Бир одамни не қилди деб, Бек Гўрўгли мазмун қилди* (180). *Фикр қилмоқ, фикрламоққа* тўғри келади.

*такя қилмоқ*: *Ҳеч не кўринмай Аскарнинг кўзига, Такя қилди яратганнинг ўзига* (71). НАЛда *такя* – *суянчиқ, ёстиқ* маъносида (589), *такя қилмоқ* – *яратганга суянмоқдир*.

II. Сўзлашув услубига хос иборалар. Уларни яна қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Адабий тилдаги ФБларга шаклан ўхшайдиган, аммо мазмунан улардан фарқ қиладиган ФБлар. Масалан:

*талаб қилмоқ* ЎТИЛда келтирилган *қатъият билан қилинган сўров, илтимос* (2,110) маъносида у ибора эмас. Аммо дostonдаги *юриш қилмоқ, сафар қилмоқ* маъноларида қўлланишида ибора: *Талаб қипти тўртови Қрим вилоятига* (11).

*тараф бўлмоқ: Менинг билан тараф бўлинг, Кел, Қримнинг бўз боласи* (24). Иборанинг икки маъноси бор – *бир сўзи қўшилганда ҳамманинг бир томонда бўлиши*, шу ҳолатда эса *бир-бирига қарама-қарши бўлиши* маъноси англашилади. “Алпомиш” дostonида ҳам қўлланган<sup>76</sup>.

*чоқ бўлмоқ: Мирза Аскар билан Бердиёр гаплашиб, ўзининг асбобини чоқлаб, милтиқни ўқлаб, чоқ бўлиб турди* (61). Дoston матнида бу ибора барча ўринларда *тайёр бўлмоқ, тайёр ҳолатда турмоқ* маъносида ишлатилган. Аммо уни *димоги чоқ бўлмоқ* ибораси билан тенглаштириш мумкин эмас: *Ана энди Самандар ўзлон отасини тирик кўрди, димоги чоқ бўлди* (406). *Чоқ бўлмоқ* ҳозирги адабий тилдаги *ҳозирламоқ, тайёргарлик кўрмоқ, шай қилмоқ* маъносидаги *чоғламоқ*қа тўғри келади.

2. Халқ тилида мавжуд бўлган, аммо турли сабабларга кўра, масалан, импровизация ва бошқа поэтик талабларга кўра ўзгаришларга учраган, баъзан трансформация қилинган ФБлар. Масалан:

*анги узилмоқ*. Бирикма ядросида *анг* сўзи мавжуд. Ушбу сўз хақида луғатларда маълумотлар бор. Масалан, ЎХДЧИФЛда “Алпомиш” дostonида *ангда қолмоқ, ангдай қилмоқ, ангниб кўрмоқ, ангниб қарамоқ, ангниб қолмоқ, анг-танг қолмоқ* каби бирликлар қўллангани қайд этилган (12) ва уларнинг изоҳи берилган: *ангда қолмоқ – билмай қолмоқ, ангниб қолмоқ – айнимоқ,*

<sup>76</sup> Yo‘ldoshev B., O‘rinboyeva D. O‘zbek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lug‘ati. – Toshkent, 2008. –B. 100.

*ангниб кўрмоқ – кузатиб кўрмоқ, пойлаб турмоқ, анг-танг қолмоқ – ҳайрон қолиб оззи очилиб қолмоқ* (53) каби. ЎХШЛда сўзнинг қарлуқ типли шеваларга оид изоҳлари бор: *аң/анг – ов* (Иқон), *аңармақ – 1. англамоқ; 2. алангламоқ, анғқаймоқ; 3. ўнгармоқ, эпламоқ* (Хоразм), *аңдымақ* (Урганч, Хива, Хонқа, Ҳазорасп, Қорамурт, Иқон), *аңмақ* (Қоркисса) – *пойламоқ* (18-19) каби. АДЛДА *анг, ангнимоқ* сўзларининг изоҳлари берилган (10). “Холдорхон”нинг ўзида ҳам бу сўзнинг изоҳи мавжуд: *Одамни гофил қилиб, ўзимдай малъун қилсам, деб иш қилиб йўлдан озгириб чиқармоққа одамни англаб сира қўймайди* (овлаб - 335).

Ушбу сўз дoston матнида *пойламоқ: Мен эгарлаб миниб юрай эшак қип, Қочмасин ҳароми ангниб юринлар* (209); *ҳайрон бўлмоқ: Самандарнинг наърасини эшитиб, Бари бирдан анг бўп қолди шул замон* (398); *ов: Ана энди Ҳасан Кўлбар неча кун чўлларда, одами йўқ ерларда ов овлаб, қулон, кийик қувлаб, булон, оқбўта, тоғтака, олқор — шундай англари отиб олиб...* (409); *англамоқ: Сизлар тоғамни билмайсизлар, англамайсизлар, шундай қаттиқ кунларда даркор* (93) маъноларида қўлланганлиги ушбу сўз зиммасига юкланган вазифа кўламнининг кенг эканлигидан далолат беради.

Биз қараб чиққан дostonлар ва уларга тузилган луғатларда фақат шу “Холдорхон”да учраган *анги узилмоқ* бирикмасига дуч келмадик: *Ана энди қримликлар бу сўзни эшитиб, бир хил кам юракларининг ангни узилиб...*(18). *Холдорнинг ангни узилди, Саҳролари қизилди(р)* (189) каби. Дostonда 2 марта қўлланган гаплар мазмунидан *хаёли қочмоқ* маъносини англаш мумкин. ЎХШЛдаги *аңғал-даңғал* сўзининг шарҳига эътибор берсак, тахминимизнинг тўғри эканлиги маълум бўлади. Луғатда ушбу сўз *ҳайрон, паришон* маъноларини ифодалашлиги кўрсатилган (19). Агар шундай бўлса, *хаёл сурмоқ, хаёли паришонлик, хаёли қочмоқ* бирикларини ўзаро маънодош сифатида талқин этиш мумкин. Бинобарин, бу қўлланиш ҳам Эргаш бахши маҳоратининг маҳсулидир.



*бошни орга бермоқ: Мард бошни орга берар, Номард пулдор, борга берар* (126) – юқорида тилга олинган луғатларнинг биронтасида учрамайди. *Ор қилмоқ, орият қилмоқ, орият, уят, номус, уялиш туйғуси* маъносида. ЎТИЛда *ор қилмоқ* - *уялмоқ, номус қилмоқ, ўзига эп кўрмаслик* тарзида берилган (2.539).

*тирра бўлмоқ/турмоқ: Кўп қизилбош тирра бўлиб, отажон, Бари подишосига бориб дод қилди* (32). Достон охирида *тирра* сўзининг маъноси *гирром, изза* деб берилган (439). Келтирилган мисолларда унга *гирром* дан кўра *изза* мос келади. Луғатлари яратилган бошқа достонларда учрамади. “Алпомиш” да унинг *изза бўлмоқ* варианты мавжуд<sup>77</sup>. Адабий тилда *тирриқлик қилмоқ* варианты бор<sup>78</sup>. Мана бу ҳолатда шу маъно ифодаланган: *Авазхон бу сўзни айтиб эди, ўзи қандай қиларини билмай турган қизилбошлар жуда тирра туриб эди, полвоннинг бу сўзи жуда қаттиқ тегди* (27).

3. Халқ тилидаги мавжуд фразеологик моделлар асосида достон муаллифи томонидан яратилган ФБлар. Масалан:

*арз мақомига келмоқ: ...катта донолар бари бирдан арз мақомига келиб, қўл қовуштириб айтди* (6). Парчадаги ибора бошқа луғатлар ва достонларда кўзга ташланмади. Китобий характердаги ушбу ФБ Эргаш шоир ижодига мансуб. У адабий тилдаги *арз қилмоқ* элементининг биринчи маъносига - *билганини, ўйлаганини ёки дард-ҳасратини оғзаки айтмоқ* қа тўғри келади<sup>79</sup>.

*босим келмоқ: “Оз бўлсак ҳам ҳар қандай қилсак, қирғизга босим келамиз”, — деб кўнгли тўқ* (230). *Бу майдонга иш кўрган, жаррор, жаллод бўлсанг бор, шу йигитга босим келсанг бор, —деб фармонлади* (99). ЎТИФЛда ушбу ФБга мазмунан мос келадиган *баланд келмоқ, бас келмоқ, тўғри келмоқ, устун келмоқ* иборалар мавжуд. *Тенг келмоқ* феъли ҳам шу маънода. *Босим келмоқ*ни уларнинг ҳар бирининг ўрнида қўллаш мумкин. Аммо улар

<sup>77</sup> Yo‘ldoshev B., O‘rinboyeva D. O‘zbek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lug‘ati. – Toshkent, 2008. – B. 113.

<sup>78</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II жилд.– Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б. 187.

<sup>79</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 52.

стилистик жиҳатдан бир хил қийматга эга эмас, тенглик, бас келиш бошқа, баланд туриш ва устунлик бошқа. Ушбу ФБнинг функционал чегараси аниқ – у сўзлашув услубига хос.

*дам тортмоқ: Оралади Аҳмад Сардор элига, Дам тортиб девларнинг аждаҳори (247).* Унинг маъноси *наъра тортмоқ/урмоқ* нинг маъносига тенг келади.

*ер билан дўст бўлмоқ: Етса ўтар ўлдириб, Қолар ерман дўст бўлиб. (175).* Матнда *дўст бўлмоқ* ўз маъноси – *дўстлашмоқ*ни англатаётган қўшма феъл эмас. Унинг маъноси ЎТИФЛдаги *ер билан яксон қилмоқ, ер билан битта қилмоқ, кулини кўкка совурмоқ* ФБларининг маъносига тўғри келади (80). Аммо дoston матнида *ер билан дўст бўлмоқ* ибораси *дўст бўлмоқ*ни бутунлай тескари маънода қўллаш натижасида луғатдаги вариантларига нисбатан кучли ва образли оттенка касб этган. Бу эса шоирнинг маҳорати бўлиб ҳисобланади.

*кўнгили якдила бўлмоқ/қилмоқ: Така-Ёвмит бариси келса ҳам урушамиз, — деб қирғизлар бойнинг кўнглини якдила қилди (229).* Луғатларда учрамади. *Кўнгилини чоғлаш, хуш қилиши* маънолари мавжуд.

*танг бўлмоқ: Фарҳодбек бир ҳафта, саккиз кун майдондорлик қилди, қирғиздан ҳеч бир одам баробар келмади, қирғиз танг бўлди (237).* Адабий тилдаги *ҳоли танг бўлмоқ* иборасининг қисқарган варианты. “Алпомиш” дostonида ҳам учрайди<sup>80</sup>. *Танг бўлмоқ* тор маънода *ичи қисилмоқ* маъносида ҳам тушунилади.

*юзни туман қилмоқ: Бир аломат бўлса менинг сиртимда, Дўст-душманга туман қилма юзимни (42).* Ҳозирги тилимиздаги *юзини шувут қилмоқ, юзи шувут бўлмоқ* нинг шоир томонидан ўзгартирилган шакли. Агар *юзи шувут* - *қилмиши, айби туфайли бошқаларга кўринолмайдиган, уятга*

---

<sup>80</sup> Yoʻldoshev B., Oʻrinboyeva D. Oʻzbek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lugʻati. – Toshkent, 2008. – B.119.

қолган, ҳижолатли маъноларини берса<sup>81</sup>, худди шу маънони шоир туман сўзига юклай олган. Оҳори тўкилган иборани янгилаган, мазмунан бойитган.

*қўл бойламоқ: Ҳали менинг кўзим йилтираб туриб, элимга қўлни катта қилиб, ўзим унга фуқаро бўлиб, олдида қўл бойлаб таъзим қилиб салом бериб турмайман* (45). Адабий тилдаги *бел боғламоқ* иборасига жуда ўхшаш. Унинг шаклланишида айнан шу модел хизмат қилган бўлиши мумкин. Аммо маънолари бир хил эмас. Достон матнидаги *қўл бойламоқ* да ҳурмат семаси мавжуд. Шунинг учун унга *қўл қовуштирмақ* ибораси мос келади, достон матнида 8 марта ишлатилган. “Алпомиш”да 1 марта қўлланган (128). *Қўл бойламоқ*ни Эргаш шоирнинг мавжуд ФБларга ижодий муносабати деб қабул қилиш тўғри бўлади.

4. Диалектал ФБлар. Масалан:

*иргал тортмоқ: Иргал тортиб боради, Ҳайданг бизман бирга деб* (341). *Иргил тормоқ - илгариламоқ* маъносида. Бу ҳақда “Холдорхон” достонининг 439-бетида изоҳ берилган.

*кўр бўлмоқ.* Луғатларда учрамади. Достон матнида ҳам ўз, ҳам кўчма маъноларда қўлланган: *Тузим урсин, икки кўзи кўр бўлсин* (73) – *Сизни бир қаттиқ йўқлаб, чақириб қолармикан, ё бўлмаса, кетсанг кўр бўл, деб димоғи чоғ бўлармикан?!* (407). *Кўр бўлмоқ* диалектал характерга эга бўлиб, қипчоқ шеваларида *кўр бўлсин – майлига* маъносини беради: *Кўр бўлсин, индаманглар; кўр бўлсин, олса олибди-да* каби.

*музтар бўлмоқ: Сенга даркор бўпти полвон Самандар, Албатта, бўлибсан, бир ишга музтар* (387). ЎХДЧИФЛ бор. *Ночор бўлмоқ, ночорлик* маъносини беради.

*мункир келмоқ: Мирза Аскар, қулоқ солгин сўзима, Баччалик қип мункир келма тузима* (36). ЎТИЛда *мункир* сўзи арабча, эскирган белгилари билан

---

<sup>81</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.– Б. 430.

келтирилган ва *инкор этувчи, тан олмовчи* маънолари борлиги қайд этилган<sup>82</sup>. *Тонмоқ* маъносини беради.

*сон бўлмоқ: Холдорхон энди сон бўлди, Бу лашикардан карвон яхши* (180). Унинг адабий тилдаги варианты *тамом бўлмоқ* жумласининг битта маъноси кўчма: *дард-алам тортиб, кулфат чекиб, куйиб ёки ёниб адо бўлмоқ*<sup>83</sup>. Ушбу ибора ҳозирда ҳам *же-ловчи* шеваларда фаол ишлатилади.

*ўлиб юрмоқ: Шу Аҳмад бир эмас, икки эмас, уч эмас, ўн эмас, доим ўлиб юради* (75). Бирор ният, мақсадга етишиш йўлидаги интилиш, ҳаракатни ифодалайдиган бу ФБ луғатларда йўқ. Ундан англашиладиган маъно адабий тилдаги *согинмоқ, дийдорига муштоқ бўлмоқ* маъноларини ифодалайдиган *ичикмоқ* феълига ҳам тўғри келади<sup>84</sup>. Достон матнида ана шу маъноларда олти марта қўлланган. “Алпомиш”да фақат 2 марта қўлланганлиги, луғатлари тузилган бошқа достонларда ҳам учрамаслиги ушбу ФБнинг Эргаш шоир ижодига мансублигини кўрсатади.

Шунингдек, *бағрини эзмоқ / бағри эзилмоқ* маъносидаги *кўкайни кесмоқ* (20), *юракнинг чигилини ёзмоқ* маъносидаги *юракнинг черини кеткизмоқ* (56), *бопламоқ, панд бермоқ, фириб бермоқ* маъноларини берадиган *ясаб кетмоқ* (96), *димоғи чоқ бўлмоқ* иборасининг акси бўлган *димоғи куймоқ* (237), *оёғидан олмоқ* иборасига ва *йиқитмоқ* феълига тенг келадиган *чалим солмоқ* (154), *жон фидо қилмоқ* нинг варианты бўлган *жон сотмоқ* (121) сингари ФБлар луғатшуносларнинг эътиборидан четда қолиб келган, халқимиз тил бойлиги хазинасидаги қимматли бойликлардан саналади. Шу маънода, *бити қора киймоқ, ҳайбати йиртиқ қонга сизмаслик, шамоли ўнгарилмоқ* ФБлари ҳам халқ донишмандлигининг нодир намуналаридир: *Сен қул ўлганда қайси туркманнинг бити қора кияди* (65), *Гўрўглибекнинг сиёсатини, ҳайбатини сира-сира йиртиқ қонга сизизмайди, таърифини, васфини жуда ҳаддан ошириб гапиради, ҳар нима бўлса бўлар, сизлар нима*

<sup>82</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 480.

<sup>83</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 114.

<sup>84</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 342.

*маслаҳат қиласиз?* (199), *Унинг шамоли ўнгарилди, бизларга меҳнат юзланди* (194) каби.

ФБлар тизимида *қилмоқ* феъли иштирок этган иборалар салмоқли ўринни эгаллаган. Бу фикрни “Холдорхон” достони матнида учрайдиган *бошқа сўз+қилмоқ* шаклида қўлланган 20 дан ортиқ бирикувлар ҳам тасдиқлайди.

Таҳлил этилган ФБлар оғзаки нутққа, жумладан, *же-ловчи* шеваларда сўзлашувчилар нутқиға хосланганлигини ва халқ дostonлари матни учун типик эканлигини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг кўпроқ предмет узвли лексемалар билан бирикиши ҳамда ҳаракат ва ҳолат семаларининг юзага чиқиши кузатилади: *талон солмоқ, мазмун қилмоқ, байъат қилмоқ, итоб қилмоқ* каби. Ш.Раҳматуллаев бу бирикувдаги грамматик муносабатларни *боғлашув* деб талқин қилади, *от+феъл* боғлашувини мантиқий валентлик асосида таҳлил қилишда аргумент+оператор структурасига таянади<sup>85</sup>. Дoston матнидаги ФБлар асосан бир боғлашувли, кам ҳолатларда икки ва уч боғлашувли элементлардир.

Таҳлиллардан англашилмоқдаки, ФБлар барқарор тил материали сифатида луғатларда қай тарзда акс этган бўлса, матнларда ҳам шу шаклда келавермайди. Шунинг учун ҳам уларнинг турғунлиги ҳақидаги фикр нисбийдир. Уларнинг ўзгаришларга учраб қўлланилишида маълум поэтик, стилистик ва диалектал мақсадлар ётади. Шунинг учун ҳам профессор А.Маматов “Бизнинг кузатишларимиз, фразеологик бирликлар структурасининг бузилишлари, уларнинг норма деб тан олинган шаклдан четга чиқишлари, асосан, трансформация қилинган окказионал фразеологизмларда учрашини тасдиқлайди. Фразеологик ибораларнинг трансформация қилиниши учун эса, улар компонентларининг алоҳида-алоҳида сўзлардан ташкил топганлиги шарт-шароит яратади ва бу шарт-

---

<sup>85</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларининг боғлашуви.–Тошкент: Университет, 1992. –Б. 3-4 б.

шароит фразеологизмлар учун бўлган ўзига хос ходисадир”<sup>86</sup> деган мулоҳазани баён этади.

### ***Биринчи боб юзасидан қисқа хулосалар***

Достон тилига хос бўлган қуйидаги алоҳида фонетик ва лексик-фразеологик хусусиятлар мавжуд:

1. Достон кўлёмасининг икки киши – Эргаш шоирнинг ўзи ва Ҳ.Зарифов томонидан ёзилганлиги матн фонетикасида намоён бўлган икки ҳолатни юзага келтирган. Асар муаллифи матнда достон қуйлашга хос бўлган табиийликни сақлашга интилган бўлса, Ҳ.Зарифовда адабий тилга яқинлаштириш ҳаракати сезилади.

2. Достон тили фонетик жиҳатдан *же*-ловчи шевалар хусусиятини ўзида тўла акс эттирган. Қипчоқ шеваларидаги унли, ва, ҳатто, ундош товушлар ўртасидаги сингармонизм яққол намоён бўлган. Шунингдек, *з>й*, *и>о*, *ми>ма* сингари жараёнлар достоннинг қуйланишида адабий тил ва мумтоз адабиётнинг таъсири тобора ортиб борганлигини кўрсатади.

3. “Холдорхон” достони учун хос бўлган товушлар альтернацияси сирғалувчи ва портловчи (*б*, *в*), тил ўрта ва тил орқа товушларининг (*з*, *й*) ўзаро алмашилиб туриши билан изоҳланади.

4. Жарангсиз товушларга (*п*, *т*, *с*, *к*) нисбатан жарангли товушларни (*б*, *д*, *з*, *г*) қўллашга бўлган мойиллик ҳам достонларга хос бўлган фонетик хусусиятлардир.

5. Талаффузда *а*, *и*, *й*, *л*, *н* товушларининг орттирилиши, *л*, *г* товушларининг тушиб қолиши, сўз структурасида содир бўладиган қисқарувларнинг сўз фонетик қиёфасига таъсир кўрсатиши *же*-ловчи шева хусусиятларини достонда намоёиш этувчи ҳолатлар саналади.

6. Айрим товушларнинг, мас., *о* нинг *умаро*, *вузаро*, *уламо*, *фузало* сўзлари охирида чўзиб талаффуз этилиши ҳамда жуфт сўзлар таркибида

---

<sup>86</sup> Маматов А. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991. – 239 б.

такрорланиши уни матнда Эргаш шоир услубини белгиловчи поэтик воситага айлантира олган.

7. *Й, к, л, н, р, т, ш, з, х* товушлари мисолида содир бўладиган диэреза ходисаси достон тили учун хос хусусият саналади.

8. Достон тилидаги лексик birlikлар Чамбил элининг султони Гўрўғли ва Қрим подшоси Холдорхон ўртасидаги ҳарбий ҳаракатлар, жангу-жадаллар, ўзбек халқининг турмуш тарзида етакчилик қиладиган чорвачилик билан боғлиқ ҳолатларни акс эттиришга хизмат қилган.

9. Ушбу элементларни ўз ва ўзлашган қатлам тарзида семантик гуруҳларга ажратиб таҳлил этиш достонлар матнида учрайдиган birlikларнинг халқчиллик даражаси ёки достон куйловчи услубигагина хос бўлган жиҳатларни аниқлашга имкон берди. Гарчи, ўзбек халқ достонлари учун ўзлашган сўзларнинг қўлланиши хос бўлмаса-да, ушбу қатламга оид элементларнинг достон матнида фаоллашуви Эргаш шоирнинг бадиий тафаккур олами ғоятда кенг бўлганлиги, даврлар силсиласида жонли тилнинг адабий-китобий тилга яқинлаша борганлигини кўрсатади.

10. Достонда *аёлнинг бола-чақа; бўлмоқнинг тенг, баравар келмоқ; димнинг асло; ёмоннинг жуда; тозанинг жуда; уй бошиганинг ҳамма; қобирғанинг тараф, томон; қаватнинг ён; ҳалининг нафақат; томирнинг қариндош, ўларманнинг шилқим, хира; ўхшатмоқнинг бопламоқ, яхишламоқ* каби маъноларни ифодалаганлиги сўз маъноларининг кенгайиши ва жонли нутқда хосланиши учун эпик жанрнинг имкониятлари кенг бўлганлигидан далолат беради.

11. Муаллиф ясаган *асбобдор, мотамдор, инъомдор, зулфдор, анжомдор* каби сўзлар; *майдон, эл* элементларини, *-ли* қўшимчасини қўллашдаги алоҳида ҳолатлар, Эргаш шоир услубини белгиловчи алоҳида жиҳатлардир. У тил birlikларидаги рўёбга чиқмаган имкониятларни ишга сола олди, *гўзал, жаллод, сиёсат, тил* каби birlikларнинг янги маъноларини истеъмолга олиб кирди.

12. Эргаш шоир *бежсай, дархон, кўкай, насоқ, ҳарба, хўрон, хоназот, чер, қовузланмоқ, қорувли, қотилмоқ* лексемалари, диалектал *лош, лот, сарқакураш, табл, чача, чилтон, шакаман, шотир* элементлари мисолида архаик сўзлардан фойдаланишда алоҳида маҳоратини кўрсата олди. Шунингдек, ономастик, чорвачилик ва ҳарбий лексикага оид сўзлардан фойдаланишдаги шоирнинг ўзи яратган *найзадаст, найзадор, милтиқламоқ, тизбоз, қалқонбозлик, қиличламоқ* сўzlари дoston услубига хос жиҳатлари билан намоён бўлди. Олиб борилган ўзлашма қатлам таҳлили уларнинг қўлланиши бошқа ўзбек халқ дostonларига қараганда “Холдорхон”да устун эканлиги маълум бўлди.

13. Дoston халқ тилида фаол учрайдиган, оммабop характердаги ФБларнинг қўлланиши билангина эмас, балки сўзлашув услубига хос бўлган, диалектал ФБларнинг ўзига хос хазинаси эканлиги билан алоҳида қимматга эгадир.

14. Таҳлил этилган ФБларнинг кўпчилиги бошқа дostonлар ва улар юзасидан тузилган луғатларда учрамаслиги бу ФБларга Эргаш бахшининг алоҳида эътибор қаратганлиги, айримлари устида қунт билан ишлаганлигидан, уларга жило ва сайқал берганлигидан, натижада айрим ўринларда кутилмаган даражада образлиликни, баёнда кутилмаган гўзал ифодани пайдо қила олганлигидан далолат беради.

15. Дostonлар матнида қўлланган элементлар структурал жиҳатдан олиб қаралганда феъл бирикмали ФБлар маҳсулдор эканлиги маълум бўлди.

16. Дoston матнида қўлланган ФБлар халқимиз тил бойлигининг ва Эргаш шоир поэтик маҳоратининг алоҳида қирраларини намоёиш қила олган тил элементлари ҳисобланади.



## II БОБ. ГРАММАТИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ДОСТОНДАГИ ФУНКЦИОНАЛ - СТИЛИСТИК ИМКОНИАТЛАРИ

Лингвистик тадқиқот объекти сифатида олинган “Холдорхон” достонининг грамматик хусусиятларини ўрганиш ҳам тилшунослик учун кизиқарли метариаллар беради. Аммо бу хусусиятларни ўзбек тилидаги ҳар бир грамматик туркум ва категориялар мисолида ёритишга ишнинг ҳажми имкон бермаслигини инобатга олиб, мазкур бобда фақат халқ оғзаки ижоди намуналарига, хусусан, достонлар тилига хос хусусиятлар бўртиб турган жиҳатларгина шартли равишда икки гуруҳга – морфологик ва синтактик гуруҳга ажратиб таҳлил этилди.

### 2.1. Достондаги шевага хос морфологик хусусиятлар

Гарчи “Холдорхон” достонининг тил хусусиятлари ўзбек халқ достонлари тилининг умумий фониди қаралса-да, унинг бошқа достонлар матнидан фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам мавжуд. Уларни сўз туркумлари кесимида олиб қарайдиган бўлсак, бу хусусиятлар сўз туркумларининг бирида озроқ, иккинчисида кўпроқ тарзда намоён бўлиши мумкин. Аммо қайси туркумга дахлдорлигидан қатъи назар, бу ўзига хосликлар биринчи навбатда сўзнинг морфологик шаклларига келиб тақалади. Биз уларни айрим сўз туркумлари мисолида қараб чиқамиз.

От туркумига оид сўзларнинг қўлланишида икки ҳолат алоҳида ажралиб туради:

- қадимги туркий тилдаги III шахс эгалик қўшимчасига ўрин келишиги қўшилганда улар орасида [н] товуши орттирилиши ҳодисаси<sup>87</sup> достон тилида ҳам сақланиб қолган: *Бурунги ўтган замонинда, эли ўзбак омонинда, қибладан туманинда, Така-Ёвмитнинг элинда, Чамбилбелнинг белинда давронни суриб... Гўрўглибек ўтди (5). Яна: тубинда, жиловинда, кўнглинда,*

<sup>87</sup> Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.52.; Ҳамдамов Ж. Ўзбек тили тарихи. Иккинчи қисм. Тарихий морфология. Исmlар. – Самарканд: СамДУ нашри, 2003. – Б. 29.

йўлинда, қўлинда, элинда, тақиминда, давринда, охирида, боринда, ўртасинда, қабатинда-қаватинда, кетинда, вақтинда, юртинда, остинда, устинда, ичинда каби. Улар орасида *ичинда* 113 марта қўлланганлиги билан характерланади.

*Же-ловчи* шеваларда кўплик кўрсаткичи *-лар/лар* баъзан ўзи қўшилган сўзнинг охирги товушига уйғунлашган ҳолда *нәр/нар* тарзида талаффуз қилинади. Аммо дostonда бу учрамайди. Кўплик 570 ҳолатда *-лар* билан ифодаланган.

*Сон* туркумига оид сўзлар дostonлар тилида ўзининг умумлаштирувчилик ва рамзийлик хусусиятлари билан алоҳида лингвистик кимматга эга бўлишига қарамасдан, халқ оғзаки ижоди намуналари тилини ўрганишда уларга жиддий аҳамият берилмай келинаяпти. Шу сабабли мазкур бобда уларга бир қадар кенгроқ тўхталишга ҳаракат қилинди.

“Холдорхон”да сон туркумига оид сўзлар орасида *бир* ниҳоятда маҳсулдор қўлланган бўлиб, 973 тани ташкил этади. У бирикиб келган сўзларни аниқлаш дoston куйлаш услубининг белгиланишида ушбу соннинг иштирокини аниқлашга имкон беради.

*Бир* сўзи алоҳида қўлланганда сонлик маъносидан ташқари яна асосан куйидаги маъноларни ифодалаш учун хизмат қилган:

- маънони кучайтириш: *Қримнинг эли иттифоқлашиб, шу тўйга даркор бўладиган асбоблардан мўл қилиб, неча бир яхши ҳовлиларни, меҳмонхоналарни янгиттан қилдириб, янги палосдан тўлдириб, одам ейдиган нозу неъматлардан ҳар туслисин жамлаб, йигдира берди* (6);

- тахмин: *Бир ўн кун, жияним, ухлаб олайин, Чилим чакиб, мен нашъамни қилайин* (91);

- ажратиб кўрсатиш: *Авазхон полвонга бир қизилбош ҳам гапира олмай қолди* (25). Шу маънони бериши мумкин бўлган *биргина* сўзи эса қўлланмаган. Ушбу оттенкани асосан *битта* сўзи бажарган ва 68 марта қўлланган: *Тўй қилдим деб овозанг-донггозанг оламни тутуди; шундай*

*катта тўйингда битта одамни тўйгиза олмай ўтирганинг уятми, бизники уятми?! (25) каби.*

*бир сўз бирикмаси (33 марта ишлатилган) ва бундай қўлланиш мутлақо дostonлар услубига хос. Дostonни айтиш давомида бахши таъриф этиб келаётган қахрамонга гўё шу тартибда сўз беради: бир сўз деди, бир сўз айтаётибди, бир сўз айтаётир, бир сўз айтиб турибди, бир сўз деб турар, бир сўз айтади, бир сўз деб турур, бир сўз деб турибди каби.*

Шу тарзда *бир сўзи бир ўзим (32 марта) таркибида чегаралаш, ажратиш: Ў, Хидирали бой, сенга урушни ким қўйди, менинг бир ўзимга жамеъ қирғизнинг кучи етмайди, бир ўзим барингга бўламан (231); 23 марта қўлланган бир ёқ да эса чегаралаш, ажратиш: Сизлар бир ёқ, мен ҳам бир ёқ, Остимда тулпор тўбичоқ (24); номаълум томонга йўналганлик: Оға Юнус пари Авазхонни кўрса, чап-чаққон бўлган, ёв-яроқ шай, бир ёққа юриб бораётгандай (34); 23 марта ишлатилган бир гап таркибида воқеа, ҳодиса, бахтсиз ҳодиса: Авазхон ўғлонга қараса, ранги сўлган, ичи замга тўлган, хаёлида бир гап бўлгандай (31), фикр: шу турган элнинг кўнглига бир гап келиб қолди (40), тасодиф: Тоға, бир гап бўлиб менинг отимга бир ёмон от қолмасин (42), нима бўлса бўлар: ...урушни ҳар ёқдан, ҳар тарафдан ўн-ўндан, беш-бешдан қамаб, қистаб қамсаб урушсанглар, бир гап бўлади-да (119), гумон: “Сардор бир гапни билади”, — деб кўрқди (359) каби маъно оттенкаларини фарқлашга хизмат қилган.*

*Икки сўзининг қўлланишида алоҳидалик сезилади. Ушбу сўз 328 марта қўлланган бўлса, асосан, дoston сюжетига уйғунлик кўзга ташланади. Жанг майдони тасвири билан боғлиқ ҳолатларда унга фаол мурожаат қилинган ва карама-қарши томонларни, оппозицияни кўрсатиш вазифасини бажарган: икки ёқ (59 марта), икки лашқар (28 марта), икки полвон (23 марта), икки шоҳ (13 марта) каби.*

Мисқол пари ва Юнус парининг биргаликдаги ҳолатини ифодалашда *икки сўзи фаол ишлатилган. Икки пари бирикмаси 19 марта қўлланган: Ў,*

*огайин, ёронлар, шу икки пари, бир неча келин, набира, бола-чақаси қочиб келибди (228).*

Достон матнида 64 марта қўлланган *беш* сўзи алоҳида ҳолатда 14 марта учрайди. Аксарият ҳолларда *ўн беш, беш юз* бирикмалари таркибида келган. Бу қўлланишда достонлар тасвир услубига хос бўлган шартлилик яққол сезилиб туради: *беш юз бедов от, беш юз маҳрам, беш юз моҳрўй, беш юз този (332-333)* каби.

*Беш кунлик дунё* турғун бирикмаси таркибида ҳам бу шартлилик яққол сезилади: *...беш кунлик давлатга қувониб, ҳаммаси ўзимники, деб бир кун ажалнинг шарбатини ичиб, уч газ ерга қаноат қилиб қолган (334).*

Достон матнида ушбу соннинг отлашиши ҳам кузатилади: *Йигитларнинг бешини бир, тўртини бир — ҳар ерга тайин қилди (61).* Метонимия ҳодисаси мана бу мисолда ҳам кўринади: *Энди, йигитлар, ҳар ёқдан, ҳар тарафдан ўн-ўндан, беш-бешдан қамаб, қистаб қамсаб урушсанлар, бир гап бўлади-да (119).*

*Олти* сонининг қўлланиш кўлами кенгрокдир. Достон матнида 23 марта ишлатилган. У *беш-олти* тарзида умумлаштириш маъносида фаол қўлланган дейиш мумкин (9 марта): *Тўй эмасми, беш-олти юз бўз бола ҳамманг узангини узун тақинг (18).* *Олти юз, олти минг* сонли бирикмалар таркибида қўлланишда шартлилик оттенкаси мавжуд: *Чир атрофида беш юз, олти юз камондозлар камон ташлаб ётири (405).* *Ана-мана деганча олти минг одамни нобуд қипти, тўрт минг одам қопти (253).*

Ушбу соннинг қўлланишида халқчиллик кўзга ташланади. Халқ мақоллари, турғун бирикмалари таркибидаги уйғунлик достон тилига ҳам кўчган: *Ажал осмондан ёғиб, олтмиш яшар билан олти яшарнинг жони бир баҳо бўлиб, ажалнинг бозори қизиди (166).* *Уларнинг алами олти бўлиб турганда, сиз қўшимча қиласиз (195).* *Қайсарнинг лашкари бирдан югурди, От зарбидан бу ер бўлди олти қат (322)* каби.

*Етти* сўзи нисбатан кам қўлланган (9 марта). Унинг *етти пушт, етти иқлим* бирикмалари таркибида қўлланиши халқ тилида анъанавий турғун характерга эга: *Менинг етти пуштим соҳибқиронди(р), Мен келдим, сизларга охир замонди(р)* (133). *Етти иқлимдан дим қолмади, Кўрдим армоним қолмади* (427). Қолган ҳолатларда шартлилик кузатилади: *етти одам* (7), *етти элчи* (8), *етти юз туя* (332) каби.

*Тўққиз* сўзи 13 марта қўлланган. Бу ерда ҳам шартлилик кўзга ташланади: *Ана Гўрўғлибек шу куни Авазхонга қилгани тўққиз-тўққиздан бўлди: тўққиз от, тўққиз туя, тўққиз чодир, тўққиз маҳрам баччаи зулфдор, тўққиз канизи моҳрўй, тўққиз қилич, тўққиз милтиқ, тўққиз найза, тўққиз бўғча сарпой* (317). Аммо соннинг *тўққизланчи* тарзида қўлланиши бошқа дostonлар матнида учрамайди: *Тўққизланчи куни Думалоқ полвон чошиб майдонга кирди* (107) каби.

*Ўн* сўзи 107 марта қўлланган. Аҳмад Сардорнинг қўшини сони ҳақида *ўн минг* 41 марта тилга олинади. *Ўн ботмон* 7 марта, *ўн кун* 17 марта, *ўн одам* 5 марта қўлланган.

*Қирқ* фаол – 155 марта қўлланган. Бу халқ оғзаки ижодида ушбу соннинг рамзийлик хусусияти билан боғлиқ. Биринчидан, Гўрўғлининг сараланган йигитларининг сони қирқта. Бинобарин, дostonда 86 марта *қирқ йигит* бирикмаси келган: *қирқ йигитга силовсин тўн кийдириб Гўрўғлибек ўтди* (5). Матнда 14 марта қўлланган *қирқ одам* бирикмаси ҳам *қирқ йигит* нинг бошқача номланиши: *Эшитамиз, Гўрўғлибекнинг қирқта одами бор эмиш, шу қирқ одами бизнинг подшомизни олармикан, қирқ одамнинг қўлидан нима келар экан, қирқ одамдан ким қўрқар экан?!* (27). *Қирқ азамат, қирқ аждаҳор, қирқ арслон, қирқ полвон* бирикмалари ҳам айнан Гўрўғлининг йигитларига нисбатан қўлланган. *Қирқ чилтон* ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин: *Қирқ чилтонга Сардор эди Гўрўғли, Ҳар ишдан хабардор эди Гўрўғли...*(350) каби.

*Юз* сўзи 66 марта *одам, сўқим, қўй, туя, бедов* каби отлар ва *танга,*

*ҳисса, ботмон* сингари нумеративлар билан биргаликда қўлланган. Сон+сон тарзида қўлланиш частотаси қуйидагича: *икки юз – 7, уч юз – 2, беш юз – 20, олти юз – 6, юз минг – 4*. Мазкур сўз иштирок этган бирикмаларда халқ оғзаки ижоди услубига хос анъанавийлик, масалан, *қирқ сўзининг* қўлланишидаги *каби, яққол кўзга ташланиб турмайди*. Лекин 20 марта қўлланган *беш юз сўқим, беш юз танга, беш юз киши, беш юз одам, беш юз банди, беш юз ҳўкиз, беш юз бедов, беш юз маҳрам, беш юз каниз, беш юз този, беш юз камондоз* каби бирикмалар таҳлили дoston матнида унинг қўлланишида аниқ бир рақамни ифодалашдан кўра анъанавий ифода ва шартлилик кўзга ташланиб туради.

Дoston матнида *минг* ҳам фаол сонлардан бўлиб, 115 марта қўлланган. Унинг ярмидан кўпи, яъни 62 тасини *ўн минг* бирикмаси ташкил этади ва бу бирикма Аҳмад Сардорнинг йигитлари ҳақида гапирилганда келтирилади: *Ўн минг йигит қошида, Доим шерик бек Сардор. Ўн минг йигит ияртиб, Сардор елиб келади* (48) каби. 12 марта қўлланган *ўн минг йигит* бирикмасининг вариантлари сифатида *ўн минг одам, ўн минг оломон, ўн минг новвой* бирикмалари қўлланган.

Сонларнинг субстантивациялашиши ҳам сўзлашув услубига хос хусусият саналади ва улар дostonда ўз ифодасини топган: *Қани, менга полвонларинг борми, бўлсанг, кел, биринг кўрқсанг, ўнинг кел, ўнинг кўрқсанг, юзинг кел, юзинг кўрқсанг, мингинг кел!* — *деб лоф уриб, қани, деб ўзини мақтаб айтгани* (264-265) каби.

Дoston матнида қўлланган сонлардан хулоса қилиш мумкинки, улар орасида *бир, қирқ, минг* элементлари фаол қўлланади. Бу *бир* сўзининг ўзбек тилида семантик-стилистик имкониятлари ғоятда кенглигидан, *қирқ, минг* сингари бирликларнинг эса халқ оғзаки ижодида муайян одамлар ва нарса-ҳодисаларга нисбатан қўлланишда шартлилик ва анъанавийлик мавжуд эканлигидан ҳамда бу анъанавийлик дostonдан-дostonга кўчиб юришидан далолат беради.

*Олмошларнинг қўлланишида ҳам ўзига хосликлар кузатилади. Масалан, кўрсатиш олмошлари бу, шуларни олайлик. Улар бир-бири билан уруш кайфиятида бўлган томонларнинг бир-бирига бўлган муносабатини – менсимаслик, хуш кўрмаслик, ҳурматсизлик оттенкаларини ифода этади: Бунга кенгаш не даркор, бунинг тўйига битта одам ҳам бормаиди (9). Ҳар қандай бўлса шунинг одами ҳам кўпқарига бир тушар (18).*

*Сўроқ олмошли бирикма қандай қилмоқ, нима қилмоқнинг кўпинча же-ловчи қайтмоқ тарзида айтилиши дoston тилида ҳам ўз ифодасини топган: Қани Гўрўглибек қайтар экан (407). Қайтмоқ – нима қилмоқ: Бефарзандлик мени қилди саргардон, Қайтайин қолмади танимда дармон (35). Аммо қандай қилмоқ ҳам қўлланилган: Шунга нима дейсизлар, қандай қилиб борамиз дейсизлар? (9).*

*Ким ўрнида нима олмошининг қўлланиши ва маълум стилистик вазифани адо этиши сўзлашув услубига хос ва бу хослик дoston тилида акс этган: Менинг нима бор эди Холдорхон хат юборса. Бўлмаса, Холдорхон менинг нима эди, томиримми, ё бошқа яқинимми, нима менинг?! (298).*

*Қайси олмошининг ўрнида не элементининг ишлатилиши ҳам айрим же-ловчи шеваларга хос хусусият: Тўйга об келиб берган ошинг шу бўлса, Бундай тўйга не бетингман келасан?! (15)*

*Белгилаш олмоши бўлган бари элементи дoston тилида энг кўп қўлланган олмошлардан ҳисобланади. У турли морфологик вариантлари билан 437 марта қўлланган. Ушбу сўз билан синонимик муносабатга кириша оладиган сўзларнинг дostonда қўлланиш частотаси куйидагича: ҳамма - 210, бутун – 3, бор - 204, жами- 46, тамом - 15, бор-йўқ-3; барча, буткул сўзлари дostonда ишлатилмаган. Улардан ҳамма ва жами элементлари бари билан бемалол синонимик муносабатга кириши мумкин бўлган бирликлардир: Бари зориллайди, оти одамхўр (20) - ҳамма бирдан арз қилди (41) - Хидирали бой уришиб қолди, жамий қирғизни йигди (78). Тамом сўзи тамоми шаклида синоним бўлган: Қрим подшоси Холдорхон бизни, тамоми элимизнинг*

*катта-кичиги қолмасдан тўйга айтибди* (9). *Бор-йўқ сўзи мавжудлик* маъносини англаган, фақат бир ўринда *бари* билан синонимик муносабатга киришган: *Ёвмит элатим, ҳар на бор ҳолатим, кўнгил тўқим, бори-йўғим, сенсан-да!* (366). *Бутун сўзи* эса фақат *яхлит, жуда* маъноларида қўлланган.

Х.Дониёров ушбу синонимик қаторда яна *жавлик (жавлик), жаппа (жаппа), тамамнай, пўтўннай, батамом, шипири (шыпыри), текис, битта қомай (биттә қомай)* сўзлари борлигини кўрсатган<sup>88</sup>. Достонда *жавлик* истилоҳи 4 марта: *Туркман эли жавлик қайтса шу вақтда, Бек қиларми гулом қариндошлари* (46), *битта қомай* 1 марта қўлланган: *Бир-биридан тайсалламай, От қўйган биттаси қомай* (279). Келтирилган сўзлар орасида *текис* дан бошқаси қўлланилган эмас. Аммо бу сўз *бари, ҳамма* маъноларида қўлланмаган.

Ушбу таҳлиллар халқ тилида синонимик қатордаги барча сўзлар орасида *барининг* мавқеи баланд эканлиги унинг халқ оғзаки ижоди намуналарига ҳам таъсир ўтказганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари *қандай экан, нечта* каби элементларнинг шева вариантлари қўлланган: *Сен қараб тур, мен борайин, жияним, Кўрайин Думалоқ қандай чакин-да?! (111). Бир полвонни кўзлаб қувса эр Кўлбар, Етганча нечавни тегиб кетади* (169).

Мана бу ҳеч олмошининг қўлланиши эса шоирнинг поэтик маҳорати натижасидир: *Қолдим деманг, кўрқоқ Чамбил, армонда, Бир ўзимга бўлдинг лашқаринг ҳечлар* (134).

Биринчи шахс *мен* ўрнида учинчи шахс у (*Гўрўгли*) қўлланган: *Ўрдага бошқаринг, меҳмон келибди, Гўрўглининг наъра шердай беклари* (8).

Достонда ўз олмоши *мен* ўрнида - *мен мен эмасман* маъносида жуда муваффақиятли қўлланган ва маҳорат намунасига айланган: *Ҳай аттанг-а, сендан шу иш лозимми, Тўзри сўзим шудир, кўпи-озимми, Айтганим қилмасанг сенга ўзимми, Сен ҳароми, Гўрўглини билмадинг* (202).

---

<sup>88</sup> Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Тошкент: Фан, 1979. –Б. 41.



*Феълнинг ўзак-негиздан орттирма даража шаклини ҳосил қиладиган – дир кўшимчаси билдирмоқ, елдилмоқ, кулдилмоқ, кўндилмоқ, миндилмоқ, олдирмоқ, тўлдилмоқ, ўлдилмоқ, қўйдилмоқ, қолдилмоқ сингари феъллар таркибида фаол қўлланган ва ушбу кўшимчанинг қўлланиш частотаси бошқа даража ҳосил қилувчи кўшимчалар ўртасида биринчи ўринни ишғол қилади. Бундан ташқари, у билан синонимик муносабатга киришиши мумкин бўлган -гиз, -гиз кўшимчалари ҳам ишлатилган: юргизмоқ, киргизмоқ, кийгизмоқ, тўйгизмоқ, тургизмоқ. Синонимик муносабат эса қуйидаги ҳолатларда кўзга ташланади: кўрсатмоқ – кўргизмоқ: Туркманга талон соламиз, Гўрўглибекнинг кўрмаганларини кўзига кўрсатамиз (6) Холдорхонга кўп лутфи эҳсонлар кўргизиб, жуда яхши сўзлар билан кўнгилни овлаб (336); тўйдилмоқ – тўйгизмоқ: ...меҳмонларнинг қорнини тўйдириб, бир ҳафта сийлади (9) - Бир одамни тўйгиза олмайсизлар (16); кийдилмоқ – кийгизмоқ: Ўзига қараган улапахўр амалдорларини йигдириб, барисига ола сарпо кийдириб (34) - Авазхонга менинг асбобларимни олиб келиб кийгизинглар (306); кирдилмоқ – киргизмоқ: Бек Сардор ололмай қайтди кўрғонга, Мирза Аскар қайтарди аркка кирдилмай (68) - Мирза Аскардан умид узди, Кўтариб уйга киргизди (73) каби.*

Ушбу таҳлиллар шундан далолат берадики, Х.Дониёров қайд этган “Адабий тилимиздаги феълнинг орттирма даражасини ясовчи –дир аффиксининг маъноси шарқий гуруҳ шеваларида асосан шу аффиксининг қисқарган формаси бўлган –т орқали ифодаланади”, деган фикри ва келтирган *бажарт-бажартир, қабарт-қабартир, баиқарт-боиқартир* каби мисоллари ҳамда унинг давомида “шевалардаги “-дир” аффиксининг қисқариб “-т” га айланган формаси халқ дostonларининг тилида ҳам тез-тез учраб туради”<sup>89</sup> тарзида айтган мулоҳазаси билан “Холдорхон”даги фактлар таҳлили мос келмайди. Феълнинг орттирма даража шаклини қўллашда адабий тилга интилиш кучли бўлганлиги кузатилади.

<sup>89</sup> Дониёров Х. Эски ўзбек тили ва қипчоқ диалектлари. – Тошкент: ТошДПИ нашри, 1976. – Б. 109-110.

Ҳозирги замон феъл шакллари ҳисобланадиган - *япти* достон матнида 4 марта қўлланган: *Туркманнинг йигитидан битта йигит — Шодмонбек кўпкари чопаяпти* (25); Давомлилик маъносини ифодалайдиган - *ётир* ниҳоятда фаол бўлиб, у 96 сўз таркибида 330 марта қўлланган: *Болалар олиб келаётир, Ҳасан Кўлбар шириб ураётир. Э, қўй-чи, Ҳасан бобонгиз қовузланмаётир* (14) сингари. Бу факт Х.Дониёровнинг –*ётир* адабий тилга кипчоқ шевалари орқали кириб келганлиги ҳақидаги фикрини тўла тасдиқлайди<sup>90</sup>.

Достон матнида *татири* (219), *ётири* (219), *келаётири* (39), *қилаётири* (154), *бўлаётири* (124), *олаётири* (370), *кулаётири* (193), *бораётири* (44), *ураётири* (400), *кетаётири* (379), *ўтаётири* (379), *отаётири* (56), *сотаётири* (379), *қочаётири* (217), *уришаётири* (220) феълларида -*ётир* кўрсаткичига *и* элементининг қўшилиши айнан шу достон услубига хос хусусиятдир. Ушбу сўз шаклининг Эргаш шоир услубига хослигини унинг ижодига тегишли бўлган “Якка Аҳмад” достонида учраши билан ҳам тасдиқлаш мумкин: *Кўрилган даралар турлими чотири, Ичинда оломон маст бўп ётири* (69).

Ўтган замон маъносининг келаси замон шаклида ифодаланиши эса достонлар услубига хос бўлган хусусиятдир: *Ҳай-ҳайлаб шовқумни солиб боради, Кимга етса бошин олиб боради, Ҳеч ким чидай олмас бундай қиришига, Патир-путир одам ўлиб боради* (248).

Феълнинг истак майли достонда асосан –*гин* кўрсаткичи ёрдамида ифода этилган. Бу қўшимча 52 марта қўлланган. Шу маънони берадиган -*қол* ва -*гил* элементлари фақат бир мартадан ишлатилган: *Гўрўгли хат муҳрини кўрди, ўқигил, деб муншига берди* (197). *Эшитмасин бек Гўрўгли, гапирма, Кўяқол урушни бормаси энди* (379).

Баъзи морфологик шаклларнинг оғзаки ва китобий вариантларининг баравар қўлланиши достон матнига китобий ифодаларнинг дадил кириб кела

---

<sup>90</sup> Дониёров Х. Эски ўзбек тили ва кипчоқ диалектлари. – Тошкент: ТошДПИ нашри, 1976. – Б. 109-111.

бошлаганлигидан далолат беради. Масалан, 45 та сўз таркибида феълнинг келаси замон шакли *-(а)сан* қўллангани ҳолда, 14 ҳолатда *-гайсан* ишлатилган: *сақлагайсан, қилмагайсан, ўйнагайсан, елгайсан, келгайсан, қилгайсан, бўлгайсан, кулгайсан, мингайсан, топгайсан, боргайсан, тургайсан, юргайсан, айтгайсан* каби. Бу эса қатъиятдан кўра истак оттенкасининг устунлигини таъминлашга ва нисбатан образлиликка хизмат қилган.

Феълнинг шарт майли шакли истак майли маъносини англатишга хизмат қилган: *Тўйни тўйлаб келсак деб, Элни қойил этсак деб, Бораётир тўртови Қрим элга етсак деб. Қрим юртин кўрсак деб, Тўйни тўйлаб юрсак деб, Бораётир тўртови Тез Қримга борсак деб* (13).

Аммо *-ган* ўрнида *-и(б)* нинг қўлланишидаги мана бу *Текис ерда салқинда Отларнинг бошин қўйибдай, Бари тулпор отининг, Ўзганини суйибдай. Бари қизил қизгалдоқ, Қизил-яшил кийибдай, Ҳар ким кўрса бекларни Қараган кўз тўйибдай* (343) каби ҳолатларнинг “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Ойсулув”, “Орзигул”, “Ширин билан Шакар”, “Якка Аҳмад” дostonларида учрамаслиги унга алоҳида факт сифатида қарашни тақозо қилади.

Пайт ва сабаб маъносини англатувчи *-гач, -кач, -зач, -қач* қўшимчалари дoston матнида қўлланмаган. ЎТМЛда уларга равишдош ясовчи *-иб* қўшимчаси синоним бўлиши мумкинлиги айтилган<sup>91</sup>. Тузилган терс луғатда ушбу қўшимча билан тугалланувчи 675 та сўзшакл қайд этилганлиги қўлланишдаги устунлик батамом *-иб* да эканлигини англатади.

Дoston тилида феъл туркумига оид сўзларнинг қўлланиш кўлами жуда кенг. Уларнинг фақат айримлари ҳақидагина мулоҳаза юрита олишимиз мумкин. Дoston матнидаги бу бирликларнинг умумхалқ тилидаги бошқа феъллардан фарқ қилиб турувчи жиҳати – кўпчилик сўзларда шева хусусиятларининг бўртиб туриши билан характерланади: *Арсилламоқ* –

---

<sup>91</sup> Фуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 407 б.

*ҳарсилламоқ; бирқирамоқ–биқирламоқ (қайнамоқ); бурқилламоқ–бурқирамоқ, далбангламоқ; дуркирамоқ; жайнамоқ–яшинамоқ; жалтангламоқ – у ёқ-бу ёққа ҳадиксираб қарамоқ; идираймоқ – ҳайрон бўлиб қарамоқ; иқмоқ, биқмоқ – бекинмоқ; иркилмоқ; катилмоқ – нарсанинг бир чети синиши; кун(и)ламоқ – ўғай билмоқ; палангламоқ – лапангламоқ; тенгсалмоқ – чекинмоқ; тингилмоқ – тикилиб қарамоқ; тунамоқ – зиёрат қилмоқ; тўбаламоқ – урмоқ; тўмпанглашмоқ; қотилмоқ – қоришмоқ, беланмоқ каби.*

Иккинчи бир қисмида эса феълларнинг танланишида поэтик ифодага мойилликнинг таъсири сезилиб туради. Масалан: *айламоқ* феълени олайлик. *Қилмоқ* ва *этмоқ* феълига нисбатан бирмунча китобий, образли саналадиган, услубий жиҳатдан чегараланган *айламоқ* феълининг<sup>92</sup> Эргаш Жуманбулбул томонидан айтилган “Холдорхон” достонида 68 марта, “Равшанхон” достонида 27 марта ва Фозил Йўлдош ўғли томонидан куйланган “Алпомиш”да 23, “Рустамхонда” 6 марта қўлланганлиги<sup>93</sup> ушбу сўзга нисбатан бўлган ҳар бир дoston айтувчининг ўзига хос муносабатини белгилай олади ҳамда унга Эргаш шоирнинг кўпроқ мурожаат қилганлигини кўрсатади. У ҳам *қилмоқ*, *этмоқ* сингари бирикмали феъл таркибида қўлланган: *Бек Гўрўгли бу ҳам фармон айлади, Лашкари от чопиб жавлон айлади* (120).

Агар дoston матнида *жилва билан ўйноқлаб, чопиб юрадиган маъносини берадиган*<sup>94</sup> *жавлон* сўзи 10 марта қўлланган бўлса, кўпчилик ҳолатда *жавлон қилмоқ* (132), *жавлон бермоқ* (234): *Файрати гирибонгир бўлиб, жойидан туриб, отига жавлон бериб... бир сўз деди* (234) тарзида қўлланган. Юқорида келтирилган бир ўриндагина *жавлон айламоқ* шаклида қўлланган.

Бошқа дostonлар матнида айнан шу шакл учрамайди. Аммо “Алпомиш”да *жавлон этмоқ*: *Рухсат олмай шикор кетган, Дин йўлида*

<sup>92</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 254 б.

<sup>93</sup> O‘rinboyeva D., Umurzoqov U. O‘zbek xalq dostonlari tilining alfavit-chastotali lug‘ati. – Toshkent, 2006. – Б.22.

<sup>94</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 268.

*жавлон этган* (187), “Кунтуғмиш”да *жавлон ўйнашмоқ: Гоҳ қиличлар силташиб, тир ила жавлон ўйнашиб, Дод дастингдан, фалак бедод дастингдан, фалак!* (67) тарзида учрайди. Фақат “Орзигул”да бир мартагина қўлланган: *Мен сизларга қилай онимни қурбон. Тўтидай айладим беқарор жавлон* (279) каби.

*Талаб айламоқ, фармон айламоқ* каби бирикмалар таркибидаги *айламоқ* ҳам шеърӣ парчалар таркибида поэтик ифода учун хизмат қилганлиги кўринади: *Энди Кўлбар икки қўлни кўтариб, Полвона қўшинга талаб айлади* (168); *Бек Гўрўгли бу ҳам фармон айлади, Лашкари от чопиб жавлон айлади* (120). Аммо матнда *талаб қилмоқ* нинг 24 марта, *фармон қилмоқ* нинг 7 марта қўлланганлиги, барибир *қилмоқ* феълнинг қўлланиш частотаси баландилигини, *айламоққа* нисбатан оммавийлиги ва услубий нейтрал эканлигини кўрсатади: *Бу полвонлар кўп катта полвонлар эди, Гўрўглибекнинг кайфи учиб, боринглар, деб фармон қилди* (107). *Талаб этмоқ, фармон бермоқ, фармон этмоқ* шакллари эса учрамайди.

Достонда *айнимоқ* феълнинг *айнийдиган, айнишга мойил, айнийверадиган* маъноларини ифодалайдиган *айнимали* шакли қўлланган: *Мунча қўшинни бузиб, йўлдан чиқарибсан, айнимали* (241) каби.

Адабий тилдаги *пойламоқ* сўзига синоним бўладиган *анггимоқ* қўлланган: *Мен эгарлаб миниб юрай эшак қип, Қочмасин ҳароми анггиб юринглар* (209).

Достон айтиш жараёнида айрим сўзларга Эргаш шоир масъулият билан муносабатда бўлганлиги, уларга қўшимча маънолар юклашга ҳаракат қилганлиги, янги маъно ва шаклларда қўллаганлиги кўриниб туради. *Фармонламоқ, юракланмоқ* каби феъллар шулар жумласидан саналади: *Бу майдонга иш кўрган, жаррор, жаллод бўлсанг бор, шу йигитга босим келсанг бор, —деб фармонлади* (99), *Авазхон ўғлон шердай бўлиб, йўлбарсдай чирпиниб, қопландай юракланиб, арслондай ҳайқириб, кўзлари ёниб, ўтдай тутаниб айтди* (145) каби.

*Тақлидий сўзлар* Эргаш шоир маҳорати ва услубини белгилашда алоҳида мавқега эга бўлганлиги учун уларга ҳам қисқача тўхталамиз. Тилшуносликда тақлидий ёки тасвирий сўзлар номи билан аталиб келинаётган ушбу туркумдаги сўзларни профессор Р.Қўнғуров монографик йўналишда ўрганган ва уларни иккига – товушга тақлид ва образли сўзларга тақлид ажратган. Олимнинг қайд этишича, “семантик томондан товушга тақлидга сўзлар кишилар, қушлар ва ҳайвонлар, бошқа турли жониворлар ҳамда жонсиз предметларнинг чиқарган товушларига тақлид қилиш натижасида майдонга келади. Образли сўзлар эса кўриш натижасида майдонга келиб, кишилар ва бошқа жонли-жонсиз нарсаларнинг ҳолати, харакати ва ташқи кўринишининг тасаввур образларини билдиради”<sup>95</sup>.

Достон матнида тахминимизча, 200 дан ортиқ тақлидий сўз ва улардан ясалган элементлар ишлатилган, бу эса жами сўзларнинг 4 фоизини ташкил этади. Ушбу сўзларнинг достондаги мавқеини аниқлаш мақсадида ЎТИЛ билан солиштириб чиқилгандан кейин уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин бўлди:

- адабий тилда мавжуд бўлган тақлидий сўзлар;
- диалектал хусусиятга эга ёки муаллифнинг ижодий маҳсули бўлган тақлидий сўзлар.

Адабий тилда мавжуд бўлган тақлидий сўзлар: *унур-гунур, диркка-диркка, таппа-тап, тапур-тупур, таққа-таққа, тарс-турс, тасир-тусир, типир-типир, шақир-шуқур, шов-шув, ярқ-юрқ, гуж-гуж* каби. Уларнинг баъзилари *натир-натир /натир-нутур, тақир-туқир /тақир-туқур, қатир-қутир/ қатир-қутур* тарзида фонетик ўзгаришлар билан ишлатилган.

Шубҳасиз, бизни бу ўринда санаб ўтилган бирликлар эмас, балки достон матнига, Эргаш шоир услубига, шу билан бирга, диалектал хусусиятларга эга бўлган бирликлар қизиқтиради. Ушбу ўлчовга тўғри келадиган тақлидий сўзлар кўпчиликни ташкил этмайди.

---

<sup>95</sup> Қўнғуров Р. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 30.

Диалектал хусусиятга эга ёки муаллифнинг ижодий маҳсули бўлган тақлидий сўзлар:

*алжу-балжу*. Редупликацияга учраган *алжу* нинг иккинчи қисмида бир товуш орттирилиши билан маъно кучайтирилган ва унинг негизида *алжимоқ, алжирамоқ* феъли маъноларига тўғри келадиган, яъни *бўлар-бўлмас гапни айтмоқ* маъноси ҳосил бўлган: *Энди сизларнинг алжу-балжу, деб сандираганларинг-сандираган* (294).

*алтақ-жалтақ*. Бу ерда ҳам редупликация ҳодисаси мавжуд ва *ж* товуши орттирилган: *Икки кўзин бол Аваз, Алтақ-жалтақ этганди* (316). Унга синоним бўлиши мумкин бўлган *алангламоқ, аланг-жаланг* вариантлари эса дostonда ишлатилмаган. Аммо мазмунан бир-бирига тўғри келадиган бу сўзларнинг қўлланиш имкониятлари бир хил эмас. Уларнинг ўрни алмашиши билан ҳаракат субъекти ҳам ўзгаради: *Икки кўзин бол Аваз, Алтақ-жалтақ этганди - Икки кўзин бол Аваз, Аланг-жаланг этганди*. Биринчи гапга *ким* ва *кимнинг* саволларини бериш мумкин, аммо иккинчи гапга фақат *ким* сўроғи берилади. Шунга кўра биринчисида ҳаракат субъекти Қайсар, иккинчисида Аваз бўлади. Баёнда эса *кўзни алтақ-жалтақ этиши* Қайсарга тегишли. Матнда *алтақ-жалтақнинг алтоқ-жалтоқ, алтоғ-ялтоғ* сингари фонетик вариантлари ҳам учрайди. *Алтоғ-ялтоғ* ёзиб олувчи ёки ноширлар томонидан тузатилган кўриниши бўлиши керак.

*алтанг-талтанг*. Сўзнинг маъноси адабий тилдаги *довдиратмоқ* қа тўғри келади: *Дарқаҳр бўлса, Гўрўглини алтанг-талтанг чиқариб юборса керак* (409).

*варқ-варқ*. Сўз сувнинг ҳаракати, аниқроғи қайнаши билан боғлиқ маънони англатади. Қуйидаги мисолда феъл таркибида келиб инсонга нисбатан қўлланган ва образли ифодани вужудга келтирган: *Варқ-варқ этиб, жавзонинг ёмон ёғмас кунига ўхшаган бемаъни баччагар, уйинг куйгур, садқаи менинг ноним бўл, тўйганини билмаган!* (118). Шу каби маъно кўчишини *вақир-шақир* (210), *варақ-шарақ* (264) каби тақлидий сўзларда ҳам

кўрамиз.

Маълумки, ўзбек тилида тақлидий сўзлардан тақлидий сўз ҳамда от, сифат, феъл, равиш сингари сўз туркумлари ясалади. Улар “Холдорхон” мисолида ҳам мустақил тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Биз бу ўринда Эргаш шоирнинг поэтик маҳоратини бирмунча кенгроқ кўрсата олган феъл ясалмаларга эътиборимизни қаратамиз. Р.Қўнғуров ўзбек тилида тасвирий сўзлардан феъллар морфологик (аффиксация) ва синтактик (композиция) усуллар билан ясалишини қайд этган<sup>96</sup>. Биз кузатишларимизни бу йўналишда чуқурлаштиришдан кўра, тақлидий сўзлардан ясалган феълларни диалектал ва услуб жиҳатдан ўрганишга уриниб кўрамиз ва ушбу феълларни икки гуруҳга ажратиб таҳлил қиламиз:

- адабий тилда мавжуд бўлган феъллар;
- диалектал хусусиятга эга бўлган феъллар.

Адабий тилда мавжуд бўлган феъллар. Уларнинг бир қисми адабий тилдаги каби қўлланган: *анқаймоқ, арилламоқ, валдирамоқ, вақирламоқ, варилламоқ, варқилламоқ, варқирамоқ, войвайламоқ, галдирамоқ, гулдирамоқ, гувламоқ, дирилламоқ, диркилламоқ, жилдирамоқ, зирилламоқ, зирқирамоқ, изилламоқ, ирғамоқ, ирғалмоқ, ирғитмоқ, иржаймоқ, ирилламоқ, ишқирмоқ, йилтирамоқ, киш-кишламоқ, кишинатмоқ, парилламоқ, пирилламоқ, пирқилламоқ, пирқирамоқ, пишилламоқ, саллонмоқ, сўлқилламоқ, тапилламоқ, тарсилламоқ, типирламоқ, тирқирамоқ, хирилламоқ, чарқилламоқ, чарсилламоқ, чирқилламоқ, чирқирамоқ, шалдирамоқ, шарилламоқ, шарқилламоқ, шарқирамоқ, ширилламоқ, ярқилламоқ, ярқирамоқ, қалтирамоқ қарсилламоқ, галдир-шалдир, гилдирамоқ, гирқирамоқ, гувламоқ, гулдирамоқ* сингари.

Иккинчи бир қисми эса баъзи фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда қўлланган: *вагилламоқ/ вагирламоқ/ вагирлашмоқ/ вогирламоқ/ вогирлов, вагир-вугир/ вагир-вугур/ вогир-вугир/ вогир-вугур, вагир-шагир, вагур-бугур,*

---

<sup>96</sup> Қўнғуров Р. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 123.



гувилламоқ (ад.гувулламоқ), гумбирламоқ/гумбурламоқ/ гумбурлатмоқ, гупилламоқ/ гуппилламоқ, гурилламоқ (ад.гурулламоқ), гуркирамоқ (ад.гуркурамоқ), гурсилламоқ/ гурсиллатмоқ/ гурсуллатмоқ/ гурсиллашмоқ, жанггир-жунггур/ жангир-жунггур-гинггур, зарилламоқ (ад.зорилламоқ), иққилламоқ (ад. инқилламоқ), иркилмоқ (ад. иркилламоқ, иркиллов, иркиллаш), ишмоқ/ ишинмоқ/ иширмоқ (ад.ишишмоқ), парпарламоқ/ пар-парламоқ/ парпарлатмоқ/ пар-парлатмоқ, чирилламоқ/ чирламоқ, шовиллашмоқ (ад. шовулламоқ), қанқилламоқ/ қанггилламоқ/ қанқиллатмоқ/ қангқиллатмоқ, гизламоқ (ад.гизилламоқ), голдирамоқ (ад.галдирамоқ), гурилламоқ /гурулламоқ/ гуруллашмоқ каби.

Юқорида таъкидланган сабабга кўра уларга тўхталиб ўтирмаймиз.

- Диалектал хусусиятга эга бўлган феълларнинг баъзилари адабий тилда ўз вариантларига эга. Масалан:

*андираймоқ-анқаймоқ: Унда Бўжман қозоқ андирайиб: — Ҳали сен нимани қилдинг, кимни қўрқитдинг, бемаза, гуппи баччагар, — деб гурзи билан ошириб солди (106).*

*ақирмоқ – ўқирмоқ: нордай гулдираб, булутдай гулдираб, осмондай гуркираб, арслондай ақириб, айиқдай ҳайқириб, шердай инганиб, подадай бўкириб, йўлбарсдай жимийиб, аждарҳолдай қўзголиб, тоғдай ҳайбат солиб, қўшиннинг олдини олиб, жуда удрайиб-удрайиб қараб турди (246).*

*балдирамоқ/ болдирамоқ/ болдираймоқ - валдирамоқ. Сўзнинг маъносини англаш биров қийин кечади: Подшо қилса бошқа дурустроқ одам йўқмикан, наинки бир вадирлаган, шалдираган, балдираган тентакни подшо қилса! (294). Достоннинг 378-бетидаги мана бу Отини тепиниб, этак ялтираб, Неча бир тентаклар юрур валдираб парчасидаги валдираб сўзига қўлзмада болдираб тарзида изоҳ берилган. Агар шундай бўлса, валдирамоқ – с.т. Бўлар-бўлмас гапларни гапиравермоқ, алжирамоқ<sup>97</sup> маъносини англагани учун, болдирамоқ ни ҳам шундай тушуниш мумкин бўлади. Аммо уни шундай*

<sup>97</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 171.

тушунишга *Шунда Авазхон полвон Ҳасан Кўлбарга қараб: — Дам ўтир, болдирайма* (306) гапида сўз таркибидаги *й* халақит беради. Сўз дostonнинг бирон ўрнида шу тарзда қўлланмаганлигини ҳисобга олиб, уни нашр хатоси деб ҳисоблаш мумкин. Баъзи ўринларда бахши унга оҳангдош бўлган сўзлардан маҳорат билан фойдаланган: *Кўшиқ айтиб болдираб, Тегирмондай золдираб, Довуши баланд солдираб, Воғирловман жўнади* (412) каби.

*галжирамоқ – алжирамоқ: Ана энди Ҳасан Чопсон энтикиб, ҳолиқлаб, бақириб-чақириб, оззига келганини айтиб галжираб, ҳе-ҳе деб энтикиб* (246).

*далбангламоқ – ялтоқланмоқ: Шунда парига далбанглаб: —Ў, Мисқолжон болам, опанг омонми, тани-жони соғми, ошқуяри омонми, юраги бутунми, вақти хушими, тани соғми, — деб жавраб қолди* (239).

*жалтангламоқ – алангламоқ: Жалтанглаб не уллар юрар, Чопганда майдон ичинда* (277).

*идираймоқ – саросимада қарамоқ: Икки ёқнинг одами ҳам жуда идирайиб қўрқиб қолди* (141).

*шабирламоқ – товуш чиқармоқ: Ана энди икки уруг қизийди, У ёғи ётишиб ётир шабирлаб* (378). *Шобир* сўзининг маъноси *товуш, шарпа*<sup>98</sup>. Матндаги *жобирлаб* адабий тилдаги *жаврамоқ* қа маънодош, шевада унинг одамга нисбатан қўлланиладиган салбий оттенкадаги *чавилламоқ* варианты ҳам бор: *Мынча чэвиллэйсэн, очір эвэзіңді* каби.

*шанқаймоқ - шанграймоқ: Унда биз нодонлигимиздан, ўзимизнинг нима эканлигимизни билмай бекорга шанқайиб юрар эканмиз* (193). *Гердаймоқ, мағрурланмоқ* маъноларини беради<sup>99</sup>.

*галжирамоқ – қалтирамоқ: Қўрқиб қопти Аҳмад Сардор Ҳасандан Галжирайди, жони чиқиб боради* (249) каби.

Дostonда келтирилган феълларнинг айримлари адабий тилда ўз вариантига эга эмас. Масалан:

<sup>98</sup> Алпомиш. Ўзбек халқ қахрамонлик дostonи // Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб олувчи: Маҳмуд Зарифов.– Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 398.

<sup>99</sup> Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шевалари ва уларни ўрганиш ҳақида маълумот // Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 311.

*алжаймоқ: Шундай эр майдонда турар Алжайиб майдон ичинда (275).*

*арсилламоқ/ арсиллашмоқ:* Айрим тақлидий сўзларнинг адабий тилда бўлмаган, маълум бир шаклларда пайдо бўлишига баъзан поэтик талаб сабабчи бўлади. Масалан, *арсилламоқ* сўзини бирон манбада учратиш қийин. Р.Қўнғуров, А.Тихоновларнинг «Ўзбек тилининг чаппа луғати» га мурожаат қилганимизда мазкур элементга оҳангдош бўлган *карсилламоқ, тарсилламоқ, чарсилламоқ, қарсилламоқ, зарсилламоқ, ҳарсилламоқ,* сўзлари қаторида<sup>100</sup> бу сўз келтирилмаган. Бошқа луғатларда ҳам учрамайди. Бу эса сўз ҳақида ё диалектал, ё шоирнинг ўзи ижод қилган бирлик, деган хулосага олиб келади: *Танҳо ўзи ўртада Кўк гунондай арсиллаб (185).* Баёндаги *чарсиллаб-арсиллаб* тарзида қофияланиш зарурияти ана шундай сабаблардан бири бўлиши мумкин.

Мана шу ўринда таҳлил кўламини бироз кенгайтиришга тўғри келади. Яна мисолларга мурожаат қиламиз: *Муштман урса ҳар кимни Майда қилар тирқираб. Ҳасан юрур гурқираб, Саф-басафга фирқираб, Кимни ушласа эр Кўлбар, Вой-войлайди чирқираб. Полвон Ҳасан имтилса, Олди қочар зирқираб. Бир ниқтаса эр Кўлбар, Мияси қолар бирқираб. Кўп қўшиннинг ичинда Ёлғиз ўзи ярқираб. Бир Ҳасаннинг ваҳмидан Холдорхон қопти қалтираб (186).* Парчадаги *тирқирамоқ, чирқирамоқ, зирқирамоқ, ярқирамоқ, қалтирамоқ* сўзларининг мисра охирига қўшилиши дoston айтиш услубига мос бўлган  $4+3=7$  тартибидаги ҳижо ва туроқларнинг қатъий уйғунлиги ўзига хос оҳангни келтириб чиқаради, ораликқа оҳангни бузиб қўйиши мумкин бўлган бошқа элементнинг кириб қолишига йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам оҳангдошликни тўлиқ таъминлай олган *фирқирамоқ* сўзининг маъносини англаб етиш мушкул бўлади. Мисралардан унинг маъносини *у қатордан бу қаторга ўтмоқ, ҳамла қилмоқ, у қатордан ўтиб бу қаторга ташланмоқ* тарзида тушуниш мумкин. *Бирқирамоқ* ҳам *билқилламоқ* маъносида тушунилади.

---

<sup>100</sup> Қўнғуров Р., Тихонов А. Ўзбек тилининг чаппа луғати. – Самарқанд, 1968. – 195 б.

Юқоридаги фикрлар *солдирамоқ* шаклига ҳам тўла тегишлидир: *Кўшиқ айтиб болдираб, тегирмондай голдираб, довуши баланд солдираб, воғирловман жўнади* (412). Мисрадаги *болдираб, голдираб* сўзлари матнда *огзига келганини билиб-билмай гапиравермоқ* маъносини бераётган *солдирамоқ* элементини тақозо қилган. Р.Кўнғуров ва А.Тихоновларнинг юқоридаги луғатида *валдирамоқ, галдирамоқ, қалдирамоқ, қолдирамоқ* сингари қаторда *солдирамоқ; чирқирамоқ, зирқирамоқ, тирқирамоқ, ярқирамоқ* тизимида *фирқирамоқ* сўзлари йўқ.

Дарҳақиқат, дoston матнида тақлидий сўзлар ва, айниқса, улардан ясалган феъллар сезиларли ўрин эгаллайди. Уларнинг маълум қисми умумхалқ ёки адабий тилда мавжуд бирликлар бўлса, иккинчи қисми Эргаш шоир маҳоратининг маҳсулидир. Дostonни куйлаш жараёнида қаҳрамонлар фаолиятини бўрттириб кўрсатиш, воқеликнинг жонли тасвири, қофия тизими, жанрий баён услубига хос бўлган оҳангдошлик баъзан ифодада изчилликни кетма-кетликни тақозо этади. Бинобарин, бунда бир сўз ёки жумла иккинчисини эргаштириб келаверади. Тақлидий сўзлардан ясалган феълларнинг кўпчилиги ана шундай талаблар натижаси ўлароқ юзага келгандир. Эргаш шоир ушбу гуруҳдаги сўзларни қўллаш билан ўзбек тили сўз ясаиш кўламининг кенгайишига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган.

*Ёрдамчи сўзлар* орасида кўмакчи, улар орасида эса *билан* кўмакчиси хақида сўз юритиш лозим бўлади. Чунки у матнда 500 дан ортиқ ўринларда қўлланган. Шундай бўлса-да, бу қўлланишни “Холдорхон”га хос хусусият дейиш тўғри эмас. Айни пайтда унинг *ман* варианты ҳам фаол ишлатилганлигини қайд этамиз. Масалан, унинг 83 та сўз таркибида 1 тадан тортиб 17 мартагача, жами 144 марта қўлланилган: *Авазман, аёлман, ажсалман, азизларман, барзангиман, баччагарман, бекларман, бетингман, бизман, бир-бириман, бир-бирисиман, бириман, болаларман, борувман, бундайман, бунингман, воғирловман, Гўрўглиман* каби. Улар орасида 4 тадан 17 тагача бўлган сўзларни *ман* иштирок этган фаол сўзлар сифатида қайд

этиш мумкин: *жони-дилман* (4), *қўшинман* (4), *менман* (17), *Холдорхонман* (6) сингари. Бу каби қўлланиш ҳам же-ловчи шеваларнинг хусусияти саналади.

Турли сўз туркумларига дахлдор бўлган баъзи *қўшимчалар*нинг қўлланишида ҳам алоҳидаликлар кўзга ташлангани учун, уларга кўз югуртирамиз:

[-ала/-ов]. Сонларнинг жамловчи шаклини ясовчи –ала дostonда қўлланмаган. Худди шу маънони берадиган –ов эса оғзаки нутқда фаол ҳисобланади ва бу ҳолат дoston айтишга ҳам таъсирини ўтказган: *иков/икков* (400,91), *учов* (86): *Икковинг нодонсан, зофил бўлманглар, Тоза гулсиз, офтоб тегиб сўлманглар* (35) каби.

[-ар>-гич/-кич]. -гич/-кич феъл негизларидан кучайтирув оттенкали сифат яшаш хусусиятига эга бўлганда<sup>101</sup> феъллардан сифатдош шаклини ясовчи -р/-ар қўшимчаси<sup>102</sup> ўрнида қўланади: *Эшиткич эдик, кўрганзимиз йўқ эди, Ўр ёғимиз берганимиз йўқ эди* (21). Шунингдек, сифатдош ясовчи –гувчи билан ҳам синонимик муносабатда бўлади: *Мен ҳали Гўрўглидан кўрқар киши ҳам эмасман, унга хушомад қилгичлардан ҳам эмасман* (408).

[-ар>-и]. Дostonда 6 марта қўлланган *юри* сўзи таркибида феъллардан сифатдош шаклини ясовчи -р/-ар қўшимчаси ўрнида -и қўлланган: *Улар келганча, менга ўхшаган чет ёқада юрганлар иш қилиб юри* (165).

[-га>-а]: *Қулоқ сол, отажон, бу нолишима, Раҳм айлагин кўздан оққан ёшима* (33). “Баъзи бировлар, – деб ёзади. – Х.Дониёров. – жўналиш келишиги кўрсаткичининг “а” формаси ўғуз шеваларида ҳам бор-ку, деб эътироз билдиришлари ҳам мумкин, лекин ўғуз шеваларидаги –а формаси фонетик қонуниятларнинг орқасида юзага келган бўлиб, у ҳамма ундош товуш билан бирга сўзларга қўшилади (Масалан, *бозора, мактаба* каби). Навоийдаги ва, умуман, эски ўзбек адабий тилидаги -а формаси қипчок шеваларидагидек, асосан I ва II шахс бирлик олмошларидан кейин ва эгалик

<sup>101</sup> Гуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 408 б.

<sup>102</sup> Гуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 336 б.

хамда шахс кўшимчаси *-имдан кейин қўйилади*<sup>103</sup>. [-гача>довур]: *Шуйтиб кечга давр бўлди кўпқари, Улоққа йўламай қизилбош бари* (22).

[-да>-дағи]: *Бир имтилиб катикдан ошдидағи, бу ёққа тушди* (96).

[-да>-ча]: *Йўл тортади Гўрўгли, Ҳар кўчганча тўп отир* (79).

[-дай>-ча]: *Қирғий деган қушлар бўлар қияда, Ўлимча ёмон иш борми дунёда* (304).

[-диган>-гич]: *Ҳали мен сендан қўрқсам, сенга мен хушомад қилгич эмас-ку!* (200). *Сен кучук қачон бундай хат битиб юборгич бўлдинг* (65).

[-(й)диган>-мас(и)]: *Бўлди энди аямаси, Бир-бирини суямаси, Шундай тараф бўлди (бизлар), Ўлса ҳам вой-войламаси* (216).

[-каз>-кар]: *Сафарини битқариб, Зўрлигини ўтқариб, Қайтиб кетиб боради, Донггин элга кетқариб* (346).

[-лик>-(й)ик]:—*Тоға, иложи бўлса бир қирайик, — деди* (96).

[-ловчи>-лари]: *Сиз Ғиркўкни беринг, Ғиркўкнинг тилини Соқибулбул билади, ҳам от ушлари, ҳам сайиси, — Соқибулбул бора қолсин* (9).

[-ми>-ма]:*Сендан бошқа дуруст одам топмабма, Одам излаб ўйга, қирга чопмабма* (296).

[-ни>-ди]: *Етим, гариб кўнглин олмоқ савобди(р), Бўл сўзима, мардлар, беринг жавобди. Таътилга он кенглар ўн қўй кабобди* (92).

[-ни>-ин/-н]: *Кўринг Чамбил тўрасин, Минган отнинг сарасин* (13).

Тушум келишигининг поэтик кўриниши сифатида қараладиган *-н* шаклининг кўлланиш частотаси катта эмас, *-ни* га нисбатан атиги 3% ни ташкил этади, холос (ни=1388; -ин=40). Аммо 40 га яқин сўзшаклининг юзлаб ўринларда кўлланилиши, унинг дostonлар матнида фаоллигини тасдиқлайди. У поэтик вазифадан кўра ўзининг асосий – грамматик вазифасини бажаришга хизмат қилган.

<sup>103</sup> Дониёров Х. Эски ўзбек тили ва кипчоқ диалектлари. – Тошкент: ТошДПИ нашри, 1976. – Б. 69.

[-нинг>-н/ни]: *Ул ҳам қўшин, бул ҳам қўшин, Адади йўқ келган кишин (272). Барингни кабобга тортар гўшингни, Тўйга айтганлар, оишхўримни тўйдилинг (17).*

[-тача>-ча]: *Юзча полвонини ўлдирдим (112).*

“Холдорхон” матнида айрим келишиклар, масалан, қаратқич, тушум, жўналиш келишиklarининг белгисиз қўлланиши учрайди ва бу ҳолат ўзбек тили сўзлашув жараёнидаги типик хусусиятдир. Аммо чиқиш келишигининг белгисиз ҳолатда қўлланиши *же-ловчи* шевада ғоятда фаол бўлиб, бу хусусият дostonда тўлалигича ўз ифодасини топган: *бўлган сўнг (171), кун сўнг (194), бўлган сўнг (219), келган сўнг (165), кетган сўнг (12)* каби.

Эргаш шоир айрим ясовчи қўшимчаларга ижодий ёндашганлиги кўзга ташланади. Масалан, *-дор, -дон* қўшимчалардан фойдаланишини олайлик.

*-дор* қўшимчаси билан ясалган сўзлар дoston матнида 30 тани ташкил этиб, улар 104 марта қўлланган. Уларнинг ярмидан кўпи, масалан, *амалдор, бардор-бардор, бедор, вафодор, гумондон-гумондор, гўштдор, миннатдор, номдор, оҳангдор, пойдор, пулдор, тождор, фармонбардор, хабардор, харидор, холдор, элдор, ярадор* сингари элементлар тилда аввалдан мавжуд бўлган ва шу ҳолда дoston матнига ҳам кириб келган лексемалар саналади. Улардан *жизадор, найзадор, жиловдор, ёлдор* кабилар халқ оғзаки ижоди намуналари матнида фаол қўлланилади.

Ушбу қўшимчанинг тожикча қўшимча бўлишига карамасдан, Эргаш шоир уни сўз ясалиш жараёнига дадил олиб киради ва янги сўзлар ясайди. Масалан: *асбобдор (258), мотамдор (389), инъомдор (422), майдондор (118), зулфдор (75), анжомдор (416), машхурдор (413): ...ҳар хил бошқа-бошқа асбоб, бир-бировига ўхшамайдиган буюмларнинг баридан қирғизлар олиб, жуда асбобдор бўлиб қолди (258).*

Янги ясалган сўзлар орасидаги айрим бирликлар, масалан, *инъомдор, машхурдор, мотамдор* элементлари бошқа дostonларда кўзга ташланмади. *Кўҳи Қофга машхурдор, Ҳасан Кўлбар жўнади (413)* бандидаги *машхурдор*

ясалишини ҳеч бир ерда учратган эмасмиз. Ушбу банддан олдинги бандда *Париларга хизматкор, Жами девларга Сардор* жумлалари мавжуд бўлиб, унда биринчи мисранинг охирги элементи *хизматкор* бўлган, бу сўз ўзига кофиядош сўзни талаб қилган. Ана шу бирлик *маишхурдор* бўлган. Сўзни *маишхурликка эга бўлиш* маъносида тушуниш мумкин бўлса-да, сўзнинг ясалишини муваффақиятли чиққан деб бўлмайди. Ушбу фикрни *мотамдор* сўзи ҳақида ҳам айтиш керак: ...*лаишкарнинг ўлганини эшитиб, бари мотамдор бўлиб, дод-фарёд этиб, бирови ўтиб деб, бирови мўтиб деб, бирови отам деб, бирови акам деб, бирови ўғлим деб мотамдор бўлмаган ҳеч бир ҳовли қолмади* (389). Ўзбек тилида *азадор* сўзи мавжуд. Ушбу модел сўзнинг ясалишига асос бўлган, аммо бу ясалиш ҳам муваффақиятли бўлмаган. Лекин *сахий* маъносини берадиган *инъомдор* сўзи ўринли қўлланган: *Гўрўғлибек инъомдор бек эди* (422).

*Майдондор* элементининг қўлланишини ҳам муваффақиятли ясалиш сифатида баҳолаймиз ва Эргаш шоирнинг маҳорати сифатида эътироф этамиз. Фикримизнинг исботи учун *майдон* лексемаси ва унинг негизида ҳосил бўлган сўзларни таҳлил қиламиз.

Ушбу сўз “Алпомиш”да сўз 95 марта қўлланган ва жанг қиладиган, урушадиган жой маъносини ифодалаган. Фақат 4 марта *майдон қилмоқ*, 7 марта *майдон бўлмоқ* шаклида ишлатилган: *Келгин, бўл, бирга майдон қилайин, Насиб этса, сенинг додинг берайин. Бир аросат бунда майдон бўлади, Турган барча томошани кўради* (162). “Кунтуғмиш”да 41 марта қўлланган. *Майдон бошламоқ, майдон бўлмоқ, майдон ўйнамоқ* бирикмалари таркибида маънолари кенгайган: *Неча шаҳзодлар билан ҳар ерда майдон ўйнашиб, Гоҳларда от чопиб, гоҳларда чавгон ўйнашиб. Энди кўринг боллар майдон бошлади, Тараф келди деди, вақтин хушлади* (103). Шу ҳолатни “Якка Аҳмад” (51 марта) ва “Орзигул”да (31 марта) ҳам кузатамиз. Биринчи дostonда *майдон* сўзини жуфтлашган ҳолда қўллаб, маъно кучайтирилган, тожикча *бе-* қўшимчаси иштирокида янги сўз ясалган: *Майдон-майдон отин*



*елган эканди, Душман излаб жонин бўлган эканди (23). Мардни ҳам зафлатда армон билан бемайдон банди қилар экан-да (30).* Иккинчисида унга *аро* сўзи қўшилиб китобий ифода юзага келган: *Майдонаро кўриб келдим ёлғизин, Суюнчига келиб ўлсам бўлами? (308).* “Ойсулув”да 3 марта, “Ширин билан Шакар”да 48 марта қўлланган.

Англашиладики, Фозил Йўлдош, Ислом шоир каби халқ бахшилари ҳам дoston айтиш жараёнида *майдон* сўздан фойдаланишган, аммо уларнинг ҳеч бири ушбу сўзни қўллашда Эргаш шоирчалик муваффақиятга эришган эмас. “Холдорхон”да сўз қуйидаги шаклларда учрайди: *майдон, майдон қилмоқ, майдонлашмоқ, майдонгоҳ, майдондорлик, майдон, майдон-майдон* каби.

*Майдон* сўзининг ЎТИЛда 5 та маъноси изоҳланган<sup>104</sup>. Шуларнинг учинчиси – бирор иш-ҳаракат учун мўлжалланган ёки шундай иш-ҳаракат юз берадиган жой маъноси билан “Холдорхон” матнида иштирок этади: *Сардордан кўп одам ўлди, Кўп ўлик майдонда қолди (59).* Дoston матнида ушбу сўз қўлланишига хос хусусият унинг *уруш* сўзи билан маънодошлик касб этганлигидир. Унинг *майдон қилмоқ, майдонлашмоқ* шаклларида қўлланилиши ҳам ана шу маънодошлик билан боғлиқ бўлиб, *урушмоқ, уруш қилмоқ* маъноларини ифодалайди: *Бор, кета бер, ёш бола, Сенман майдон қилмайман (309)* каби.

*Майдон қилмоқ* нинг бир қадар китобий *майдон этмоқ* варианты ҳам қўлланган: *Валламатим, мен майдонга кетаман, Бориб барзангиман майдон этаман (137).*

Дostonлар тилида *майдон* элементини *уруш* маъносида тушуниш шу даражада сингганки, *жанг, уруш қиладиган жой* маъносини англашиш учун унга *гоҳ* қўшимчасини қўшиб ишлатилган: *Икки лашкар ҳаммаси жойидан туриб майдонгоҳга келиб, саф тортиб, бир-бирига бетма-бет бўлиб турди (132).*

---

<sup>104</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 442 б.

*Майдон* ва *уруш* сўзлари ўртасидаги маънодошлик *майдон* сўзининг бошқа, масалан, *гал*, *навбат* маъноларини келтириб чиқаради: *Бу кун Гўрўглибекнинг майдони* (301). *Ёшсан, Аваз, майдонингни менга бер, Отага қараган яхши ул бўлар* (304). Сўзнинг ушбу маъноси матний характерга эга; пайт маъноси эса сўзлашув нутқида ҳозир ҳам маҳсулдор ҳисобланади: *Бир майдон томоша қилиб туринг, тоға* (146).

Юқорида таъкидлаганимиздек, *майдондор* сўзи ҳам муаллиф томонидан муваффақиятли қўлланган ва *майдонда*, *кураш майдонида*, *уруш майдонида* ҳукмронлик қилиш, *устунлик қилиш* маъноларини берган: *Фарҳодбек тошдай қамади, неча кун майдондорлик қилди, майдон экан, ҳеч ким чиқмади* (240).

*Майдон* сўзининг жуфтлашган ҳолда қўлланиши ҳам унинг мазмунига янгича оттенка киритган, кўтаринкилик, жасорат, мардликнинг алоҳида бир ифодаси сифатида хизмат қилган: *Майдон-майдон Ғиротингни елгайсан, Узоқ элда ўйнагайсан, кулгайсан* (10). Бу ифода усули дostonлар услубига тўла мос келади.

*Уруш* ва *жанг* тушунчалари билан боғлиқ ҳолда анъанавий бирикмаларга ҳам мурожаат қилинган. Дoston қаҳрамонлари олиб бораётган жанг майдони афсонавий, тарихий шахслар номи билан қиёсланган: *Ботир бўлсанг кел, Алининг майдони, Зўрлик қилиб, тортиб олгин қўрғонни!* (58). Шу билан бирга, *марди майдон*, *майдон ичинда* каби барқарор жумлалардан ҳам фойдаланилган: *Эй номард, ишингга ҳозир бўл, — деб иккови марди майдон кичкина жанг қилди, бир-бирига голиб кела олмади* (103).

Гўрўглибекнинг паҳлавони Бексаранинг Холдорхон қўшини билан олиб борган жангининг 8-9 саҳифалик баёнида *майдон ичинда* жумласидан фойдаланади: *Олишди майдон ичинда, Тўкилди майдон ичинда, Югурди майдон ичинда, Урушди майдон ичинда, Ўрлашди майдон ичинда, Қарашди майдон ичинда, Отилди майдон ичинда, Солишди майдон ичинда, Чопишди майдон ичинда, Қувшишди майдон ичинда, Силташди майдон ичинда, Топилди*

*майдон ичинда, Чайпашиди майдон ичинда, Билинди майдон ичинда, Ушлашиди майдон ичинда (272-280) каби.*

Гарчи *Алининг майдони* тарзидаги жумлалар кам учраса-да, *майдон ичинда, марди майдон* сингари бирикмалар барча дostonлар услуби учун хос бўлган хусусият саналади.

-дон ни тилимизда фаол бўлган *-чи, -гўй* кўшимчалари билан синонимик тарзда қўллайди: *Ана энди Холдорхон подшонинг катта кайвонилари, маслаҳатдонлари, улуглари — бариси кўп панд-насиҳатлар қилиб айтди* (183).

Ўзбек тилига тожик тилидан олинган, отларга кўшилиб, шу сўз орқали ифодаланган предметга эгалик ёки предметнинг ўшанга хос, тааллуқли эканлигини билдирувчи от ясовчи *-дор* кўшимчаси<sup>105</sup> Эргаш шоир томонидан *мотамдор* (389), *анжомдор* (416), *инъомдор* (33), *майдондор* (118) сўзлари таркибида самарали қўлланган деб айта оламиз. Аммо *Париларга хизматкор, / Жами девларга Сардор, / Кўҳи Қофга машҳурдор, / Ҳасан Кўлбар жўнади* (413) мисолида *машҳур* сўзига *-дор* кўшимчасини кўшишга ҳеч қандай ҳожат йўқ эди. У матнда бирон бир лингвистик вазифани адо этаётган эмас. Унинг қўлланиши экспромт оқибати, *Сардор* га қофия натижаси бўлиши мумкин.

Биз қиёсий ўрганган айрим дostonларда ушбу сўзларнинг ишлатилишида чегараланганлик кўринади. Масалан, “Алпомиш”да *анжомдор* фақат 2 марта, “Ширин билан Шакар”да 3 марта қўлланган, “Якка Аҳмад”да *мотамдор* сўзи 1 марта қўлланган: *Сен биласан бу қалмоқлар анжомдор, Анжомсиз кишида нима қувват бор* (“Алпомиш”). *Сен билмайсан бул анжомдор ёрингни, Мен сенга миндирай тулпорларимни* (“Ширин билан Шакар”). *Қорахон устига Сарихон эли билан, асбоб-олоти билан келиб, икки мотамдорлар бирлашиб, зор-зор йиғлашиб* (“Якка Аҳмад”).

---

<sup>105</sup> Гуломов А., Тихонов А.Н., Кўнғуров Р. Ўзбек тилининг морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 418.

“Кунтуғмиш” ва “Орзигул”да уларнинг биронтаси ҳам қўлланмаган. Бу эса Эргаш шоир бадий тафаккур кўламининг кенглик даражаси, она тилимиз имкониятларидан фойдаланиш маҳоратининг исботидир.

Бирор предметга, белги-ҳолатга эга эканликни, предметнинг бирор нарсага яроқли эканлигини, эгаликда ортиқликни кўрсатувчи *-ли*<sup>106</sup> ни ҳам Эргаш шоир тилимизда мавжуд моделлар асосида ўзига хос тарзда қўллайди: *ажалли* (278), *танимли* (196), *беримли* (371), *ҳаромли* (377), *инъомли* (422), *ишонимли* (196) каби.

Ушбу сўзлар орасида *ажалли*нинг “Алпомиш”да 2 марта, “Кунтуғмиш”да 1 марта, “Ширин билан Шакар”да 1 марта қўлланганлиги, унинг нисбатан дoston айтувчилар тилида амалда эканлигидан далолат беради. *Инъомли* 1 марта “Кунтуғмиш”да қўлланган. Қолган сўзлар қўлланмаган. “Орзигул” ва “Якка Аҳмад”да уларнинг биронтасидан ҳам фойдаланилмаган.

Мазкур қўшимча билан ясалган юқоридаги сифатларнинг қўлланиши ҳам асосан Эргаш шоир услубига хос деб айтишимизга асос бўлади. Фақатгина *ишонимли* сўзи *же-ловчи* халқ тилида ҳозир ҳам ишлатилади, холос.

Дoston матнида баъзи морфологик кўрсаткичлар ўзаро вариант сифатида катнашади. Масалан, унлиларнинг тил олди ва тил орқасида талаффузига кўра фарқланадиган феълнинг инфинитив шакллари *-моқ/-мак* ни олган сўзларнинг қўлланиш нисбати бир хил эмас. *-моқ* катнашган феъл шакллари 50 дан ортиқ, *-мак* эса *билмак* (290), *емак* (17,18), *етмак* (417), *кетмак* (417) сингари санокли сўзлардагина учрайди. Уларнинг айримлари *бермак* (113) - *бермоқ* (261), *демак* (366) - *демоқ* (370), *кўтармак* (87) - *кўтармоқ* (422) тарзида баравар қўлланган. *-роқ/-рак* вариантыда 25 та сўзшакл *-роқ* билан юзага келган: *зиёдароқ*, *майдароқ*, *беқорувроқ*, *булайроқ*, *нарроқ*, *баттарроқ*, *баҳодирроқ* каби. Фақат битта сўз *-рак* ёрдамида

---

<sup>106</sup> Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 428.

шаклланган: *эртарак* (309). *-ган/-гон* варианты фақат бир ўринда қўлланган: *Қизга кув, ўғлимга қиз олардим. Менда ундай томир-тувгон бўлмаса?!* (365). Бу вариантлик фақат *же-ловчи* шевага хос ва шу сўз доирасида чегараланган. Адабий тилда *-гон* қўшимчасининг вазифаси феълдан сифат ясашдир<sup>107</sup>. *-гил/-гил*, Тарихий шакл саналадиган<sup>108</sup> ва бу кўрсаткичлар дoston матни учун хос эмас. Уларга фақат бир мартадан мурожаат қилинган: *Гўрўгли хат муҳрини кўрди, ўқигил, деб муншига берди* (197), *Шоҳ Қайсар муҳрини кўрди, ўқигил, деб уни мирзага берди* (260). Қолган ўринларда “феълдан англашилган маънони алоҳида таъкидлаш, кучайтириш билан ифодаладиган феълнинг буйруқ майлини ҳосил қиладиган *-гин* қўшимчасидан<sup>109</sup> фойдаланилган. Бундай сўзлар 52 тани ташкил этиб, улар матнда 213 марта қўлланган: *айлагин, айрилмагин, келмагин, сўзлагин, сўйлагин, солмагин, тайёрлагин, қайтармагин*, каби. *-гач/-кач/-гач/-қач*. Пайт ва сабаб маъносини англатувчи бу қўшимчалар дoston матнида қўлланилмаган. ЎТМЛда уларга равишдош ясовчи *-иб* қўшимчаси синоним бўлиши мумкинлиги айтилган<sup>110</sup>. Тузилган терс луғатда ушбу қўшимча билан тугалланувчи 675 та сўзшакл қайд этилган. “Феълнинг ноаниқ келаси замон шакли”<sup>111</sup> ҳисобланадиган *-гай/-гай* кўрсаткичлари адабий тилимизда фақат поэтик восита сифатида сақланиб қолган ва жуда кам ўринларда бўлса-да, дoston матнида учрайди: *тушмагай, еткизгай, бўлгай, тўлиб-тошгай* каби.

## 2.2. Синтактик хусусиятлар

Ўзбек тилшунослигида дostonлар тилига хос бўлган синтактик хусусиятлар ўрганилмаган. Ваҳоланки, дoston айтишнинг ўзига хос услуби матнинг ўзига хос синтактик қурилишини ҳам шакллантиради. Бу, айниқса,

<sup>107</sup> Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 402.

<sup>108</sup> Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 408.

<sup>109</sup> Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 408.

<sup>110</sup> Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг морфем луғати. – Т: Ўқитувчи, 1977. – Б. 407.

<sup>111</sup> Ҳамдамов Ж. Ўзбек тили тарихи. Иккинчи қисм. Тарихий морфология. Исmlар. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2003. – Б. 25.

уюшиқ бўлақларни, кириш бўлақларни, ундалмаларни кўллашда, насрий ва шеърий парчалардаги қофияларда яққол кўзга ташланиб туради.

Достон куйлаш ўзига хос ижодий-психологик жараён. “Бахши ижро давомида достондаги ҳар бир тасвирга мос сўз ва куй топиб авжга чиқа боради, ўзларининг таъбири билан айтганда, “қайнайди”. Ўрни-ўрни билан эшитувчиларга мурожаат этиб, уларнинг диққатини ўзида сақлаб туради. Авж нуқталарга етганда, бахшининг гавда ҳаракатлари, бошини сарак-сарак қилиши, дўмбиранинг бир мувозанатда бориб келиши куй ва сўзга қўшилиб яхлит ритмик ҳолат юзага келтиради”<sup>112</sup>.

Ана шу ритмик ҳолат, гарчи оғзаки тарзда шаклланса-да, матннинг ўзига хос синтаксисини вужудга келтиради. Бу синтактик ўзига хослик достонда куйидагича намоён бўлган:

- ҳар қандай достоннинг насрий қисмида тасвир услубига хос бўлган сажъ орқали: *Ана энди етти элчи неча кун, неча соат йўл юриб, озгина эмас, мўл юриб, неча тоғу чўл юриб, неча турли эл юриб Чамбил элатига келди* (8). *Ана Авазхон Қримнинг катта арбобларига қараб, муртини бураб, бўлганларинг шуми, деб сўраб, тағи шу ҳолинг билан биз билан бўласанми тараф, — деб бир сўз айтаётир* (16);

- баъзи бир ҳолатларда сажъдан сўнг келадиган радиф ёрдамида *Юмалашган бош бўлиб, Икки лашкар гаши бўлиб, Бир қаттиқ саваши бўлиб, Шоҳлар кўзи ёши бўлиб, Жуда ёмон иши бўлиб, Кучли ганим дуч бўлиб, Ботир кўнгли хуши бўлиб, Қўрқоқ кўзи ёши бўлиб, Калла мисли тоши бўлиб* каби.

Насрий қофиянинг аҳамияти достон матнида нақадар аҳамият касб этганлиги куйидаги парчада яққол кўринади: *...ботирларнинг қўлида оқ, қорабоши туг шарқираб, ботирларнинг устида оқ совут офтобда ярқираб, минган маст отлари бир-бирига арқираб, қамчи урса зирқираб, чопса қушдай пирқираб...*(37). Бу каби парчалар достон матнида кўплаб учрайди. Шу

---

<sup>112</sup> Раззоқов Х., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи. 1980, – Б. 233.

тарзда матндаги *арқираб* (9 марта), *варқираб* (8 марта), *шарқираб* (6 марта), *бирқираб* (1 марта), *ғирқираб* (1 марта), *зирқираб* (5 марта), *тирқираб* (5 марта), *сирқираб* (1 марта), *тирқираб* (9 марта), *фирқираб* (1 марта), *чирқираб* (6 марта), *ярқираб* (5 марта) сўзларининг товушлар гармонияси достоннинг куйланишида дўмбиранинг товушига мос тарзда, жангу жадалларни, отлар дупурини, ботирлар шиддатини бера оладиган даражадаги мусиқийликни келтириб чиқарган. Бинобарин, бу тасвир услуби достон поэтикасининг муҳим халқаларидан бирига айланган. Улардан *варқираб*, *бирқираб*, *ғирқираб*, *пирқираб*, *фирқираб* кабилар ҳам фақат шу достон матнига хос бўлган тақлидий сўзлардан ясалган элементлардир.

Баённинг худди мана шу услубини “Кунтуғмиш”да учратамиз: *Айрисоқол қулар қозоқи отларга миниб, қўриқларини қўлларига олиб, соқоли тирқираб, довуши варқираб: — Молни қаёққа олиб борасан, деб чирқираб* (101). Бу достоннинг ҳам Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинганлигини инобатга олсак, сўзларнинг оҳангдорлигига эътибор берилиши, уларни уюшган ҳолда қўллашга ҳаракат қилиниши Эргаш шоир услубига хос хусусиятлардан бири эканлиги ҳақидаги хулосага олиб келади.

Достонда *Остидаги отлари Қонни кечгандай бўлди. Қизиб қўли ботирлар, Қизни қучгандай бўлди, Кечга томон бўлганда, Кўп қўшин-да, ёронлар, Холдор қочгандай бўлди. Гўрўглининг одами, Суриб санчгандай бўлди, Қайсар, ору номусдан Шу дам кечгандай бўлди. Гўрўглининг одами Қонни сочгандай бўлди, Қоронғулик бўп қолди, Чирог ўчгандай бўлди* (287) каби радибли қофиянинг ажойиб намуналари учрайди: *кеч+ган+дай*, *қуч+ган+дай*, *қоч+ган+дай*, *санч+ган+дай*, *кеч+ган+дай*, *соч+ган+дай*, *ўч+ган+дай*. Агар нутқий вазиятни, жараён импровизация жараёни эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Эргаш шоирнинг тил маҳорати юксак даражада бўлганлигини эътироф этишга тўғри келади.

Мана шу тарзда достон куйлашнинг ўз усули шаклланади. Ҳикоя қилиш ва дўмбира жўрлигида куйлаш йўли билан маром сақланиб туради ва

бунда гап таркибида айрим бўлақларнинг уюшган ҳолда қўлланиши муҳим роль ўйнайди. Уюшиқ бўлақлар, одатда, жумла ва гапнинг охиридаги сўзлар бўлади. Бу сўзлар кўпинча равишдош шакллари эканлигини кузатамиз: *Ана Гўрўглибек Ёвмит, Такада одам қўймай, ҳаммасини йиғиб, туғ-байрогини кўтариб, ёв-ярогини — уруида керагини олдиға солиб, элнинг ёв юрагини, одамман деган, қўлидан иш келадиганнинг ҳаммасини олиб, Қрим қайдасан, деб паст-баландни билмай, селдай босиб, пилта, тўқайдай сасиб, найза қамишдай ирғалиб, Туркманнинг ёв юрак бўз боласи бир-бирига қилиб таассиб, кўрган душманнинг кўкайин кесиб, Гўрўглибекнинг кўнгли ўсиб, дашт, адир, жилгани лашкар босиб, ҳар кунига икки маҳал катта тўпни отиб, катта чўлни туманлатиб, дара-даштни гумбурлатиб, кўп лашкарнинг минган оти қора ерни сўлқиллатиб, катта карнай парпарлатиб, ботирларнинг қўлида оқ, қорабош туғ шарқираб, ботирларнинг устида оқ совут офтобда ярқираб, минган маст отлари бир-бирига арқираб, қамчи урса зирқираб, чопса қушдай пирқираб, сақолар сув кўтариб, мерганлар қув кўтариб, сон бўз бола ҳа-ҳалашиб, ҳайда-ҳайда дейди қирдан ошиб, йиғит йиғит билан талашиб, кўрганларнинг ақли шошиб, сувсиз чўлда куйиб-пишиб, гоҳда ўрга, ўйга тушиб, бораётир неча текис қирдан ошиб (37) каби.*

Келтирилган парча гарчи ифодада яхлит бутунликни ташкил этса-да, у яна муайян қисмлардан, ритмик бўлақлардан иборатдир. Ана шу бўлинишлар бевосита жумлалар охиридаги равишдошларнинг уйғунлиги, оҳангда мослиги орқали реаллашган. Масалан, *йиғиб, кўтариб; солиб, олиб; босиб, сасиб, таассиб, кесиб, ўсиб, босиб; отиб, туманлатиб, гумбурлатиб, сўлқиллатиб, парпарлатиб; шарқираб, ярқираб, арқираб, пирқираб; ҳа-ҳалашиб, ошиб, талашиб, шошиб, куйиб-пишиб, тушиб, ошиб* тарзида.

Феълнинг ҳозирги замон шакли *–яп* ва *–ётиб* нинг диалектал кўриниши бўлган ва поэтик матнларга хосланган *–ётир*<sup>113</sup> ҳам Эргаш шоир маҳоратини намоёиш этувчи муҳим лингвистик деталлардан бири бўлиб

<sup>113</sup> Ўзбек тили грамматикаси. I жилд. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 499.



хисобланади: *Ҳар нима бўлса тўдада —ўрталикда бўлаётир, ажали етган ўлаётир, не гўзаллар теракдай қулаётир. Бу ёғи белма-бел, ёқама-ёқа, қўлма-қўл, сарт кураш олаётир, бирига бири зўрлик қилаётир, зўрлик қилгани калла олаётир. Тағи шу курашдай, сайилдаги полвонларда чой пули, чопон олди деманглар, ул кураш бошқа кураш бўлаётир. Майдон ҳали тўлаётир, қўйма-чи, қўй деб келаётир, келганини ошириб солаётир, не бир билак гўзаллар бетма-бет бўлаётир. Шу кунги қизиқ ҳаддидан ошиб қизиб, алангаси оламни олаётир. Қирғиз каттаси Хидирали бой-да, қўйма дейман, қўйма, ур дейман, ур, деб бақириб катта шовқумни солаётир. Ана энди не ботирлар, юракли баҳодирлар мард бўлсанг, кел-ҳа, кел, деб талаб қилаётир. Бу ёқдан ҳам бир билак эр йигитлар, эрдан ўзган шер йигитлар келсанг, кел, келсанг кел, деб ҳарифга кўндаланг бўлаётир, бир-биридан ўчини олаётир. Шундай бир қаттиқ, базарб, энтикма, ҳолиқлаган, бир керма-серма, кекирдак сийпаимоқ, бир вағирлаган уруш-майдон қирғизда бўлаётир (210-211) каби.*

Бу сингари такрорланишлар дoston матнида кўплаб учрайди:

- кўплик кўрсаткичи –лар: *Баковул, оқсоқоллар, арбоб, кайвонилар, ошпазлар, нонпазлар — нонвойлар, ҳамма хизматкорлар ўз ишига урнаб, ўзига тааллуқ ишларни ишлаб, пишириб-тушириб, ҳаммаси шод-хандон. Беклар, ботирлар, полвонлар, тигбозлар, найзадастлар, катта полвонлар айш-ишрат, ўйин-кулгисида (289);*

- жўналиш келишиги кўрсаткичи –га: *Бир хил йигитларни ўзидан айирмайди, оқшом олиб ётарми қошига; мен шуйтиб ҳайрон қолдим сулувларнинг ишига, илгари сира-сира қарамовчиди кишига. Тўйда уларга нима бало бўлди, чироқнинг ёригида чиқаргудай бўлаётир тўшига; йигитлар ҳам тиклаб қопти жоду кўзи билан қалам қошига, баракалла шу йигитларнинг сабр-бардошига; оғзи иржайиб, кулиб ўтирир шуларнинг имлашига! (372);*

- феъл ясовчи –ли: *Шу замонда, шул вақт Гўрўглибекка [тенг] келадиган гайратли, ҳайбатли, шавкатли, сиёсатли, арвоҳли подшо шул*

*Гўрўглибекдан бошқа йўқ эди* (421) каби ҳолатларда содир бўлиб, уларнинг барчаси бир мақсадга – дoston куйловчи ва тингловчи ўртасидаги руҳий ҳолат уйғунлигини таъминлашга, ифоданинг таъсир кучини намоиш этишга хизмат қилади.

ЎХОПИда “Бундай пайтларда тўрдаги бахши пойгакка, томошабин эса тўрга чиқиб қолганлигини ҳеч ким пайқамай қолади. Шу тариқа кўр ташлаб ўтирганлар даврани бир неча марта айланиб чиқишлари мумкин” деган фикрнинг мазмунини англаб етса бўлади. Тингловчига руҳий таъсир ўтказишга йўналтирилган бу каби лингвистик восита ва усулларга дoston матнида кўплаб дуч келамиз.

Дostonда кириш бўлақлар ҳам учрайди ва улар муайян стилистик вазифаларни адо этган. Масалан:

- тингловчининг эътиборини қаратиш вазифасини бажарган: *...неча кун йўл юриб, озгина эмас, мўл юриб, неча тоғ ва чўл юриб, нима дейсиз, Ҳасан Кўлбар бобонг йўлда қўшигини айтиб, егани гўшт бўлиб, вақти хуш бўлиб* (409);

- изоҳ вазифасини ўтаган: *Текис товоқларда кулчатойлоқ (уни тошкентлик норин дейди), чопган гўшtdан аралаштирган кесганошлар, бетига мой қуйган (уни қирқ билан юз қайла дейди), тандири жовлик қўй гўшtidан кабоблар (уни чўпонлар шохкабоб дейди), барисининг олдига етмиш тусли таомлардан ҳозирлаб, тайёр қилиб турибди* (332) каби. Қавс ичида берилган бу кириш бўлақлар дostonнинг оғзаки вариантыга тегишли деб бўлмайди. Улар ёзма вариантга киритилган бўлиши мумкин.

Айтиш мумкин бўлса, “Холдорхон” турли персонажлар ўртасидаги баҳс-мунозаралар, тортишувлар, зиддиятлар асосига қурилган ўткир сюжетли дostonдир. Табиийки, бундай пайтларда дoston қаҳрамонлари ўртасида кечадиган диалогларда, бирининг бошқасига қиладиган мурожаатларида ҳам бу жараён акс этган ва ундалмалар фаол қўлланилган. Матнда у бажариши мумкин бўлган семантик ва стилистик вазифаси “Ўзбек

тили грамматикаси”да қуйидагича баён этилган: 1) нутқ қаратилган объектни ифодалайди; 2) маълум шахс, предметларга характеристика берилади, таърифланади; 3) сўзловчининг эмоциясини ифодалайди<sup>114</sup>.

Ушбу ўринда дostonда қўлланган ундалмаларнинг сон жиҳатдан кўплигини ҳисобга олиб, фақатгина оғзаки нутқ учун хос бўлган ҳамда уларнинг дostonлар тилига кўчган кўринишлари ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Худди ана шундай элементлар Холдорхон матнида *аё*, *э*, *эй*, *ў*, *ўй*, *ҳў*, *ҳой* сўзлари бўлиб ҳисобланади.

Агар уларни бир-бирига қиёслайдиган бўлсак, улар ўртасида ҳам ўзаро фарқлар бор. Яъни *эй* (43 марта) ва *ҳой* (21 марта) сўзлари қатордаги бошқа бирликларга нисбатан китобий характерга, 6 марта қўлланган *аё* эса поэтик мазмунга эга: — *Эй, фуқароларим, хизматкор умароларим, вазир-вузароларим!* (5). *Ҳой, сенга айтаман, жўра, бу қизиқ бўлиб қолди* (139). *Аё, беклар, бир гапим бор қулоқ сол, Мен гапирай зеҳнингни қўй, билиб ол* (45). *Э*, *ў*, *ўй*, *ҳў* элементлари эса жонли тил руҳини бера олади. Айнан мана шу сўзлар ундалма сифатида дoston матнига хосдир.

Мисоллар таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, бу элементлар ҳали тўлиқ маънодаги ундалмалар эмас. Улар ундалмалар олдига қўйилган талабларнинг фақат бир қисмини – суҳбатдошга, тингловчига, мулоқот иштирокчисига мурожаат маъносини англатяпти ва диққатни тортиш вазифасини адо этаяпти. Ҳақиқий ундалма ундан кейин келади. Масалан, энг фаол бўлган ва 148 марта қўлланган *ў* дoston матнининг ҳеч бир ерида ундалма сифатида ёлғиз қўлланган эмас: *ў, беклар, ботирлар; ў, йигитлар; ў, ёронлар; ў, болалар; ў, бадрак, армани; ў, нокас; ў, осмон шотиси, баччагар!* каби. Англашиладики, бу ундалмалар англатган маъноларнинг семантик кўлами ва стилистик оттенкалари ҳам турлича. Асосан одамга қаратилган, ижобий ва салбий оттенкалар яққол кўзга ташланиб туради.

---

<sup>114</sup> Ўзбек тили грамматикаси. I жилд. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 261-263.

Агар у якка қўлланган бўлса, унинг стилистик маъноси ўзгарган. Масалан, *Ў, арабнинг бўридан қочган эринчак баттол кучигидай бўлган суратларингга, ўн минг лашкар қилиб замзама қилган шавкатларингга!* (241) гапида у сўкиш вазифасини ўз зиммасига олган.

*Ўй* ундалмасини ҳам фаол дейиш умумкин. У 46 марта қўлланган: *Ўй, олис, яқиндан келган эл, борсанги, эшитмадим дема* (19) каби.

Ушбу элементлар иштирокисиз ҳам ундалмалар қўлланган: — *Оғайнилар, мен боғона шу давлатимни бой тикдим, деб айтдим-ку* (229). Аммо улар оз миқдорни ташкил этади.

Англашиладики, достон матнида ундалма вазифасини бажарадиган махсус сўзлар қўлланган ва улар достон синтаксисининг муҳим қисмини ташкил этади.

Аммо импровизация ҳамма вақт ҳам равон кечмайди. Ижро муҳити унга баъзан салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг натижсида насрий баёнда унчалик сезилмаса ҳам, назмий баёнда шеъринг парчанинг вазни ва қофияси билан ҳамда сўз танлаш билан боғлиқ бўлган нуқсонлар пайдо бўлиб қолади. Шундай пайтда маром бузилиб кетади. Жумладан,

- қофия бузилади: *Чин ботир дарёдай тошиб, Тўплаб-тўплаб қувиб келса, Олдин ол, деб, қўйма, дейишиб, Кам куч шўрли ўлдик дейишиб* (127);

- сўзлар ноўрин ишлатилади: *Ундай, бундай иш бўлмади, Билганга бўлди кўп зўр иш. Жуда қизик бўлиб эди, Қани бир томоша қилиш. Номардга ҳад йўқ, боролмас, Осон йўқ илжайиб туриш* (129).

Бу каби ҳолат нафақат куйлаш маромига, балки мазмунга ҳам жиддий путур етказиши мумкин: *Жавоб бергин зангини мен тутаман, Бир тўлғаб осмонга қараб отаман, Итдай хўр қип, чўчқадан ҳам баттар қип, Подадай бўкиртиб, буни нетаман* (138) каби.

*Изофали* қурилмалар. Достон услубига хос бўлган синтактик хусусиятлардан бири унда сўз бирикмаларининг форсча-тожикча қурилмаларда берилишидир. Масалан: *Фарзандим, кўзимнинг оқи-қораси,*

*Ёшсан, Аваз, қасди майдон айлама. (303). Отамни сўрасанг, Ёвмитнинг хони, Такаман Ёвмитнинг қутби замони (25) каби. Бундай изофали қурилмаларнинг сони дoston матнида 50 дан ортиқ. Бу бирикмаларнинг Эргаш шоир услубига хосланганлик даражасини аниқлаш мақсадида тўртта дoston матнини солиштирамиз.*

т/р	Холдорхон	Кунтуғмиш	Якка Аҳмад	Алпомиш
1	<i>абзали ўруси</i>	-	-	-
2	<i>абри навбаҳор</i>	-	-	-
3	<i>аҳли тадбир</i>	-	-	-
4	<i>аркони давлат</i>	+	+	-
5	<i>асби тоз</i>	-	+	-
6	<i>атрофи жониб</i>	-	-	-
7	<i>аъёни мамлакат</i>	-	-	-
8	<i>баҳодирӣ замон</i>	-	-	-
9	<i>баччаи зулфдор</i>	-	-	-
10	<i>воллоҳи аълам</i>	-	-	-
11	<i>дашти ҳайҳот</i>	-	-	-
12	<i>деви ҳафсар</i>	-	-	-
13	<i>дорийи беҳуш</i>	-	-	-
14	<i>дунёи бевафо</i>	-	-	-
15	<i>забардасти замон</i>	-	-	-
16	<i>замину замон</i>	-	-	-
17	<i>кабири тақсир</i>	-	-	-
18	<i>канизи моҳруй</i>	-	-	-
19	<i>кишвари қайсар</i>	-	-	-
20	<i>лутфи эҳсон</i>	-	-	-
21	<i>майдони ҳижо</i>	-	-	-
22	<i>майдони коризор</i>	-	-	-

23	<i>макину макон</i>	-	-	-
24	<i>маҳрами хос</i>	-	-	-
25	<i>манзури назар</i>	-	-	-
26	<i>марди мардона</i>	-	-	-
27	<i>мардонул гайб</i>	-	-	-
28	<i>меҳмонхонаи хос</i>	-	-	-
29	<i>найзайи олмос</i>	-	-	-
30	<i>подшойи олам</i>	-	-	-
31	<i>подшоҳи номдор</i>	-	-	-
32	<i>полвони жаҳон</i>	-	-	-
33	<i>пушти паноҳ</i>	-	-	-
34	<i>сарвари маҳбуб</i>	-	-	-
35	<i>сарви равон</i>	-	-	-
36	<i>сояйи худо</i>	-	-	-
37	<i>султони бокарам</i>	-	-	-
38	<i>султони олам</i>	-	-	-
39	<i>табъи хоҳиш</i>	-	-	-
40	<i>тожи кулоҳи</i>	-	-	-
41	<i>тожи шоҳи</i>	-	-	-
42	<i>фарзанди дилбанд</i>	-	-	-
43	<i>фарзи фарзона</i>	-	-	-
44	<i>хавфи-тарс</i>	-	-	-
45	<i>шоҳи муаззам</i>	-	-	-
46	<i>шоҳи олам</i>	-	-	-
47	<i>эли ўзбак</i>	-	-	-
48	<i>эрони замин</i>	-	-	-
49	<i>қасди майдон</i>	-	-	-
50	<i>қутби замон</i>	-	-	+

	50	1	2	1
--	----	---	---	---

Англашиладики, изофали қурилмаларнинг қўлланиш частотаси “Холдорхон”да қиёсланган бошқа дostonларга нисбатан жуда баланд. Агар “Кунтуғмиш” ва “Якка Аҳмад” дostonларининг ҳам Эргаш шоир томонидан айтилганини инобатга олсак, “Холдорхон” дostonи бадий кўламининг ғоятда кенглиги ва бу бирикмаларнинг фақат шу дoston тилига хос хусусият эканлиги ҳақида қатъий хулоса чиқаришимизга имкон беради.

### *Иккинчи боб юзасидан қисқа хулосалар*

Ўзбек халқ оғзаки ижоди эпик тури тизимида дostonларнинг алоҳида жанр сифатида шаклланишига сабаб бўлган грамматик омиллар мавжуд ва улар “Холдорхон”да қуйидаги тарзда намоён бўлган:

1. От туркумига оид сўзларнинг қўлланишида [н] товушининг орттирилиши дoston тилида сақланиб қолган (*замонинда, омонинда, элинда, белинда*); кўплик кўрсаткичи *–лар* нинг диалектал шакли *–нэр/-нар* дoston матнида учрамайди.

2. Ўзбек дostonчилигида ижро этишнинг алоҳида услуби шаклланишида сон туркумига оид сўзларнинг, айниқса, *бир, қирқ, минг* элементларининг ўрни алоҳида. Жумладан, *бир* сўзининг имконияти маънони кучайтириш, ажратиб кўрсатиш, тахмин-чама, чегаралаш, ноаниқлик, якка-ёлғизлик, тенглик, ўхшашлик, тасодифийлик, йўналганлик, бахтсиз ҳодисани ифодалаш оттенкалари билан намоён бўлган, *бир сўз демоқ* жумласи эса дoston куйлаш услубига хосланган.

Шунингдек, *икки* сўзи тарафлар, оппозиция ва биргалик, *тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, юз, минг* сўзлари шартлилик ва умумлаштирувчилик, *қирқ* рамзийлик ва анъанавийлик оттенкалари билан дostonдан дostonга кўчиб юриб, мазкур дostonда семантик-стилистик имкониятлари кенгайган тил воситалари сифатида намоён бўлади.

3. Олмошлар, жумладан, *қандай қилмоқ, нима қилмоқ, қайси, ҳамма* элементлари ўзларининг *қайтмоқ, не, бариси* сингари диалектал

вариантларининг фаол қўлланиши билан ажралиб туради. У, бу бирликларидаги менсимаслик, беписандлик, ҳурматсизлик оттенкалари ҳам айнан “Холдорхон”да намоён бўлган.

4. Достон тилида алоҳида ажралиб турувчи феълнинг тусловчи кўрсаткичлари мавжуд. Масалан, орттирма даража шаклини ҳосил қилувчи кўрсаткичлар *-дир/-гиз, гиз/-сат* тизимида *-дир*; ҳозирги замон феъл шакллари *-япти/-моқда/-макта/-ётир* тизимида *-ётир*; истак майлини ифодаловчи *-гин/-гил/-қол* тизимида *-гин*; равишдош шакллари *-(и)б эди/-ган эди* тизимида *-(и)б эди* элементлари қўлланиш частотасига кўра устунлик қилади ва бу ҳолат *же*-ланувчи шеваларга хосланганлик билан изоҳланади.

Шунингдек, достон услубига хос бўлган, айниқса, тақлидий сўзлардан ясалган *арсилламоқ, далбангламоқ, жайнамоқ, тенгсалмоқ, тингилмоқ, қотилмоқ* каби алоҳида сўзлар мавжуд. *Қилмоқ, этмоқ* феълларининг поэтик шакли *айламоққа* Эргаш шоирнинг кўпроқ мурожаат этганлиги (*жавлон айламоқ, талаб айламоқ, фармон айламоқ* каби) достон тилининг китобийлик томон силжий бошлаганлигини кўрсатади.

5. Айрим қўшимчалар ичида фойдаланишда диалектал вариантлар устунлик қилади. Улар қуйидагилар: *-ала>-ов; -ар>-гич,-кич; -га>-а; -гача>довур; -дай>-ча; -диган>-гич; -майди>-маси; -каз>-кар; -лик>-ик, -ловчи>-лари; -ми>-ма; -ни>-ди; -тача>-ча; -чан>-гир* каби.

6. Эргаш шоир қўллаган ва унинг маҳорати ифодаси бўлган *-дор* (*мотамдор, майдондор*), *-ли* (*ажалли, танимли*) кўрсаткичлари достон матнида алоҳида аҳамият касб этган.

7. “Холдорхон” достонига хос бўлган синтактик хусусиятлар импровизация жараёнида ритмни таъмин этувчи сажъларнинг, уюшиқ ва кириш бўлақларнинг қўлланишида намоён бўлади.

Шунингдек, оғзаки нутқ учун хос бўлган *аё, э,эй, ў, ўй, ҳў, ҳой* каби ундалмалар “Холдорхон” тилининг халқчиллигини яққол намоёниш этади.



Изофали қурилмалар эса мазкур асарни бошқа ўзбек халқ дostonларидан кескин ажратиб туради.

### **III БОБ. ДОСТОННИНГ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИ ВА ПОЭТИК СИНТАКСИСИ**

Халқ оғзаки ижодининг алоҳида жанри сифатида қараладиган достонларнинг яна қаҳрамонлик, жангнома, ишқий, романтик ва тарихий каби бир қатор турларга бўлиниши, ўз навбатида, уларнинг ифода усулларини, тил воситаларидан фойдаланишда ўзига хос услубини ҳам белгилайди. Шу билан бирга, уларнинг барчаси учун умумий бўлган поэтик баёндаги “қўтаринкилик, тантанаворлик, анъанавийлик, шеърий ва прозаик қисмларнинг доимий алмашилиб келиши хосдир”<sup>115</sup>.

“Гўрўғли” туркумига кирувчи “Холдорхон” достонида ҳам жангу жадаллар, бу жангларда қўшинлар ёки алоҳида шахсларнинг баҳодирликлари тасвирланган. Асар ғояси ва сюжетида келиб чиқиб, тил воситалари танлаб ишлатилган. Бу, биринчи навбатда, достон қаҳрамонларини таърифлаш, уларнинг фаолиятини баҳолаш билан боғлиқ бўлган махсус тасвирий воситалардан фойдаланишда намоён бўлган.

Шунинг учун ҳам, тадқиқотимизнинг мазкур бобида ана шу тасвирий воситаларнинг асосийларини таҳлил этиш орқали “Холдорхон” достонининг тили ва услубини белгиловчи лингвистик омиллар сифатида халқ мақоллари ва ўхшатиш, метафора, эпитет каби троплар ҳамда стилистик формула, такрор, анъанавий штамплар каби поэтик фигураларга, айрим субъектив баҳо шаклларига мурожаат қилинди.

#### **3.1. Достон сюжетининг шаклланишида мақолларнинг ўрни**

Халқ оғзаки ижоди паремиологик тизимида қараладиган мақоллар асрлар давомида шаклланган халқ донишмандлигининг мукамал намунаси саналади. Шунинг учун ушбу ҳикматли иборалар бошқа халқ оғзаки ижоди дурдоналари қаторида фанимиз заҳматкашлари томонидан тўпланган,

---

<sup>115</sup> Раззоқов Х., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980, – Б. 228.

луғатлар шаклига келтирилган, нашр қилинган, ўрганилиш тарихи ёритилган ва илмий жиҳатдан таҳлил этилган<sup>116</sup>.

Халқ мақоллари нисбатан содда ва ихчам шаклга эга бўлиши билан бирга чуқур мазмун ва тағмаънолилиги, мақол шаклидаги гапнинг ўз ва кўчма маъноларга эгаллиги билан характерланади.

Профессор Х.Абдурахмоновнинг таъкидлашича, мақоллар мазмуни гап таркибидаги сўзлар мазмунининг мажмуасидан келиб чиқади, уларда дидактик фикр илгари сурилади, умумга қаратилган, интонацион тугалланган бўлади, айти пайтда, барқарорликка эга бўлишидан қатъий назар, ажралувчан бўлиб, унинг таркибидаги ҳар бир сўз маълум гап бўлаги вазифасида кела олади, ҳаётдаги ижобий ва салбий воқеа-ҳодисалар мазмунини ифодалайди<sup>117</sup>. Ана шу жиҳатлари билан тилдаги бошқа паремиологик элементлардан фарқланади ва баъзан муштарак хусусиятларга эга бўлади.

Бу каби лексик-семантик маъно ва грамматик қурилишига кўра фарқланадиган мақоллар қўлланиш кўлами жиҳатдан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Биз бу ўзига хосликларни уларнинг ўзбек тили функционал услублари доирасида қўлланишида яққол кузатамиз. Мақолларнинг шакл ва мазмун яхлитлиги шундан далолат берадики, улар дастлаб оғзаки сўзлашув нутқида пайдо бўлади ва бошқа функционал

---

<sup>116</sup> Бердиёров Х., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар, 1-қисм. – Самарқанд, 1976. – Б. 135.; Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 288.; Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 184.; Абдусаидов А. Газета тилида мақоллардан фойланиш. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1987. – Б. 68. Абдуллаев Х. “Қутадғу билиг”даги бир мақол хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. 3-сон. – Б.83. Абдурахмонов Х. Мақол ва маталларда такрор компонентларнинг қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. 3-сон. – Б.60-63. Бакиров П. Ўзбек тилида икки бўлак содда гап шаклидаги номинацентрик мақоллар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. 4-сон. –Б.78. Жўраева Б. Мақолларда синонимия ҳодисаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. 5-сон. – Б.58. Шу муаллиф. Мақол-матал типидagi паремалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. 5-сон. – Б.88. Мирзакаримова Ў. “Девону луғотит турк” даги айрим мақолларнинг тил хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980. 3-сон. – Б.31-35. Садриддинова М. Халқ мақоллари таркибида диалектизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. 5-сон. – Б.59. Усмонов Н. Халқ мақолларида таълимга оид атамалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992. 2-сон. – Б.35. Ҳакимов М. Мақол терминлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1965. 2-сон. – Б.19-24. Ўринбоев Б. Ўзбек халқ мақолларида трансформациялаш // Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Самарқанд, 2001. – Б.38-42.

<sup>117</sup> Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 10-11.

услугларга кўчади. Ушбу тил элементларининг бадиий ва публицистик матнларда фаоллиги ана шу ҳолат билан изоҳланади.

Қўрғон дostonчилик мактабининг вакили Эргаш Жуманбулбул ўғли томонидан айтилган “Тўрўғли” туркумидаги жангнома дostonлар сирасига кирувчи “Холдорхон” дostonида мақолларнинг учраши ҳам тилимиздаги ана шу тамойилдан келиб чиққан деб ҳисоблаймиз.

А.Холиқов “Тўрўғлининг туғилиши” дostonида мақолларнинг ўрни” номли мақоласида дostonда учрайдиган мақолларни уч гуруҳга бўлиб ўрганган: 1) адабий тил доирасида ва шеваларнинг аксариятида ишлатиладиган мақоллар; 2) шаклан шу дoston тилида учрайдиган, лекин мантиқан ҳозирги мақолларга тенг келадиган мақоллар; 3) дostonнинг ўзидагина учрайдиган, халқ оғзаки нутқида хос мақоллар<sup>118</sup>. “Холдорхон” дostonи матнида учрайдиган мақоллар ушбу жанр доирасида қараладиган тил бирликлари кўламининг бундан ҳам кенгроқ эканлигини кўрсатади.

“Холдорхон” ҳажм жиҳатдан йирик дoston бўлишига қарамасдан унда учрайдиган халқ мақолларининг салмоғи нисбатан кўп эмас. Бор-ўғи йигирмага яқин. Улар дoston поэтикаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, айрим ўзгаришлар билан қўлланган: *Ана энди яхши сўз ҳаммага яхши. “Яхши сўз билан илон индан чиқар, ёмон сўз билан одам диндан чиқар”* (436). “Ўзбек халқ мақоллари” тўпламида *яхши сўз* жумласи билан боғлиқ бўлган 30 та мақол мавжуд<sup>119</sup>. Бу эса мазкур сўз ва унинг маънавий-маърифий қудрати билан боғлиқ бўлган ибораларнинг халқ ўртасида кенг тарқалганлигидан далолат беради. *Яхши сўз билан илон унига киради; Яхши сўз — жон озиги, Ёмон сўз – бош қозиги; Яхши сўз кулдирар, ёмон сўз ўлдирар, Яхши сўз суюнтирар, ёмон сўз куюнтирар, Яхши сўз тўрға элтар, ёмон сўз – гўрға, Яхши сўз яшинатар, ёмон сўз кишинатар* ва бошқа кўплаб мақолларни ушбу мақолнинг вариантлари сифатида қарашимиз мумкин. Аммо халқ орасида

<sup>118</sup> Холиқов А. “Тўрўғлининг туғилиши” дostonида мақолларнинг ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. 4-сон. –Б.76-77.

<sup>119</sup> Ўзбек халқ мақоллари, II жилд. – Тошкент: Фан, 1988, – Б. 208-210.

кўлланиш частотасининг юқорилиги билан *Яхши сўз билан илон инидан чиқар, ёмон сўз билан мусулмон диндан чиқар* мақоли алоҳида ажралиб туради ва у ҳозирги жонли тилимизда фаол кўлланади. Мақолнинг *Яхши сўз билан илон инидан чиқар, ёмон сўз билан пичоқ қинидан чиқар* варианты ҳам бор<sup>120</sup>.

*Яхши* ва *ёмон* сўзлари оппозициясида матнда баъзан *яхши*, баъзан *ёмон* сўзи аввал келади. Бу одамзоддаги қайси хислатнинг баёнда биринчи ўринга кўйилганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, мақоллардан фойдаланишда масаланинг ана шу жиҳатига эътибор берилади. Масалан, Эргаш шоир кўллаган *аввал ёмонни айт, сўнг билан яхшини айт* мақолини олиб қарайлик. Бу ибора халқ орасидаги *Яхшилик ўзинг билан, ёмонлигингни ўйлаб қўй* мақолига мазмунан яқинлашади. Аммо воқеалар баёнида биринчи ўринда ёмонликка эътибор бериш масаласи турибди: *Тақсир, “Аввал ёмонни айт; сўнг билан яхшини айт” деган экан. Юртни қизилбошга бериб қўйсак, бу қандай бўлади?! (41).* Шундай экан, мақоллардан фойдаланишда, уларни матнга сингдириб юборишда муайян мақсадлар кўзда тутилиши аниқ. Афористик характердаги *ёмон ҳар ерда ёмон, яхши ҳар ерда яхши* жумласини ҳам шу сирага киритиш мумкин: *Ботирлар, жойни маҳкам қилиб олинг, қимирламай, бир ердан қўзғолмай, милтиқдан айрилмай, ҳа, деб ўққа тутинг. Ёмон ҳар ерда ёмон, яхши ҳар ерда яхши (66).*

Дарҳақиқат, дoston матнида кўпчилик мақолларнинг трансформацияга учраганлиги сезилиб туради. Масалан: *кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз йўқ бўлар.* Дoston мантида: *Тўй эмасми, бебош ҳам кўп, ҳовбош ҳам кўп, доно ҳам кўп, тана ҳам, кўп оғиз бир бўлса, бирови йўқ бўлади (27).* *Уриш бўлса, туриш йўқ<sup>121</sup>* мақоли хусусида ҳам шу гапни айтиш мумкин. У дostonда *урушда туруш йўқ (55,263) /урушда туриш йўқ (164-165)/уруш бўлса, туруш*

<sup>120</sup> Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати, – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б.249.

<sup>121</sup> Ўзбек халқ мақоллари, II жилд. – Тошкент: Фан, 1988, – Б. 116.

йўқ (68,219) сингари вариантларда *и→у, да→бўлса* сингари айрим фонетик, лексик-грамматик ўзгаришлар билан келтирилган. Лекин бу ўзгаришлар мақол мазмунига таъсир кўрсатган эмас. *Тушдан кейин келар қулнинг ақили* (65-66) мақоли ҳам халқ тилидаги *Қулнинг ақли чошқадан кейин келар*<sup>122</sup> мақолининг трансформацияга учраган шаклидир.

Достон матнидаги мақолларнинг иккинчи бир гуруҳи шоир томонидан халқ тилидаги мавжуд моделлар асосида яратилган. Масалан, *чой деб шаммани ичмоқ* мақоли ҳақида шу гапни айтиш мумкин: *Қойил қилди ҳаммани, Чой деб ичди шаммани* (191). Мақоллар тўпламида *чой* лексемаси билан боғлиқ 7 та мақол келтирилган<sup>123</sup>. Аммо бу мақол учрамайди. Бахши томонидан ушбу мақолнинг келтирилиши импровизация билан боғлиқ бўлиши, *ҳамма* сўзи *шаммани* талаб қилган бўлиши мумкин. Чунки мақоллар табиатига хос бўлган қисқалик, ихчамлик унинг шаклига ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам, бир мазмундаги насрий ва шеърий йўл билан ифодаланган мақоллар поэтикаси бир-биридан фарқланади. “Халқ достончилигининг ифодаси бўлмиш мақолларнинг жарангдорлиги шеърий шаклда яна ҳам ортади. Қолаверса, шеърий шаклда мақолнинг киши хотирасида мустаҳкам сақланиб қолиш хусусияти ҳам юқори бўлади”<sup>124</sup>.

“Ўзбек тилининг паремиологик луғати”да ушбу мақолнинг маъносига айнан тўғри келадиган *Чучварани хом санама* варианты мавжуд. Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”да (251) у фразеологик ибора сифатида келтирилади ва *хом хаёл қилиб юрмоқ, хомтама бўлмоқ* маъноларини англатиши таъкидланади<sup>125</sup>. *Чой деб шаммани ичмоқ* ҳам мазмунан, ҳам шаклий-структурал жиҳатдан ФБга мос келади ва шунинг учун уни биз ҳам Эргаш шоир томонидан ижод қилинган фразеологизмлар деб баҳолаймиз. Чунки *шамма* сўзи ва бинобарин, у билан боғлиқ

<sup>122</sup> Ўзбек халқ мақоллари, II жилд. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 292.

<sup>123</sup> Ўзбек халқ мақоллари, II жилд. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 144.

<sup>124</sup> Соатов Б. Ўзбек халқ мақоллари поэтикасига доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992. 5-6-сон. – Б. 42.

<sup>125</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 251.

жумлаларнинг “Алпомиш”, “Рустам”, “Рустамхон” дostonлари матнида учрамаслиги уни шоирнинг ўз ижод маҳсули деб айтишга имкон беради<sup>126</sup>. *Қирғиз кўпми, юлдуз кўп* мақоли ҳам Эргаш шоирнинг ўз ижод маҳсули: *Илгаригилар айтган-да: “Қирғиз кўпми, юлдуз кўп”* (204). Ўзбек халқида *Қирғиз бойиса, мол олар, Сарт бойиса, хотин олар; Қирғиз халқи – мол билан, ўзбек халқи – боғ билан* сингари халқнинг характери, турмуш тарзи билан боғлиқ мақоллар мавжуд<sup>127</sup>. Бинобарин, қирғиз халқининг кўплигига ишора қилувчи *қирғиз кўпми, юлдуз кўп* мақоли ҳам ўшаларнинг бири сифатида эътироф этилади. Халқимиз орасида баъзан учрайдиган *қирғизнинг итидай, қирғизнинг кучугидай* мақоллари ҳам айнан кўплика ишорадир.

Матндаги *Мен ҳали сизларни эси киради, “аҳмоқнинг ақлига қара, тентакнинг маъқулига қара”, деб турибман* (240) гапи таркибидаги мақолни ақлни аҳмоқдан ўрган, ақлни беақлдан ўрган мақолларининг мазмунни сақлаб қолган ҳолда қайта ишланган шакли деб қараймиз.

Мақоллар тўпламида *хон* лексемаси ва хонлик фаолияти билан боғлиқ 20 га яқин мақоллар келтирилган. Улар орасида *“Хон берганин қайтарма. Хон ҳам ўтирик айтарма”, — деган экан* (383), *Шуйтиб илгариги улуғлар айтиб экан, кўҳна масал шул: “Хоннинг бошин хон олар, қорнинг бошин қор олар”* (300) парчаларидаги мақоллар учрамайди<sup>128</sup>. Аммо дoston айтувчининг “деган экан”, “кўҳна масал шул” тарзида ривоят қилиши бу мақолларнинг ҳам халқ орасида мавжудлигини тасдиқлайди. *Мақтаган еткизар, чаққан ўлдирар* (195); *куйганнинг оғзига қарама* (195); *бахт қараса, эл қарар* (198); *ҳиммат эрдан, арвоҳ гўрдан* (139) мақоллари ҳақида ҳам худди шу гапларни айтиш тўғри бўлади. Бу каби мақоллар муаллиф ёки асар қаҳрамонлари томонидан ўзлари айтган фикрларни халқ донишмандлиги намуналари билан янада мустаҳкамлаш, тасдиқлаш, ўз фикрига эътироз қолдирмаслик мақсадида айтилади.

<sup>126</sup>О‘ринбойева Д., Умурзоқов У. О‘збек халқ дostonлари тилининг алфавит-чastotalи lug‘ati. – Toshkent, 2006. – Б. 286.

<sup>127</sup>Ўзбек халқ мақоллари, II жилд. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 279.

<sup>128</sup>Ўша манба. – Б. 129-130.

Ҳар қандай матнда иштирок этадиган тил элементи муайян лексик-семантик, грамматик-стилистик вазифаларни бажариши ҳақидаги қарашга таянадиган бўлсак, бу принципти матнлар таркибидаги мақолларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Бу фикр “Холдорхон” достони матнида учрайдиган мақолларга ҳам бевосита дахлдор. Улар ҳам бошқа лингвостилистик воситалар қатори дoston баёнининг образли бўлиши учун хизмат қилган. Аммо бу мақолларнинг қўлланишидаги ўзига хослик шундаки, улар асосий мазмун сақланиб қолиниб, аксарият ҳолларда айрим структурал ўзгаришлар билан қўлланган ва бу дoston поэтикаси билан боғлиқ тарзда содир бўлган. Тилимиздаги мавжуд моделлар асосида янги мақоллар, афористик жумлаларнинг яратилишини эса Эргаш Жуманбулбул ўғлининг халқ тилини мукамал даражада билиши ва поэтик, дoston айтиш маҳоратининг самараси деб тушунамиз.

### **3.2. Достондаги лингвомаданий бирликлар ва уларнинг аҳамияти**

Ушбу тизимдан дostonлар услубига хос бўлган асосий тасвирий воситалар – ўхшатиш, метафора, эпитет, муболаға сингариларни таҳлил этамиз.

*Ўхшатиш.* Поэтик матнлар юзага келишининг муҳим омилларидан саналадиган ўхшатишлар ўзбек тилшунослигида бирмунча яхши ўрганилган<sup>129</sup>.

Ўхшатиш тилдаги энг қадимги тасвирий воситалардан саналади ва унинг юзага келиши диалектик қонуниятларга асосланган. Дастлабки ўхшатишлар жонли тилда юзага келган ва тил тараққиёти натижасида бадиий услуб ва бошқа услубларга кўчган. Шунинг учун уларнинг дostonлар матнида учраши ҳам табиий ҳол сифатида қаралади.

---

<sup>129</sup> Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд. СамДУ, 1975. – Б. 238.; Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 152.; Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. Тошкент: Фан, 1976. – Б. 88.; Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУнашри, 1994. – Б. 72.; Исҳоқов Ё. Ташбех // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970. 4-сон. –Б. 81-84.



“Холдорхон” достони ҳам образлиликни юзага келтирувчи ўхшатишларга ниҳоятда бой ва бу ўринда уларнинг барчасини таҳлил этишининг амалда имкони йўқ. Шунинг учун фақатгина дostonлар услубига хос бўлган, анъанавий характердаги ўхшатишларга тўхталамиз.

“Холдорхон”, “Гўрўғли” туркумидаги дostonлар таркибига кирувчи жангнома дoston ҳисобланади. Табиийки, воқеалар баёни ҳам асосан жангу жадаллар, алоҳида олинган кишилар кўрсатган қаҳрамонликлар тасвири билан боғлиқ. Шундай экан, ўхшатишларнинг қўлланишидаги ўзига хосликни ҳам ана шу жиҳатдан қараш мақсадга мувофиқ бўлади.

Дostonда ўхшаган нарса асосан инсон ва ўхшатиш нарса қудратли жониворлар сифатида намоён бўлади: *аждардай/аждарҳодай/аждарҳолдай, айиқдай, арслондай, булбулдай, бургутдай, бўридай, қарчигайдай, кийикдай, қопландай, кучигидай, кўлбардай, кўппакдай, молдай, наҳангдай, новвосдай, олқордай, отдай, подадай, суқсурдай, тайлоқдай, такадай, товўқдай, тойдай, тулкидай, тулпордай, туядай, филдай, чумчуқдай, шунқордай, эшакдай, қушдай, қўйдай, гиркўкдай, гунондай, ҳайвондай, ҳўкиздай* каби. *Бир пилла Ҳасан Кўлбар қараса, Авазхон йўлбарсдай бўлиб, шердай ҳайбат солиб, аждарҳодай қўзғалиб, майдонга кетиб боради, қарийб қўшиндан чиқиб бораётир* (109). *Гўрўғлибек боради, Оч арслондай ариллаб* (82). *Бирови қоплондай, бирови бўри, Икковини кўрсанг шерларнинг шери* (151). *Кўлбар юрур нордай бўп, Ҳар яғрини қирдай бўп* (177). Улар орасида *-дай* ёрдамида ясалган ўхшатишларнинг фаоллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: *нордай-6, илондай-11, йўлбарсдай-14, итдай-17, шердай- 23.*

Ўхшатиш кўрсаткичларидан бири *-дай/-дек/-доқ* вариантлигида *-дай* нинг қўлланиш частотаси устунлик қилади. 320 марта ишлатилган: *боладай, қападай, найзадай, ойнадай, олмадай, подадай, такадай* каби. 3 марта *-дек:* *гўрўғлидек, гўрўғлибекдек, қиёматдек* қўлланган, *-доқ* қўлланмаган.

Дostonда ўсимликларга ўхшатилиш маҳсулдор эмас. Улар орасида 4 та сўзни - *гул, лола, қизгалдоқ, чинор* ни қайд этиш мумкин. Инсонга нисбатан

сўлмоқ ва очилмоқ сўзлари қўлланганда у гулга ўхшатилади:

- сўлмоқ: *Кўрққанидан Аҳмад Сардор Чопсондан Гулдай бўлиб юзи сўлиб боради* (248). *Қайтгин, бола, ўласан, Тоза гулдай сўласан* (310);

- очилмоқ: *Авазхон ўғлон, бир турфа жонон, юзлари очилган гулдай, тиллари булбулдай, зулфлари сунбулдай, отасининг олдида майдонга — Думалоқ полвонга талаб қилди* (109). Очилмоқ ўрнида матнда кўпинча унинг диалектал варианты *жайнамоқ* дан фойдаланилган ва 18 марта қўлланган ушбу сўз асосан юқоридаги сўзлар билан боғланган: *гулдай жайнаб* (38), *қизгалдоқдай жайнаб* (193), *тоғ лоласидай жайнаётир* (372), *чўздай жайнаб* (342) каби. Очилмоқ қа маъноси яқин бўлган *яйнамоқ* ҳолати ҳам қизгалдоқ қа ўхшатиш билан: *Қрим мамлакати неча юз катта ҳовлиларни ... қизгалдоқдай яйнатиб-ясаб ўтириб эди* (14).

*Тебраниш* маъносидаги диалектал сўз *ирғалиш*га нисбатан 4 ўринда *найза қамиш* бирикмаси қўлланган: *Шоҳ Қайсар ... найза қамишдай ирғалиб, туз туққа суяниб кела берди* (262).

Афсар зангининг қўли чинорнинг шохига ўхшатиш билан: *Қараса, Афсар зангининг бўйи минордай, қўли минг панжали шохчинордай... баччагар экан* (135).

Достонда *-дай* ёрдамида инсон ва унинг сифатлари ҳам ўхшатиладиган объект сифатида олинган: *Эрқубоддай, одамзоддай, марддай, Аваздай /Авазхондай, зангидай, полвонидай, подшоларидай, Сардорбекдай, шохдай, шаҳаншоҳдай, Мисқолдай, одамдай, тоғамдай, боламдай, Самандардай, баҳодирдай, азаматдай, бувишдай* каби. *Бўлмаса, Гўрўглибекдай гайратли шўл вақтдаги валлакатларнинг ичида йўқ эди* (422).

Бу каби ўхшатишларнинг айримлари Эргаш шоир жонли тилга хос бўлган ўзини-ўзига ўхшатиш усулидан ҳам яхши фойдаланганлигини кўрсатади: *Тўйга айтдим Гўрўглидай жўмардни, Келса олиб келсин, икки парини* (7); *Овозасин ошириб, Душманини шошириб, Холдорхондай подшолар*

*Оёзига бош уриб (347); Кўр қип Тўхтамишдаи зўрнинг кўзини, Девларни ҳасратли қилган тўрамсан (363) каби.*

Достон матнида ўхшатишларни юзага келтирувчи *сингари, қадар, янглиз, бамисоли, бамисли, мисоли, мисли, монанд, худди, нақ, айнан* каби сўзлар учрамайди. Фақат *каби* 2 марта, *гўё* 4 марта қўлланган, холос. Грамматик воситалардан *-симон, -она, -омуз* ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Асосан *-дай/–дайн* қўлланган. У уч юздан зиёд сўзшаклга қўшилган. *Ғойибона* (5 марта), *мардона* (6 марта), *шоҳона* (3 марта), *подшоҳона* (2 марта) сўзлари таркибида *-она* воситаси ишлатилган. *Полвона* сўзи таркибидаги *-а* нинг ўхшатиш воситаси сифатида қўлланишида Эргаш шоирнинг маҳорати маълум бўлди, уни *-часига* ўрнида ишлатади: *Буни Кўлбар кўриб, майдонни полвона айланиб юриб (160). Энди Кўлбар икки қўлни кўтариб, Полвона қўшинга талаб айлади (168).*

- *дайн* нинг қўлланиш частотаси юқори эмас, у *қўйдайн, тоғамдайн, ўзимдайн, мендайн, қайсардайн, бирдайн, юнусдайн, ўтдайн* сингари сўзлар таркибида қўлланган.

Ўхшатишли бирикмаларнинг уюшиқ ҳолда келиши ифода жараёнига алоҳида бир оҳанг бағишлайди, ўзига хос ритмни ва баён услубини вужудга келтиради: *Холдорхон подшо Гўрўглибекнинг келганини билиб, ичи замга тўлиб, ранги гулдай сўлиб, ҳар кўзи шокосадай, шоҳ мурти шондай урти кўҳна қондай, ҳар чаккаси деҳқони икки чорак топдай, қорни қападай, калласи тепадай, икки қулоғи кўҳна ярти сурпадай бўлиб, подадай бақириб, ҳўкиздай бўкириб, айиқдай ақириб...*(86). Ана энди Гўрўғлибек Авазхоннинг бу сўзларини *эшитиб, билиб, илондай захри келиб, аждарҳодай қаҳри келиб, шердай ҳайқириб, йўлбарсдай чирпиниб, қоплондай чобиниб, кўзлари ўтдай ёниб...* (33). *Аҳмад Сардор бу сўзларни эшитиб, ҳар кўзи шокосадай бўлиб, қаҳри келиб, илондай захри келиб, ҳар урти қондай, шоҳ мурти шондай бўлиб (55). Ана энди Аҳмад Сардорнинг қаҳри келиб, илондай захри келиб, аждарҳодай тўлғониб, қоплондай чопиниб, шердай ҳайқириб, йўлбарсдай*

*чирпиниб, айиқдай ақириб, подадай бақириб, эшакдай ҳанграб, новосдай манграб, итдай улиб, тентакдай кулиб, Мирза Аскарнинг қўрққанини билиб, Мирза Аскарни мазақ қилиб...* (65). *Бу сўзларни Борса келмас подшоҳи шоҳ Қайсар эшитиб, қаҳри келиб, илондай захри келиб, подадай бўқириб, итдай ҳуриб, эшакдай ҳанграб, ҳўкиздай мўнграб, ҳайқириб, довши варқираб, арқираб қўяберди* (261). Улар орасида *қаҳри келиб, илондай захри келиб* сингари анъанавий турғун бирикмалар ҳам учрайди.

Айрим ўхшатишли элементлар муболаға ҳосил қилишда шоирга қўл келади: *ҳар кўзи шокосадай, шоҳ мурти шопдай, урти кўҳна қопдай, ҳар чаккаси деҳқони икки чорак топдай, қорни қападай, калласи тепадай, икки қулоғи кўҳна ярти сурпадай бўлиб* (86); *Афсар зангининг ... эгинлари беш-олти одам чой ичиб ўтирадиган супадай, бурни тегирмоннинг новидай, чаккалари деҳқоннинг катта тобидай, лаби ариқнинг рошидай, тишлари омонинг тишидай, кўзлари новвойнинг тандиридай, билаги синган харидай баччагар экан* (135) каби.

*Метафора* бадий услубнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланиб, “*нарса ва ҳодисалар, уларни англатадиган тушунчалар ўртасидаги диалектик мувофиқлик ва алоқадорлик сўзларнинг нутқда бутунлай янги маъноларда қўлланишини келтириб чиқаради ва у мутлақо ижодкорнинг субъектив қарашларига ҳамда имкониятига боғлиқ равишда юзага келади. Бадий услубда поэтик метафора фақатгина муҳим тасвирий восита бўлиб қолмасдан, балки бадий тафаккур элементига, эстетик ҳодисага айланиб кетади*”<sup>130</sup>. Уларнинг дostonларда учраши эса ўзига хос тарзда кечади. Бошқача айтганда, дostonларнинг “ўз метафоралари” мавжуд ва уларни дostonлар услубига хос анъанавий метафоралар деб қараш мумкин.

“Холдорхон” матнидаги метафоралар таҳлилини анъанавий метафоралар доирасида чегаралаймиз.

---

<sup>130</sup> Каримов С. Бадий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУнашри, 1994. – Б.18.

Юқорида ўхшатишлар ва эпитетлар мисолида қараб чиқилган *арслон*, *шер*, *йўлбарс*, *қоплон*, *аждаҳо* сингари сўзлар куч-қудрат рамзи сифатида метафора бўлиб келган: *Айт саломим қирқ йигитнинг барига, Хизматкори қирқ арслонга салом де* (391). *Бирови шер бўлса, бирови арслон, Майдонда ҳайқириб иккита қоплон* (322). *Ул шерлар, йўлбарслар, юрт олгувчи жаҳонгирлар ҳали қараб турибди* (165).

Халқ тилида *аждар* сўзини ижобий маънода қўллаш одат эмас, у худди *илон* сингари салбий оттенка беради. Аммо Эргаш шоир бу сўзни ижобий маънода қўллаб, ундаги кучлилиқ хусусиятини биринчи даражага олиб чиққан: *Икки лашкар томошага қарайди, Ўртада олишар иккита аждар* (152). Кичик матнларда уларнинг кетма-кет келиши тасвирни кучайтиришга бўлган интилиш натижасидир: *Тоза девнинг ҳайбари, Ҳайбарларнинг тождори, Аждарларнинг аждари, Ҳасан бобонг жўнади* (413) каби.

*Тоз* сўзи ҳам қудрат рамзи сифатида метафоризациялашади: *Икки дарё тўлқиндай бўп тўлади, Икки тоғ суйканиб ҳаво қилади* (153). Халқ тилида *қўзи* сўзи метафора сифатида қўлланганда меҳрибонлик оттенкасини беради: *Жияним — Авазхон, қилгин томоша, Сўзимни, қўзим, ол; Аваз, кўп яша* (111). Бу каби метафорлар сирасидаги *шунқор* сўзида ҳам ижобийлик оттекаси кучли: *Ҳасан Кўлбар тарафи йўқ, чин шунқор, Афсарни майдонда кўтариб урди* (155).

Достон матнида баъзан Эргаш шоир бадиий тафаккурининг олий маҳсули бўлган оригинал метафорлар учрайди: *Ў, осмон шотиси, чўлкезар узун аҳмоқ, баччагар!* (112).

*Эпитет*. “Холдорхон” достони матнида бошқа халқ оғзаки ижоди намуналари каби бадиий аниқловчилар – эпитетларнинг қўлланиши жуда фаол. Достондаги ифода тасвир воситаларининг бу турини И.Болтаева “Соф эпитетларнинг лирик турига хос бадиий-эстетик хусусиятлар” номли мақоласида *сатта ботир, олмос қилич, сонсиз одам, беўлчов мард, шум*

*баччагар* каби эпитетлар мисолида қисман таҳлил этган<sup>131</sup>. Аммо бу қўлланишга дostonчилик анъаналари нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, доимий эпитетлар асосий ўринда туради.

Доимий эпитетлар орасида дoston қахрамонларининг куч-қудратини ифодаловчи элементлар ажралиб туради ва бу вазифани асосан кучли жониворлар номлари адо этади. Масалан:

- *шер* сўзи 27 марта қўлланган ва асосан эпитет бўлиб келган: *шер тоға* (16), *шер йигит* (99), *Ҳасан Шер* (163), *Шер Ҳасан* (417), *Кўлбар Шер* (188), *шер Аваз* (312) каби. Ҳасан Кўлбарнинг тавсифи билан боғлиқ ҳолатларда уч тасвирий восита – ўхшатиш, метафора, эпитет ўртасида муайян ички боғлиқлик кузатилади. Айтайлик, дастлаб, Ҳасан шерга ўхшатилади: *Ҳасан Кўлбар юлқинади шердай бўп, Аввал-аввал занги юрди бирдай бўп* (155). Иккинчи бир ўринда шу ўхшатиш асосида шерлик унинг сифатига айланади: *Ҳе, ҳе, ҳе деб Тўмбоқ йиқилди, Кўринг Ҳасан шер норди* (163). Яна бир ўринда у тўғридан-тўғри *шер* деб аталади: *Ҳасан Кўлбар шер ўзи, Кўймоқлиги шарт бўлди* (188). Кўринадики, *Ҳасан-шер* муносабатида *шер* сўзи матнда ўхшатиш, эпитет, метафора вазифасининг қайси бирини ўташидан қатъи назар, моҳият ўзгармасдан қолаверади. Барча ҳолатда ҳам белги-хусусият сифатида *куч* тушунчаси асос қилиб олинади ва ҳайвондаги бу хусусият инсонга кўчирилади. Шу йўл билан дostonчилик услубига хос бўлган ифода воситалари юзага келади ва уларга оғзаки ижод жанрларининг ҳеч бирига дostonлардагичалик фаол мурожаат қилинмайди.

Ўхшатиш-эпитет-метафора занжирида турган сўз образлиликнинг энг юқори чўққисига кўтарилиб, метафора мақомига етганда ўзига эпитет олиш имкониятига эга бўлади: *Майдонга кел, майдонга кел, Мендай улуг арслонга кел!* (266) каби;

---

<sup>131</sup> Болтаева И. Соф эпитетларнинг лирик турига хос бадиий хусусиятлар (“Холдорхон” дostonидаги сифатлашлар ҳақида) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. 2-сон. — Б.44.

- *йўлбарс* сўзи гарчи 28 марта қўлланган бўлса-да, эпитет вазифасида кўзга ташланмайди. Лекин *чин йўлбарс* (26) каби ҳолатларда ўзига эпитет олган. Аксарият ҳолларда у ўхшатиш ва метафора тарзида дoston қаҳрамонларининг хусусиятларини кўрсатишга хизмат қилган: -ўхшатиш: *Ёвмитнинг шер-нори, Йўлбарсдай бўп боради* (84). -метафора: *Шул зангига талаб қипсан, йўлбарсим, Баракалла юрагингга, жаллодим* (144).

Халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларида, масалан, эртақларда салбий образ сифатида ўзининг ёвузлик ва йирткичлик хусусиятлари намоён бўладиган *бўри* ва *қоплон* дostonларда худди *шер, арслон, йўлбарс* сингари кучлилик маъносида қўлланади. Дostonда *бўри* сўзи 15, *қоплон* сўзи 4 марта қўлланган ва асосан ўхшатиш шаклида келган: *Ботирлари бўридай, Кўрқоқлари қўйдаи бўп* (221). Худди шу маънони у метафора шаклида ҳам беради: *Сен қўйсан, мен бўриман, Мен қасдингда туриман* (310) каби. Ўхшатиш маъноси сўзнинг мана бу шаклларда келишига қарамасдан англашилаверади: *От қўяди бўри бўп, Бўриларнинг зўри бўп* (220).

- *қоплон* сўзи 4 марта қўлланган ва барча ҳолатларда юқоридаги таъкидланган маъноларда ўхшатиш шаклида учрайди: *Бирови қоплондай, бирови бўри, Икковини кўрсанг шерларнинг шери* (151).

- *қарчигай* сўзи 7 марта қўлланган ва кўпинча ташқи кўриниш қиёсланган: *Баракалла, ҳимматингга, Авазим, Қарчигай келбатли шунқор, шоҳбозим* (110). Ёрга мурожаатда келтирилган эпитетлар силсиласида мазкур сўз ҳам гўзал ифодаларнинг бири сифатида иштирок этади: *Э, вафоли ёрим, ...товус сурагим, қарчигай келбатим, уйимнинг тўласи, тож-даватим, эй, қўй-чи, сенга сандираб ўтирайинми, Ёвмит элатим, ҳар на бор ҳолатим, кўнгил тўқим, бори-йўғим, сенсан-да!* (367).

Айни пайтда бу сўз ўхшатиш шаклида ҳам қўлланган: *От қўяди тойдай бўп, Олғир қарчигайдай бўп* (221) каби.

Халқ достонларига хос бўлган доимий эпитетлар орасида металлларнинг номлари – *кумуш, олмос, олтин, пўлат, тилла* сўзлари ҳам асосий ўринда туради.

*Кумуш* сўзи 18 марта қўлланган ва бу қўлланишда икки хусусият кўзга ташланади:

- стилистик формулалар таркибида келади: *Кумуш бўлар тарлон қушининг чегаси, Ғўла бўлар бедав отнинг тўғаси* (25);

- жангчининг ва от асбоб-уловларининг материални ифодалайди: *кумуш камар* (258), *кумуш узук* (373), *кумуш давур* (258), *кумуш юган* (258), *кумуш қошли эгар, кумуш узанги, кумуш қуюшқон* (333) каби.

Бундан ташқари *кумуш дастийўй* (331) ва *кумуш авлиё* (260) эпитетли бирикмалари ҳам учрайди. ...*айтаман шиша пайгамбарларга, тилла чорёрларга, кумуш авлиёларга, қалайи машойихларга, биринж мужстаҳидларга* (260) мисолидаги эпитетлар қримликларнинг кофир эканлигига, уларнинг шиша, кумуш, қалайи каби материаллардан ясалган санамларга сиғинишига ишора бўлиши мумкин.

*Олтин* сўзи 10 марта ишлатилган. Бу ерда ҳам *кумуш* сўзидаги сингари ҳолатлар кўринади:

- идишнинг аниқловчиси: *олтин пиёла* (5), *олтин коса* (428). *Олтин коса, гулгун шароб Ичилди майдон ичинда* (284);

- от асбоб-уловларининг материали: *олтин тўқа* (16), *олтин жилов* (146), *олтин даста* (271), *олтин жабдуқ* (332), *олтин жиға* (391). *Гўрўглибек бу ҳолни кўргандан олтин дастали қамчини бошидан айлантириб...* (271). *Отангизнинг олтин жилови бўлиб, у кишилар Қримга келгандан бери нима қилди?!* (146) каби. *Олтин соқа* (49) эпитетли бирикмаси ҳам қўлланган: *Туркманнинг олтин соқаси Бўйни йўгон буқаси* (49)

*Пўлат* сўзи 17 марта ишлатилган. Энг фаол бирикма *пўлат совут* бўлиб ҳисобланади. У 6 марта қўлланилган: *Сувсиз чўлда келади Пўлат совут устида* (342) каби. Бундан ташқари *пўлат занжир* (384), *пўлат мих*



(390), *пўлат найза* (282), *пўлат ханжар* (284), *пўлат тош* (286), *пўлат қилич* (83) бирикмалари ҳам учрайди.

Мазкур сўз метафоризациялашганда ўзига эпитет олади. Бу эпитет вазифасини *исфаҳон* сўзининг бажариши характерлидир: *Кўп ерда майдон қилиб, остида Ғиркўк оти, қўлида шамишир – олмос исфиҳон пўлати, ҳар бир сафларни бузиб, шўл кунни кўп ишлар кўрсатди, не бир ботирман деганларни агнатди* (280).

*Тилла* сўзи «металл-эпитетлар» сирасида энг фаоли ҳисобланиб, 42 марта қўлланган. Жумладан:

- нарса предметлар: *тилла тож* (198), *тилла тахт* (334), *тилла муҳр* (8), *тилла пичоқ* (38), *тилла бахмал* (332), *тилла камар* (258), *тилла юзук* (373), *тилла тўн* (432), *тилла туфак* (83), *тилла қарқара* (197), *тилла жиға* (49) каби;

- уруш қурол-аслаҳалари: *тилла туз* (97), *тилла қалқон* (82);

- от асбоб-уловлари: *тилла давур* (258), *тилла юган* (258), *тилла қошли эгар* (332),

*Олмос* сўзи 15 марта қўлланган. Эпитет сифатида кам ишлатилган: *Душман элин излайди, Олмос қилич белида* (82). Деярли барча ўринларда бу сўз метафора тарзида намоён бўлган. У метафора бўлганда ўзига эпитет олиб, шу ҳолатда дostonлар тилида турғунлашади: *Ўтқир олмос Гўрўглининг қўлида, Қайсарни майдонда чопиб ташлади* (322).

Ранг билдирувчи доимий эпитетлар. *Оқ* сўзи 35 марта қўлланган ва асосан *оқ фотиҳа* бирикмаси таркибида келган (23 марта). Қолган *оқ соқол* (243), *оқ юз* (259), *оқ кўнгил* (270) бирикмаларида ҳам жонли тилдаги турғун ҳолатида қўлланилган. Фақат ялтираб кўринишига ишора қилинган *оқ совут* (37) эпитетли бирикмасини ажратиб кўрсатиш мумкин: *ботирларнинг устида оқ совут офтобда ярқираб, минган маст отлари бир-бирига арқираб...* (37).

*Қора* сўзи 46 марта қўлланган бўлса, асосан кўчма маънода қўлланган. Бу унинг эпитетли бирикма ҳолатида ҳам намоён бўлади: *қора кун* (9 марта),

*қора ер* (7 марта), *бети қора* (74), *юзи қора*, *қора юз* (87), *қора багир* (136), *қора оломон* (261), *қора кўз* (332), *қора қош* (332) кабилар метафорик ҳолатда қўлланиб, бевосита инсоннинг ўзини атайди. *Сен қул ўлганда қайси туркманнинг бити қора кияди* (65). *Ундан сўнг ёмон отли бўлиб, қора от кўтарсак, эли-халқнинг бетига қандай қараймиз* (74) гапларида *қора* сўзи муваффақиятли қўлланган. Халқ орасида *қора киймоқ* ибораси бўлса ҳам, у *бити қора киймоқ* тарзида, *ёмон отли*, *ёмон отли бўлмоқ*, *ёмон от кўтармоқ* иборалари эса *қора от кўтармоқ* шаклида қўлланишини Эргаш шоирнинг маҳорати сифатида қараш тўғри бўлади.

Мазкур сўз *қора тош* (326), *қора майиз* (332), *қора қўрғон* (360), *қора уй* (381), *қора дев* (363), *қорабош туз* (37) каби бирикмалар таркибида ўз маъноларида қўлланган. *Қора қон* (45) бирикмасида рангни кучайтириб ифодалаган: *Ана энди мен Чамбилга бориб бу икки қулни ўлдирсам керак, оғзи-бурнидан қора қонини келтирсам керак* (45). Достонда қонга нисбатан асосан *қўчқил* ва *қирмизи* эпитетлари қўлланган: *Оқ бадандан қўчқил қонлар Тўкилди майдон ичинда* (282). *Бўз тупроққа қирмизи қон Тўкилди майдон ичинда*. 282.

*Қизил* сўзи 25 марта қўлланган ва бу қўлланишда алоҳидалик сезилмайди. *Қизил гилам* (14), *қизил гул* (29), *қизил кийим* (50), *қизил бахмал* (333), *қизил либос* (333), *қизил лола* (372) бирикмалари таркибида ушбу элементнинг қўлланиши достон матни учун аҳамиятли эмас. Улар халқ орасида шу тарзда қўлланган. 15 марта қўлланган *қизил қон* бирикмаси ҳақида ҳам шу гапни айтамыз: *Йигитлар кириб майдонга, Бўялгандир қизил қонга* (274) каби. Лақаб сифатида *қизилбош* сўзи 143 марта қўлланган. *Қон қизил сувдай оқиб, бошлар юмалаб* (272) жумласидаги *қизил сув* муваққат характерга эга бўлиб, сувнинг муайян бир ҳолатдаги рангини кўрсатган. *Қизил қизгалдоқ* (343) бирикмасида тавтология мавжуд: *Бари қизил қизгалдоқ, Қизил-яшил кийибдай* (343). Аммо *қизил* ва *қўчқил* ранглариининг жуфтлашган ҳолда қўлланиши ифодада бирмунча аниқликка эришишга хизмат қилган:

*Келганнинг барининг олинг жонини, Ерга тўкинг қизил-қўчқил қонини* (210). Мана бу *Бари қизил қизгалдоқ, Қизил-яшил кийибдай* (343) парчасидаги *қизил-яшил* жуфтлиги эса ранг маъносини умумлаштирувчи восита бўлган.

Достон матнида учрайдиган *қўк, сариқ* сўзларида ҳам халқ оғзаки ижодига хос хусусиятлар ажралиб турганлиги кўзга ташланмайди. Фақатгина *яшил* жанг олиб бораётган тарафнинг байроғи белгиси сифатида алоҳида хусусиятга эга бўлган: *Қўлидаги яшил туз Тилла туфак йилтираб* (83).

Достонда эпитет олувчи *қилич, найза* каби махсус жанг қуроллари ҳамда улар билан биргаликда қўлланадиган алоҳида эпитетлар бор. Бу жанг қуролларини ифодаловчи *қилич* 77 марта, *найза* 17 марта қўлланган. Табиийки, уларнинг эпитет олиш имкониятлари ҳам шунга пропорционалдир. Масалан, *қилич* асосан *олмос* эпитети билан биргаликда қўлланган: *Сатта ботир сайланган, Олмос қилич бойланган* (342). Бундан ташқари *пўлат қилич, ўткир қилич* эпитетли бирикмалари ҳам ишлатилган: *Пўлат қилич белида Узангида ширқиллаб* (83). *От чопилди қизилбошлар қасдига, Ўткир қилич чин ботирнинг дастида* (323).

*Қирғиз бўлса, олинг қилич остига, Энди қирғиз боласига омон йўқ* (206). *Қирғиз бўлса қолди қилич остига, Беклар минса чин бедовнинг устига* (207) каби мисраларда *қилич* сўзи Эргаш шоир яратган фразеологизмларга асос бўлиб хизмат қилган.

*Найза* сўзининг эпитет олиш имконияти достонда жуда чегараланган. Фақат бир ўринда *Оқ баданга пўлат найза Чекилди майдон ичинда* (282) тарзида қўлланган. Бошқа ўринларда ўз маъносида ишлатилган. 4 ўринда сўзнинг ўзи метафорик эпитет тарзида қўлланган: *найза қамшидай иргалиб, юриши ерни ларзон бериб, селдай кела берсин* (262) каби.

Бу тилга олинган жанг қуроллари алоҳида хусусиятларга ҳам эга. *Кескирлик* ва *ўткирлик* ана шундай хусусиятлардир: *Ўткир қилич қўлида Бек Гўрўгли қон сочди* (288) каби. Айрим сўзларнинг метафоризациялашуви бу поэтик аниқловчиларнинг қўлланиш имкониятларини кенгайтирган: *кескир*

*исфиҳон* (280), *кескир нўлат* (342), *кескир ханжари* (340), *ўткир олмос* (13) каби.

Достондаги инсонга нисбатан қўлланган *ботир* сўзининг эпитетлик хусусияти ҳам эътиборга молик. Достон матнидаги *ботир эрлар* (26), *ботир беклар* (26), *ботирларнинг ботири* (143) бирикмаларини олайлик.

ЎТСИЛда *ботир* нинг *жасур*, *довюрак*, *юракли*, *қўрқмас*, *шижоатли*, *мард*, *ёвқур* синонимлари кўрсатилган<sup>132</sup>. Х.Дониёров бу қаторни *ўткир*, *чабдас*, *қайтмас*, *кескир*, *қайсар* элементлари билан тўлдиради<sup>133</sup>.

Достон матнида *ботир* сўзи частотаси эпитетлар орасида юқори даражада. У турли морфологик ва субстантивациялашган шакллари билан 267 марта қўлланган. Шунинг учун ҳеч иккиланмасдан ушбу сўзни қаҳрамонлик туркумидаги достонларга хос эпитет сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Қиёс учун қуйидаги далилларни келтирамиз: матнда *ўткир* сўзи 8 марта қўлланган. Фақат бир ўринда одамга нисбатан, қолган барча ҳолатларда қиличга нисбатан ишлатилган: *Ўткир*, *қўлидан иш келадиган*, *баҳодир-ботир йигитлар жам бўлиб йигилсин* (229). *Қайтмас* 5 марта қўлланилган, фақат бир ўринда *ботир* га маънодош бўлган: *Икки ёқ ҳам бирдан айтар ур-а-ур*, *Бариси ҳам кейин қайтмас баҳодир* (120). *Кескир* 4 марта фақат қиличга нисбатан қўлланган. *Қайсар* сўзи 198 қўлланган. Ушбу сўзнинг адабий тилда *ўжар*, *қийиқ*, *тихир*, *баттол*, *акс*, *саркаш*, *кажбахс*, *терс*, *гож* синонимлари мавжуд<sup>134</sup>. Шеваларда эса, масалан, ўғуз тип шеваларда яна *ландавур*, *бир ишни ёлчитиб қилмайдиган* маънолари бор<sup>135</sup>. ЎТИЛда *а. Рум подшоши. Умуман подшоҳ*, *ҳоқон* тарзида изоҳланган<sup>136</sup>. Достон матнида эса фақат *Борса* келмас мамлакатининг подшоши номи бўлиб келади. Гарчи адабий тилда у *ботир* сўзининг маънодоши сифатида ўз

<sup>132</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 65-66.

<sup>133</sup> Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 41.

<sup>134</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 241.

<sup>135</sup> Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шевалари ва уларни ўрганиш ҳақида маълумот // Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 154.

<sup>136</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 540.

кучини йўқотган бўлса-да, достон матнида ҳам бирон ўринда шу маънода келмаса-да, унинг айнан *ботирлик, жасурлик* маъноларига нисбат берилиб, ҳукмдорлар шу ном билан аталгани аниқ. Унинг ана шу маъноси халқ оғзаки ижоди намуналарида, жумладан, достонлар тилида сақланиб турибди.

Шунингдек, *Бол Аваз, дутор бўйин от, қора қош, хумор кўз* каби эпитетли бирикмалар ҳам достон матнидаги турғунлашган бирикмалар саналади. Улар бошқа достонларда ҳам учрайди: *Бол Аваздир Гўрўглининг дилбанди, Осойишта азиз жонин хурсанди* (30). *Дутор бўйин араби отлар Чопилди майдон ичинда* (282). *Қоши қора, кўзи хумор, Борсанг йўлдан шарбат тутар* (434) каби. Достондаги *чунгур кўз бургут* бирикмасини ҳам бошқа достонлар матнида учратмадик: *Қобогини уйибди, Чунгур кўз бургутдай бўп* (81).

Айни пайтда, Эргаш шоирга мансуб гўзал эпитетларга ҳам дуч келамиз: *Бир хат қилиб, муҳрлаб, ўн бўғча сарпо, ўн яхши бедов от, ўн хачир зар-тилла, ўн канизак: барно, қаламқош, ингичка бел, нозпарвар, сунбулмўй, фариштахўй барнодан, ўн киши элининг доносидан элчи қилиб юборди* (260). *Ў, валлакат, бизларнинг кўнглимизга катта бир хавотир келаетир, хаёлимиз тарлон, ҳар тусли бўлаётирмиз* (40) каби.

*Элининг оғаси, тўннинг ёқаси* бирикмалари ҳам достонлар услуби учун мос келадиган эпитетли турғун бирикмалардир: *Туркман элининг оғаси, совут-тўннинг ёқаси* (65).

Достон матнидаги ўхшатиш, эпитет, метафора сингари тасвирий воситалар таҳлилидан шу нарса англашиладики, бу ифодаларнинг барчаси муайян даражада тасвири бўрттириш билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

*Муболага* тропларнинг бир тури сифатида қаралиб, аслида халқ оғзаки ижодига хос бўлган усулдир. Инсонга, нарса-ҳодисага хос бўлган хусусиятни меъёридан ортиқ даражада тасвирилаш, яъни муболага санъати достончиликда кенг қўлланилган. Уларнинг маълум қисми халқ достонлари учун анъанавий характерда бўлган. Масалан: “Холдорхон”да: *Гўрўглининг овозаси оламни*

*тутди, донги Догистон кетди, ҳайбати шу замондаги подиоларни қўрқитди* (5). “Кунтуғмиш”да: *Аммо Холбека ўн тўртга киргандан кейин... овозаси оламга кетди, донги Догистондан ўтди; «Холдорхон»да: Дарқахр бўп Самандардай Аҳриман, Ўн минг ботмон калтак (олиб) қўлига (393). Эр Самандар қобогини уйибди, Ўн минг ботмон пўлат совут кийибди (393); “Алпомиш”да: Тақимида беш юз ботмон калтаги, Қайқайиб боради бадбахт Кўкалдош (149). Ул алплар қандай алп: ёйандоз, мерган алп, ҳар қайсиси тўқсон ботмон темирдан совут кийган, ҳар қунига тўқсон ширбознинг этини таътил қилган... зўр полвондир (38).*

“Холдорхон”да *ботмон* нумеративи *уч, беш, ўн,ўн беш, йигирма, қирқ, эллик, олтмиш, саксон, тўқсон, юз, юз эллик* сонлари билан қўлланган (89,384). “Алпомиш”да эса асосан *ўн тўрт ботмон, тўқсон ботмон* қўлланган, баъзан *олтмиш ботмон, ўн ботмон* бирикмалари ҳам учрайди. Бу каби қўлланишлар бахшиларнинг сўз қўллаш услуби билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ёки: “Холдорхон”да: *Қалқоннинг садоси, эрлар зарбига, Довушига, кўринг, фалак кар бўлди (321); Карк тери қалқонни орқага ташлаган, бир найзайи олмосни қўлига ушлаган бир одам келаётибди, ҳайбатига тоғлар чидай олмайди, ер zilзилада, осмон чарх уриб айланади (319); “Алпомиш”да: Рози бўлиб худо қилган ишига, Фалак титрар юрганда нолишига (329). Ҳайбатимдан титраб кетса фаранги, Тошкантининг мулкинда эр бобо Занги (142).*

Итальян файласуфи Деметрийнинг фикрича, муболаға нарса-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка, бир нарсадаги белги-хусусиятнинг иккинчисидигига нисбатан ортиқлигига, бирон воқеа-ҳодисанинг амалга ошиши мумкин бўлмаслигига асосланади. У таъкидлайдики, ҳар қандай муболаға сохта стилистик усулдир ҳамда у кишида сунъий таассурот қолдиради<sup>137</sup>. Аммо у қанчалик сохта ифода воситаси бўлишидан қатъи

---

<sup>137</sup> Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари, 1994. – Б. 37.

назар, унинг қўлланиши халқ оғзаки ижодига, хусусан, дostonларнинг тасвир усулига мос келади.

*Бир* сўзи ҳам жонли тилда, гарчи муболаға даражасига етмаган бўлса-да, кучайтирув воситаси сифатида нарса-ходиса ва ҳаракатнинг меъёрдан ортиқ эканлигини кўрсатишга хизмат қилиши дostonлар матнида ўз ифодасини топган: “Холдорхон”да: *Бир қаттиқ саваш бўлиб, Шоҳлар кўзи ёш бўлиб* (286); “Алпомиш”да: *Ана энди ўн олти уруғ Кўнгирот элида бир чуфурон тўй бўлди* (14) каби.

*Бир* сўзига не элементи қўшилганда кучайтирув оттенкаси янада юқори даражага кўтарилади: “Холдорхон”да: *Не бир манман деганнинг Калласи тандан узилди* (189). *Одам бўлса, кўрса энди урушди, Не бир билак эрлар ўртага тушди* (121); “Алпомиш”да: *Не бир хотинлар вақти хуш бўп боради, Анча танга бунда унум қилади* (166) сингари.

Жонли тилда ёмон, қанча сўзлари ана шундай кучайтирув оттенкасини беради: “Холдорхон”да: *Ёмон қаттиқ уруш бўлди, Бўлиб қолди шундай бир иш* (128). *Эр Бердиёр қатордаги нор эди, Қанча десанг, бу ҳам шунча бор эди* (63); “Кунтуғмиш”да: *Кел-е, бунга акангман, деб айтмайин, бизлар хонзодамиз, деб айтсам, оғзи ёмон тезоб экан, ҳар кимга бизлар подшозодамиз, деб айта берар. Икки юз жаллод, тўрт юз миргазаб, қанча оломон билан сомонхонага қараб равона бўлди.*

Ўхшатиш воситалари ҳам муболағани вужудга келтиришга хизмат қилади: *Ҳасан Кўлбар: — Мен ҳам Авазхонни майдонга юбормайман! — деб вагир-вуғур этиб, булутдай гулдираб, осмондай гуркираётир* (301). *Отамнинг тўрт Ҳасани бор, ҳар қайсининг катта ҳовлидай, ҳовлидай корсони бор, уларнинг ўлчови — корсони* (16).

Бу тасвирий воситалардан ташқари дostonда яна — *Қани, менга полвонларинг борми, бўлсанг, кел, биринг қўрқсанг, ўнинг кел, ўнинг қўрқсанг, юзинг кел, юзинг қўрқсанг, мингинг кел! — деб лоф уриб* (265) сингари синекдохалар, *Кўрдингларми ботир итлар майдонни, Қайтарарман сендай*

*тўзгур душманни* (58) каби оксюмаронлар, *Шунда парига далбанглаб: — Ў, Мисқолжон болам, опанг омонми, тани-жони соғми, ошқуяри омонми, юраги бутунми, вақти хушми, тани соғми —, деб жавраб қолди* (239) сингари перифразалар, *Ана энди ҳай-ҳой, вой-вой, ур-ҳа, ур, ол-ҳа, ол, сур-ҳа, сур, жур-ҳа, жур, кир-ҳа, кир бир тало-тўп бўлиб, ер ларзонга келди, осмон айланиб, бу шовқумга жаҳон қулоғи кар бўлди. Ажал осмондан ёғиб, олтмиш яшар билан олти яшарнинг жони бир баҳо бўлиб, ажалнинг бозори қизиди. Қазо осмондан қараб, оғзига енгини тутиб кулар эди. Ол энди кушо, куш, ур-ҳа, ур, қир-ҳа, қир, ҳой-ҳой шовқумга жаҳон тўлди* (166) сингари жонлантиришлар, *Неча кунлар йўл юриб, озгина эмас, мўл юриб, қанча тоғу чўл юриб* (14). *Остида ўйнайди Фирқўкдай оти* (30). *Эғнида карк тери, белда исфиҳон* (30) каби дostonлар услуби учун хос бўлган штамплар ҳам поэтик тасвирнинг муҳим унсурлари сифатида иштирок этган. Ўрни билан сўз ўйинлари қилинган, субъектив баҳо шакллари плеонастик қўлланган: *Чамбил бел – Чамбилнинг бели: Соғ бориб, саломат келгин, фарзандим, Сен билан ободдир Чамбилнинг бели* (10), *Хур масаллик ўғлон, тарафсиз полвон Жиянимиз Авазхонжон омонми?* (386) каби.

### **3.3. Поэтик фигураларнинг қўлланиши**

Стилистик формулалар, такрорлар, айрим анъанавий штампларни дostonлар услубига хос поэтик фигуралар сифатида қараб чиқамиз.

*Стилистик формулалар.* Дostonлар поэтикасида муҳим ўрин тутадиган стилистик формулалар ўзбек тилшунослигида тадқиқот объекти бўлган, унда мазкур тасвирий воситанинг қўлланиш хусусиятларининг назарий ва амалий жиҳатлари кўрсатиб берилган<sup>138</sup>. “Ўзбек тили тасвирий воситаларининг қадимий ва миллий кўринишларидан бири сифатида стилистик формулалар дoston импровизациясида ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади, ундаги ғоялар ва мотивларга ҳамоҳанг тарзда майдонга келади, –деб ёзади

<sup>138</sup> Маҳмадиев Ш.С. Ўзбек халқ дostonлари тилида стилистик формулалар. Филол. фанлари номзоди ...дис. – Самарқанд, 2006. – Б.183.



Ш.Маҳмадиев. — Бу унинг туркий ва дунёнинг бошқа халқлари халқ оғзаки ижоди намуналари учун ҳам хос эканлигига ҳамоҳангдир. Улар бир томондан, дostonчиликдаги анъанавийликнинг, иккинчи томондан, импровизация жараёнидаги баён усулига хос бўлган ижодий руҳнинг сақланиб қолиши, учинчидан эса, ҳар бир дoston ижрочисининг маҳоратини намоиш этишга қўмаклашувчи воситага айланиши уларни бевосита поэтик ходиса сифатида қараш лозимлигини кўрсатади; стилистик формулалар фақат қофия учун ёки импровизация учун деган фикр қанчалик тўғри бўлмасин, таҳлиллар унинг бир ёқлама эканлиги кўрсатди. Улар ё эпик асар қаҳрамони, ё унинг муаллифи руҳиятининг ифодасидир”<sup>139</sup>.

Табиийки, бу муҳим тасвирий восита “Холдорхон”да ҳам самарали қўлланган.

Стилистик формулалар авлоддан-авлодга, асрдан-асрга, асардан-асарга ўтиб келаётган, тилдаги қандайдир бир қотиб қолган бирликлар эмас. Аксинча, халқ бадий тафаккурининг яхлитланган, ихчамлашган маҳсулидир. “Бахшилар дostonчиликдаги, хусусан, стилистик формулаларнинг қўлланилишидаги анъанавийликни сақлаб қолганлари ҳолда уларга муайян ўзгартиришлар киритишга зарурият сезадилар. Бу ўзгаришлар уларнинг индивидуал услуби, бадий тафаккури, қувваи хофизаси доирасида содир бўлади ҳамда стилистик формулаларнинг мазмуни ва шаклига таъсир кўрсатади”<sup>140</sup>.

Импровизация жараёнида маълум ўзгаришларга учраши эса лингвопоэтик талаблар билан юз беради. Масалан, *арила билмади...* стилистик формуласини олайлик. У турли микроматнларда турли шаклларда келади: *Арила билмаган тоғларнинг қори, Арила билмаган тоғнинг тумани* каби. Нега бир мисрада *қор* ва бошқа мисрада *туман* нинг қўлланилганлиги кейинги мисрадан маълум бўлади: *Арила билмаган тоғларнинг қори, Тирама*

---

<sup>139</sup> Маҳмадиев Ш.С. Ўзбек халқ дostonлари тилида стилистик формулалар. Филол. фанлари номзоди ...дис. – Самарқанд, 2006. – Б. 147.

<sup>140</sup> Яна шу манба. – Самарқанд, 2006. – Б. 64.

*пишади боғнинг анори, Маккамсан, Мадинам — қиблагоҳимсан, Арзима қулоқ сол, Чамбил Сардори. Арила билмаган тоғнинг тумани, Адолатли юртимизнинг замони, Маккамсан, Мадинам — қиблагоҳимсан, Арзима қулоқ сол, Чамбилнинг хони* (136). Демак, анъанавий дostonчиликда шу стилистик формулани тўлдирувчи иккинчи мисра икки хил — *Тирама пишади боғнинг анори* ва *Адолатли юртимизнинг замони* тарзида айтилиб келинади. Ўрнига қараб Эргаш шоир уларнинг ҳар иккисидан ҳам фойдаланади.

“Холдорхон”да *билмаганни билдирмоқ* ибораси ҳам стилистик формулаларнинг таркибий қисми сифатида фаол учрайди. Бу, айниқса, *армон билан...* деб бошланувчи стилистик формулаларда кўпроқ кузатилади: *Армон билан билмаганин билдирай, Ханжар солиб қора бағрин тилдирай, Оқ фотиҳа берсанг бўлар, отажон, Шу майдонда барзангини ўлдирай* (136). *Армон билан билмаганни билдиринг, Зўрлик қилиб ичин замга тўлдиринг, Оллоҳ деб от қўйинг Ёвмит беклари, Аввал бошлаб Бердиёрни ўлдиринг* (56) каби.

Стилистик формулаларнинг деярли барчасида ядровий сўзлар ва иборалар мавжудлиги кўзга ташланади. Бу сўзлар ҳаракат ёки унинг объекти бўлиб ҳисобланади. Масалан: *эримоқ=қор: Эрисин, тоғларнинг қори эрисин, Тоға бўлмай, шу бек Сардор қурисин* (73); *очилмоқ=гул: Баҳорда очилган боғнинг гуллари, Олдимизда турган қирғиз эллари* (205); *ошна бўлмоқ=булбул: Булбул ошна бўлар боғнинг гулига. Худой иқбол берсин шошган қулига* (397); *минмоқ/чопилмоқ=от: Минган отнинг сарасин, Тулпор йўлга ярасин, Йигирма кун йўл юриб, Олди Қримнинг қорасин* (84). *Узоқдан чопилар отнинг сараси, Йигитни ингрантар найза яраси* (303).

*От, бедов* сўзи билан боғлиқ стилистик формулалар кўп учрайди ва бу отнинг жанг майдонларида, умуман, фаолиятида инсоннинг асосий ҳамроҳи бўлганлиги билан изоҳланади: *Чопилса аргимоқ отда гуйи бор, Бизнинг элда давлатлининг суйи бор* (7). *Чопилса бедовдан чиққан тер бўлар, Бедовни койитган адр-ўр бўлар* (28). *Ярашмайди дал бедовнинг ёлсизи; Тенгидан кам*

*бўлар марднинг молсизи (9). Отларни койитар тоғларнинг тоши, Оллоҳнинг тўпидир одамнинг боши (305).*

*Нор: Қаторда юк тортган норча-лўклари, Нор туяга ортган оғир юклари, Ўрдага бошқаринг, меҳмон келибди, Гўрўғлининг наъра шердай беклари (8).*

*Чодир: Ярашиққа қўрғон зарли чотири, Давлатлининг кўндир юзу хотири, Ўрдага бошқаринг, меҳмон келибди, Чамбил белнинг сайланишган ботири (8).*

*Гул: Юзи очилган тоза гулнинг лоласи, Топиларми ўлмасликнинг ҳийласи (30). Икковинг нодонсан, зофил бўлманглар, Тоза гулсиз, офтоб тегиб сўлманглар (35) Қайтгин, бола, ўласан, Тоза гулдай сўласан, Шу гурзиман бир урсам, Майда-майда бўласан (310).*

*Қуш: Кумуш бўлар тарлон қушининг чегаси, Ғўла бўлар бедав отнинг тўғаси (26). Кумуш бўлар тарлон қушининг чегаси, Кировкадан совут тўннинг ёқаси (107). Қирғий деган қушлар ётар қиёда, Ўлимча ёмон иш борми дунёда (28) сингари.*

*Сўна: Фарқиллашиб учар кўлнинг сўнаси, Ошиқликни англари қизнинг донаси (28). Кўлда суқсур, сўнади(р). Ақлидан бегонади(р), Энасида дуо олиб Полвон Аваз жўнади (11). Булбул ошна гулига, Сўна юзар кўлига, Неча кунлар йўл тортиб, Борди Чамбилнинг элига (54).*

*Қилич: Олмос қилич белига, Булбул кўнар гулига, Қрим борди ботирлар, Оралади элига (85). Отингни мин қирғизларнинг қасдига, Ўткир қилич чин ботирнинг дастига (205). От чопилди қизилбошлар қасдига, Ўткир қилич чин ботирнинг дастига (323).*

*Куйган қул: Дев-париға подшо бўлган Сулаймон, Куйган қулман, гапни гапга улайман (302). Куйган қулман, гапни гапга уладим, Навбатингни менга бергин, тиладим (303). Куйган қулсан гапни-гапга улатиб, Фаним бўлса зор инградиб жиладиб (362).*

*Бўтадай бўзламоқ: Жоним ота, бўтадай бўп бўзлайман, Ўзим настда, баланд ерни кўзлайман (138). Гоҳ созини созлайди, Гоҳ бўтадай бўзлайди, Аваз, Соқи, бек Шодмон Қрим юртин излайди (11).*

Юқорида стилистик формуларнинг бирмунча фаол бўлган қисми қараб чиқилди. Достон матнида бу тасвирий воситаларнинг, гарчи фаол бўлмаса-да, гўзал намуналари қўлланган: *Пайдо бўлган икки гавҳар дондан, Парвоз қилиб учиб манзилхонадан (361). Савдогар матасин юклар қундуздан, Жоним ота, хабардор бўл бу сўздан (33). Тирама чалқийди ярқираб кўллар, Отам деб кезарман жазира чўллар (395). Ёмғир ёғса ҳалқоб ерлар лойланди, Саваида қўрқоқнинг қўли бойланди (160-161) каби.*

Англашиладики, Эргаш шоир асарни куйлашда тингловчини фақатгина унинг мазмуни билан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. У ҳамиша тингловчиларининг ўзига диққат қилиб туришини, бинобарин, уларга таъсир ўтказиб туришни, бадиий завқ беришни истаган. Баъзан айнан, баъзан маълум мазмуний ва шаклий ўзгаришларга учраган ҳолда қўлланган стилистик формулалар бунинг яққол далилидир.

**Такрор.** Достон матнида энг фаол қўлланилган синтактик фигуралардан бири такрор бўлиб ҳисобланади. “Бадиий услубда такрорнинг вазифаси фақатгина маълум нарса-ҳодисани ёки ҳолатни ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш билангина чегараланмайди. Бадиий асарда, барча бадиий воситаларда бўлгани каби, такрорнинг зиммасига ҳам тил бирликларига эмоционал бўёк, алоҳида оҳанг, жозиба бериш вазифаси юкланади”<sup>141</sup>.

Достонда товушлар такрори фаол эмас. Унинг айрим намуналари сифатида қуйидаги ассонанс – унлилар уйғунлигини кўрсатиш мумкин: *Ол-ол юрди, ол юрди, Озгина эмас, мўл юрди (13) Ол-ол юрди, ол-ол юрди, ол юрди, Озгина эмас, оралиқда мўл юрди (30). От қўяди ол-ол деб, Ол-да, ошириб сол-сол деб (222) каби.*

---

<sup>141</sup> Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУнашри, 1994. – Б. 54-55.

Оҳангдорлик м товуши такрори орқали ҳам ҳосил қилинади: *Элимга қут бўлган юртимга посбон, Улугим, мақбулим, ҳамдамим, дархон, Маишхур давроним, эр сифат султон, Амирим, хоним, тождорим, хўш энди* (337) сингари.

Анафорик такрор учрайди: *Ул ҳам қўшин, бул ҳам қўшин* (272). *У ҳам кўндан, бу ҳам кўндан* (272). *У ҳам лашкар, бу ҳам лашкар* (272). *У ҳам йиғин, бу ҳам йиғин* (273). *У ҳам ҳа деб, бу ҳам ҳа деб* (273). *У ҳам чопар, бу ҳам чопар* (276). *У ҳам қочмай, бу ҳам қочмай* (276) мисраларидаги *у ҳам, бу ҳам* жумлалари ҳар бир тўртликнинг бошида муттасил такрорланади ва тасвирда мувозанатни, ифода объектларининг тенглигини ушлаб турувчи восита вазифасини бажаради.

Мисра охирида такрор учрайди. Гўрўглибекнинг Холдорхон билан хайрлашиб Қрим элидан Така Ёвмитга қайтиш эпизоди анча батафсил тасвирланган бўлиб, ҳар бир тўртликнинг охирида *Гўрўглибек жўнади, Бек Гўрўгли жўнади* жумлалари такрорланиб келган. Масалан, бу такрорланиш дoston матнининг 352-355-бетларида 41 марта содир бўлган: *Чанг қип чўлнинг дарасин, Гўрўглибек жўнади* (352) каби. Ёки Аҳмад Сардорнинг қирғизлар устига бостириб бориш эпизодида *От қўй ганимнинг устига* мисраси 20 марта ҳар бир тўртликнинг охирида такрорланади: *Йигитлар, от қўй майдон деб, Турган қирғиз, сен душман деб, Юрибсан сен ҳам полвон деб, От қўй ганимнинг устига* (212) сингари. Шу микроматннинг ўзида мазкур жумла *От қўй қирғизнинг устига* (211), *От қўйнинг майдон устига* (212) тарзида маълум ўзгаришлар билан такрорланиб туради. Эргаш шоир *от қўймоқ* иборасидан жуда фаол фойдаланган.

Мисралар охирида юз берадиган эпифорик такрорлар ҳам дoston ижроси мусиқийлигида муҳим роль ўйнаган. Шулардан бири 336-339-бетлардаги *хўш энди* эпифорик такрори бўлиб ҳисобланади: *Равшанлигим, тўлан ойим, хўш энди. Мурувватли каж кулоҳим, хўш энди. Чин булбулим, хуш алхоним, хўш энди* (336).

*Энди* сўзининг ўзи эпистрофа тарзида такрорланганда ҳам ифодада ритмни сақлаб туришга, маънони кучайтиришга хизмат қилган: *Энди баринг ўлинг энди, Ерман яксон бўлинг энди* (180). *Бақиради шовқум сон*: “*Кўлбарни энди кўр энди* (178) каби. Аммо бу такрорланишлар ҳамма вақт ҳам муваффақиятли чиққан деб бўлмайди: *Қирон қушдай чангал ёзди эр Кўлбар, Қизилбошнинг энди уйи куйди энди* (168).

Аҳмад Сардорнинг бекларидан бири Фарҳодбекнинг қирғизлар устига бостириб бориш жараёнидаги манманлиги, қирғизларни менсимаслиги унинг тилидан берилганда дostonнинг 231-234-бетларидаги *қирғиз* сўзининг такрори унинг феълидаги шу жиҳатларни очишга хизмат қилган: *Сен менга тенг бўлгин, қирғиз* (231). *Энди тайёр бўлгин, қирғиз* (231). *Ол баробар бўлгин, қирғиз* (231). *Сен ўзингни билгин, қирғиз* (231) каби.

Даъват оттенкасини берадиган ҳа элементининг қўлланиши дoston халқчиллигини таъминловчи аломатлардан бири сифатида намоён бўлади: *Ол-ҳа* (37), *ол-ҳа, ол* (166), *ҳа-ҳа* (38), *кел-ҳа* (57), *от-ҳа-от* (69), *ур-ҳа-ур* (69), *ҳу-ҳа* (113), *эй-ҳа* (139), *ўл-ҳа* (148), *сур-ҳа, сур* (166), *жур-ҳа, жур* (166), *кир-ҳа, кир* (166) каби. *Уруш бўлса, ол-ҳа, ол-ҳа, Ҳариф бўлсанг, кел-ҳа, кел-ҳа, Эшитмадим дема, Холдор, Лашкарингман ўл-ҳа, ўл-ҳа* (148). Биргина *кел-ҳа* 35 марта қўлланилган.

Халқ дostonчилиги услубига хос бўлган бу такрорлар, бир томондан, анъанавийлик намуналари, иккинчи томондан, Эргаш шоир маҳоратининг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, дostonда: абзац даражасидаги матнларни, ҳикоя қилинаётган катта матннинг кичик бўлақларини бир-бирига боғлаш мақсадида *ана энди* жумласи 225 марта қўлланган: *Ана энди тўйга шу тўртовини жўнатмоқчи бўлди* (9). Тўғри, ушбу жумла бошқа дostonларда ҳам қўлланган. Масалан “Алпомиш”да: *Ана энди Барчинойнинг энаси Барчинойдан бу сўзни эшитиб, Барчинойга тасалли бериб, Барчинойга қараб, насиҳат бериб, бир сўз деди* (28). Лекин жумла бор-йўғи 9 марта

қўлланганлигини инобатга олсак, Фозил шоирдан кўра Эргаш шоир унга кўп муурожаат қилганлигини англаймиз. Эргаш шоир куйлаган “Кунтуғмиш”да жумланинг бир марта ҳам қўлланмаганлиги, унинг фақат “Холдорхон” услубига тегишли эканлигини кўрсатади;

- *энди сўзининг ўзи ҳам дostonларда, хусусан “Холдорхон”да ҳам муҳим элемент сифатида иштирок этган, матнларни боғловчи стилистик восита бўлган: Гўрўгли Қримга Холдоршоҳ устига кета берсин, энди сўзни бек Сардордан эшитинг (43). Унга парилар кулиб, бариси шодмон бўлиб, даврон суриб ўтира берсин, энди сўзни Қримнинг подшоси Холдорхон подшодан эшитинг (259).* Бу ҳолатлар сўз ва ибораларни қўллашда Эргаш шоирга хос бўлган индивидуаллик ҳам бўртиб туради.

Достон матнида айрим стилистик ғализликлар ҳам кўзга ташланади:

- *сиз-сен фарқланмайди: Мен келганча сизга бердим жойимни, Ҳам тоғамсан, ҳам отамсан, тоғажон (42);*

- *тушум келишиги ўрнида чиқиш келишиги шакли ишлатилган: Менга билдир кўнглиндаги ўйингдан, Ўйнаб-ўсган денги-дўшлар омонми? (387);*

- *эгаллик кўрсаткичи ортиқча қўлланган: Қрим мамлакатининг қорувлисидан, новчасидан еттита одамни олиб, элчи қилиб юборади (8). Қоравулисидан сўзининг бу тарзда қўлланишини новчасидан уйғунлик туфайли юз берган бўлиши мумкин;*

- *ажратилган сўзлар кимга тегишли эканлиги маълум эмас: Ана энди бу сўзларни Аҳмад Сардор баччагар, бемаза, беор Хидирали бойдан эшитиб, дарқаҳр бўлиб: — Ў, Хидирали! Кўзингга қара, менга қара, қара тағи, ўзингга қара!.. —деди (203) каби.*

*Учинчи боб юзасидан қисқача хулосалар*

Асрлар давомида ўзбек халқида шаклланган достон куйлаш анъаналарининг натижаси ўлароқ бу жараёнда қўлланадиган махсус тасвирий воситалар тизими юзага келган ва улар “Холдорхон”да ҳам ўз ифодасини

топган. Бу анъанавийлик ва Эргаш шоир услубига хослик қуйидаги тарзида намоён бўлган:

1. Жангнома-достонлар сирасига кирувчи “Холдорхон”даги мақоллар асарнинг мавзусидан келиб чиқиб танланган ва бунда уларнинг дастлаб оғзаки сўзлашув нутқида пайдо бўлиши, кейинчалик бошқа функционал услубларга кўчиши тамойилидан келиб чиққан. Тилдаги мавжуд моделлар асосида *қочган ёвда қорув йўқ; ахмоқнинг ақлига қара, тентакнинг маъқулига; қирғиз кўпми, юлдуз кўп* сингари янги мақоллар ва афористик жумлаларнинг яратилиши Эргаш шоир услубининг муҳим қирраларидан бўлиб ҳисобланади.

2. Ўхшатишларнинг қўлланишидаги анъанавийлик инсон – қудратли жониворлар, инсон – ўсимликлар қиёсида намоён бўлган. Достонда ўхшатишнинг грамматик воситаси *-дай/-дайн* элементида нисбатан фаол фойдаланилган, у 300дан ортиқ сўзшаклга қўшилган. Бу кўшимчанинг ифода жараёнида уюшган бўлак таркибида келиши уларга алоҳида оҳанг бағишлаган, импрофизация ритмини ушлаб турувчи воситага айлантирган.

3. Достонда *арслон, шер, йўлбарс, бўри, қоплон, аждаҳо* сингари ҳайвонлар, *қарчиғай, шунқор* каби қушлар ва *кумуш, олтин, тилла, пўлат, олмос* сингари металлларни билдирувчи элементлар метафоралар учун асос бўлган. Улар қатори Эргаш шоир қўллаган *тоғ, исфиҳон* бирликлари билан тўлдирилади. Улар билан боғлиқ бўлган ифодаларнинг барчаси маълум даражада тасвирни бўрттиришга бориб тақалади.

4. Достон учун анъанавий доимий эпитетлар хос. Уларнинг қўлланиши юқорида санаб ўтилган ҳайвонлар, қушлар ва металллар, *оқ, қора, қизил, қирмизи, қўчқил* каби ранглар, эпитет олишга мойил бўлган *қилич, найза, ботир* сўзлари билан боғлиқ ҳолда кечади. Шунингдек, Эргаш шоир *нозпарвар, сумбулмўй, фариштаҳўй барно; тарлон хаёл* каби оригинал эпитетли бирикмалар ҳам яратган.



Ўхшатишлар, эпитетлар ва метафоралар дoston тилида тасвирий воситаларнинг яхлит бир тизими ва турли шакллари сифатида намоён бўлади.

5. Муболағаларнинг қўлланишида *донғи Доғистон кетмоқ, овозаси оламни тутмоқ* каби муболаға мазмунидаги фразеологик бирликлар, *ўн минг ботмон калтак, ўн минг ботмон совут, зўрларнинг зўри, полвонларнинг полвони* сингари турғун бирикмалар анъанавийлиги билан фарқланса, *ботмон* нумеративининг *уч, беш, ўн, ўн беш, йигирма, қирқ, эллик, олтмиш, саксон, тўқсон, юз, юз эллик* сонлари билан ишлатилиши Эргаш шоир услуби билан боғлиқ. Шунингдек, *ёмон, қанча* ҳамда *—дай* ўхшатиш воситасининг муболағалар шаклланишига хизмат қилиши жонли тилга хос ва улар ҳам дostonларда ўз ифодасини топган.

6. Дoston матнида поэтик фигуралар стилистик формулалар, такрорлар, айрим анъанавий штамплар мисолида яққол кўзга ташланади ва уларнинг маълум қисми дostonлар услубига хослиги билан характерланади.

Импровизация жараёнида муҳим поэтик вазифани адо этадиган стилистик формулалар ҳам икки йўналишда – ҳам анъанавий, ҳам Эргаш шоир услубига хос тарзда намоён бўлади. *Армон билан билмаганин билдирмоқ, Эрисин тоғларнинг қори эрисин, Баҳорда очилар богнинг гуллари, Булбул ошна бўлар богнинг гулига, Узоқдан чопилар отнинг сараси, Йигитни ингратар найза яраси, Қирғий деган қуш ўлтирар қияда,* шунингдек, *от, бедов, нор, чодир, гул, қуш, сўна, қилич* каби ядровий сўзлар билан боғлиқ стилистик формулаларнинг гўзал намуналарига мурожаат қилинган.

Эргаш шоирнинг такрор усулидан фойдаланиши ўзига хос. Дostonда товушлар такрори, анафорик такрор фаол эмас. Мисра охиридаги такрор усулидан эса самарали фойдаланилган. *Гўрўглибек жўнади, от қўй ганимнинг устига, хўш энди, қирғиз* сингари сўз ва жумлаларни алоҳида таъкидлаш

мумкин. Муайян стилистик вазифани адо этган *ана энди* жумласи такрори хам Эргаш шоир услубига хос.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. “Холдорхон” достони ижросида товушлар алмашилиши (альтернация), тушилиши (апакопа, синкопа, элизия, диереза) ёки орттирилиши (эпентеза, эпитеза) тарзида намоён бўладиган фонетик ўзгаришлар она тилимизда амал қиладиган сингармонизм, тежамкорлик тамойиллари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг аксарият қисми достон *же-ловчи* шевалар тил хусусиятларини ўзида тўлалигича акс эттиради.

2. Достон айтишдаги импровизацион жараён матннинг фонетик структурасига ўз таъсирини ўтказган ва бунда муаллиф услуби достоннинг бадиийлигини мужассам қилувчи омиллар билан бирлашган. *о ва м* товушларининг алоҳида сўзлар ва уюшиқ бўлақлар таркибида ҳосил қилган жарангдорлик ва оҳангдорлик Эргаш шоир услубининг бир қирраси сифатида намоён бўлган;

3. Шоирнинг ижодий тафаккури маҳсули ўлароқ *гўзал, жаллод, сиёсат, тил* сингари бирликларнинг достонда янги қирралари кашф этилган, уларнинг стилистик оттенкалари жиддий фарқланган. Бу стилистик нозикликлар адабий тил нуқтаи назаридан эскирган ёки диалектал характерда бўлган *бежай, дархон, кўкай, насоқ, ҳарба, хўрон, хоназот, чер, қовузланмоқ, қотилмоқ* сингари сўзларнинг қўлланишида намоён бўлган.

4. Достондаги арабча, форсча-тожикча элементлар мисолида таҳлил этилган ўзлашган қатлам, бир томондан, Эргаш шоирнинг тил билими кўлами ҳақида маълумот берса, иккинчи томондан, ўзбек достончилигида оғзакилик анъаналарига китобийликнинг аста-секин таъсир ўтказа борганлигини кўрсатади. Янги ясалган *боҳунар, боҳуш, дарқаҳр, серкуч, зўркор, кушишбардорлик, ўлимкуш* каби элементлар эса шоирнинг бадиий маҳорат йўлидаги изланишлари самарасидир.

5. Достон фразеологияси сўзлашув услуби доирасида чегараланганлиги билан характерланади ва улар Эргаш шоир маҳоратини кўрсатувчи муҳим лингвистик бирликлар сифатида намоён бўлади. Улар Эргаш шоир

томонидан луғавий маънолари кенгайган, трансформация қилинган тарзда қўлланган иборалар сифатида дoston поэтикасида ва ижодкор услубида муҳим ўрин тутадиган элементлардир.

6. Дoston морфологияси сўз туркумлари кесимида олиб қаралганда от, сон, олмош, феъл, тақлидий сўз ва баъзи ёрдамчи сўзлардаги грамматик кўрсаткичлар алоҳида хусусиятлари билан намоён бўлади. Эгалик кўшимчасига ўрин келишиги кўшилганда *н* товушининг орттилиши (*омонинда, элинда*), тарзида қўлланиши, *бир* сўзининг маънони кучайтириш, ажратиб кўрсатиш, тахмин оттенкасини беришга хизмат қилиши, *бир* сўз жумласи мисолида дostonлар тилига хосланиши, шунингдек, *икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққизи, ўн, қирқ, юз, минг* сонлари ва нумеративлар қўлланиши частотаси таҳлилида халқ эпосларидаги жамлаш, умумийликни ифодалаш, анъанавийлик, рамзийлик хусусиятлари; *бу, шу, қандай қилмоқ (қайтмоқ), ким, нима, қайси, не, бари* сингари олмошларнинг, *-гиз/-гиз, -дай, -дир, -ётир, -гин, -(и)б эди* ва *айламоқ* каби феъл шаклларининг, айрим тақлидий сўзларнинг, *ман (билан)* ёрдамчи воситасининг қўлланиши ана шу алоҳида хусусиятлар саналади;

7. Дoston синтактик қурилишининг шаклланишига импровизация, ижодий-психологик жараён билан боғлиқ экстралингвистик омил сезиларли таъсир кўрсатган. Матннинг насрий қисмидаги сажъ, радиф, уюшиқ ва кириш бўлақлар, ундалмалар дoston куйлашнинг ўзига хос услубини белгилайди. Ҳикоя қилиш ва дўмбира жўрлигида куйлаш жараёнида бир хил маромнинг сақланиб туришига, ўрни билан оҳангнинг пасайиши ёки кўтарилишига, изоҳ бериб ўтишларга, эътиборни қаратиш, маънони кучайтириш сингари айрим стилистик вазифаларни ўташига хизмат қилади.

8. Эпик жанрнинг троплари ва стилистик фигуралари дoston поэтикасининг таркибий қисми ва ўз тасвирий воситалари сифатида намоён бўлади. Дoston қаҳрамонлари, уларнинг иш қуроллари билан боғлиқ

мақоллар, ўхшатишлар, метафоралар, доимий эпитетлар ана шундай хосланган тасвирий воситалардир.

9. Таҳлиллардан “Холдорхон” поэтикасидан *-дай, -дайин* каби ўхшатиш кўрсаткичларининг, жониворлар (*арслон, шер, йўлбарс, аждаҳо, бўри, қоплон, қарчигай, шунқор*), ўсимликлар (*гул, чинор, қизгалдоқ, лола*) ва металлларнинг (*олтин, зар, тилла, қумуш, пўлат, олмос*), шунингдек, рангларнинг (*қора, қизил, қўчқил, қирмизи*) дostonларга хос метафора ва эпитетларнинг шаклланишида алоҳида ўрни борлиги маълум бўлади. Ушбу тил бирликлари комплексининг анъанавий қўлланишидан воз кечмаган ҳолда Эргаш шоир уларга ижодий муносабатда бўлган. *Аждаҳо, жаллод* сингари сўзларнинг ижобий маънода, *гўзал* сўзини йигитларга нисбатан қўллаш шоир услубининг алоҳида қирраларидир.

10. Шоир фойдаланган такрор усули ифоданинг мусиқийлиги ва оҳангдорлигига, ифода маромининг сақланишига бўйсундирилган. Стилистик формулалар эса дoston поэтикасининг асосий элементларидан бири саналади. Уларнинг алоҳида кўринишлари муайян лексик-семантик ва грамматик-стилистик вазифани бажаришга хизмат қилган ҳамда Эргаш шоир услубининг муҳим қирраларини ўзида акс эттира олган.

## *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

### *1. Ижтимоий-сиёсий манбалар*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

4. Шавкат Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019. 7 апрель.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14-майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

7. “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2019) // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон “2010-2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

## *II. Илмий манбалар*

9. Абдуллаев Ж. Ўзбек халқ топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Тошкент, 1994. – 20 б.
10. Абдуллаев Ҳ. “Қутадғу билиг”даги бир мақол хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. 3-сон. – Б.83.
11. Абдурахманов Х. Особенности синтаксиса узбекского устного народного творчество: Автореф.дис. ...д-ра филол. наук. –Ташкент, 1977. – 37 с.
12. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1973. – 320 б.
13. Абдурахмонов Д., Бектемиров Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг ономастикаси // Ўзбек халқ ижоди. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 1967. – Б.167-176.
14. Абдурахмонов Х. Мақол ва маталларда такрор компонентларнинг қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. 3-сон. – Б. 60-63.
15. Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. – Тошкент: Фан, 1971. –184 б.
16. Абдусаидов А. Газета тилида мақоллардан фойланиш. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1987. – 68 б.
17. Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол. фан. номз ...дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 22 б.
18. Бакиров П. Ўзбек тилида икки бўлакли содда гап шаклидаги номинацентрик мақоллар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. 4-сон. – Б.78.
19. Бегматов Э. Ономастик сўз яшаш масалаларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1965. 3-сон. – Б.53-55.
20. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 288.

21. Бердиёров Ҳ., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар, биринчи қисм. –Самарқанд: СамДУ нашри, 1976. – 135 б., Учинчи қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1983. – 58 б.

22. Болтаева И. “Ширин билан Шакар” достонида эпитетлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999. 5-сон. – Б.49.

23. Болтаева И. Соф эпитетларнинг лирик турига хос бадий хусусиятлар (“Холдорхон” достонидаги сифатлашлар ҳақида) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. 2-сон. – Б.44.

24. Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – Москва: Художественная литература, 1959. – 656 с.

25. Гомер. Илиада. Гомер // Илиада - происхождение и история греческого языка, Илиада, история греческого языка. 27 Кб – <http://gomer.viv.ru/cont/iliada/4.html>.

26. Дониёров А. Шева унсурларининг бадий асарларда қўлланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990. 6-сон. – Б. 34-38.

27. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Тошкент: Фан, 1968. – 99 б.

28. Дониёров Х. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 61 б.

29. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Тошкент: Фан, 1979. –160 б.

30. Дониёров Х. Халқ достонлари тили ва қипчоқ шеваларининг адабий тилимизга муносабати // СамДУ профессор-ўқитувчиларининг XXIV илмий-назарий конференцияси материаллари. Филология серияси. – Самарқанд, 1969. – Б. 14-19.

31. Дониёров Х. Эски ўзбек тили ва қипчоқ диалектлари. – Тошкент: ТошДПИ нашри, 1976. – 140 б.

32. Dor Remy. Nourali ou les aventures lyriques d'un heros epique. – Paris, 1991.



33. Dor Remy. Nourali le Preux et Marghoumon Peri. Bilingue ouzbek-francais. IFEAC. – Paris, 2005. – P. 23-25.
34. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. –Тошкент: Фан, 2005. –160 б.
35. Ёрматов И. “Алпомиш” достонида сўз такрори шаклларининг қўлланилиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989. 5-сон. –Б. 53-58.
36. Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси поэтикаси: Филол. фан. д-ри дисс...автореф. – Тошкент, 1994. – 25 б.
37. Жалолов Г. Ҳамза асарлари тилига фольклорнинг таъсири // “Ўзбек тилшунослиги масалалари” тўплами. – Тошкент, 1970. –Б.33-44.
38. Жирмунский В., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. Москва, ГИХЛ. 1947. – 303 с.
39. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. Избранные труды. – Ленинград: Наука, 1974. –728 с.
40. Жирмунский В.М. Эпоснинг умумий назарий проблемалари асосида ўзбек халқ дostonчилигини ўрганиш тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1959. 4-сон. –Б.3.
41. Жуманазаров У. Узбекские народные исторические песни. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1983. – 24 б.
42. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1991. – 232 б.
43. Жуманазарова Г. “Ширин билан Шакар” дostonининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ...дис. – Тошкент, 2008. – 229 б.
44. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). Филол. фанлари д-ри. ...дис. Тошкент, 2017 йил. – 268 б.
45. Жуманиёзова М.Х. Хоразм халқ кўшиқлари лексикаси Филол. фан номз... дис. автореф. – Тошкент, 1999. – 24 б.

46. Жўраева Б. Мақолларда синонимия ҳодисаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. 5-сон. –Б.58.
47. Жўраева Б. Мақол-матал типдаги паремалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. 5-сон. –Б.88.
48. Зуфаров Т. Халқ дostonларидаги муболағанинг айрим хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973. 4-сон. –Б. 61.
49. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –304 б.
50. Ингёнг О. “Алпомиш” ва “Жумўнг” дostonларининг қиёсий-типологик таҳлили. Филол. фанлари д-ри дис. – Тошкент, 2014. – 254 б.
51. Исақова Г. Ўзбек тилидаги қилмоқ феълининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. –Б.21.
52. Исҳоқов Ё. Поэтик анъана ва индивидуал услуб // Ўзбек тили ва адабиёти, 1978. 6-сон. –Б. 33-38.
53. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Тошкент: Фан, 1983. –168 б.
54. Исҳоқов Ё. Ташбеҳ // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970. 4-сон. – Б. 81-84.
55. Ишаев А. Навоий асарлари тилида қипчоқ элементлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1991. 4-сон. – Б. 33-38.
56. Ишаев А. Халқ дostonлари лексикасига оид кузатишлар (Эргаш шоир ижоди материаллари асосида) // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970. 5-сон. – Б.56-63.
57. Ишаев А. Халқ дostonлари лексикасидан // Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 167-177.
58. Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1998. – 200 б.

59. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиянинг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 108 б.
60. Йўлдошев Б. Фразеология тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: Сўғдиёна, 1998. – 110 б.
61. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал услубий хусусиятлари: Филол. фанлари. д-ри ...дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 47 б.
63. Йўлдошев Б., Пардаев З. Ўзбек фразеологиясидан материаллар, тўртинчи қисм. – Самарқанд: Сўғдиёна, 1997. – 90 б.
64. Йўлдошева С. “Алпомиш” достонидаги ўхшатишларнинг ғоявий-эстетик функцияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986. 1-сон. –Б.47-52.
65. Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1994. –72 б.
66. Karl Rechl. Rawsan. Ein uzbekisches mundliches Epos. Otto Harrassowitz. Wiesbade, 1985.
67. Лазутин С.Г. Поэтика русского фольклора. – Москва: Высш. Школа, 1981. – 221 с.
68. Маматов А. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1991. – 52 с.
69. Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фан. д-ри дисс... автореф. – Тошкент, 2000. – 56 б.
70. Маматов А. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991. – 274 б.
71. Маҳмадиев Ш.С. Ўзбек халқ достонлари тилида стилистик формулалар. Филол. фанлари номзоди ...дис. – Самарқанд, 2006. – 205 б.
72. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. III жилд. – Тошкент: Фан, 1963. – 457 б.

73. Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг жаҳон халқлари эпик ижодиётида тутган ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999. 6-сон. – Б. 34-37.
74. Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари. – Тошкент:Фан, 1968. –172 б.
75. Мирзаев Т. Халқ бахшилари эпик репертуарининг асосий хусусиятлари. –Тошкент: Фан, 1979. –151 б.
76. Мирзаев Т. Достонлар гултожи // Ўзбек халқ ёдгорликлари. 1-жилд, –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 28.
77. Мирзаева С. Барқарор эпик формулалар поэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999. 6-сон. – Б. 37-41.
78. Мирзаева С. Романик достонлар поэтикасини ўрганишга доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1998. 6-сон. – Б. 34.
79. Мирзакаримова Ў. “Девону луғотит турк”даги айрим мақолларнинг тил хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980. 3-сон. – Б.31-35.
80. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. Тошкент: Фан,1976.– 88 б.
81. Муродов М. Ўзбек Гўрўғли достонларидаги доимий эпитетлар ҳақида // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари, 3-китоб. –Тошкент: Фан, 1961. – Б. 344-353.
82. Нарзикулова М. “Баҳром ва Гуландом” достонида бадиий тасвир воситалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. 2-сон. –Б. 67-71.
83. Никитина С.Е. Устная народная культура и языковое сознание (электронное издание) - Часть 3. Личность и социум. Языковой коллектив и коллективная языковая личность. 2 Kb - [http://philologos.narod.ru/nikitina/ Part 03.htm](http://philologos.narod.ru/nikitina/Part03.htm).
84. Оллоёров Қ.М. Хоразм достонлари ономастикаси (“Гўрўғли” ва “Ошиқнома” туркум достонлари асосида). Филол. фан. фалсафа д-ри... (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – Б.46.

85. Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология ва фразеология. –Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – 80 б.
86. Раззоқов Х., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 360 б.
87. Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане «Алпамыш»: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – 23 с.
88. Раҳимов А. Ўзбек халқ достонлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида). Филол. фан. номз. дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 25 б.
89. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларининг боғлашуви. –Тошкент: Университет, 1992. – 128 б.
90. Раҳмонов Б. Анъанавий халқ эпосининг бадиий тили // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005. 3-сон. –Б 21-24.
91. Рўзимбоев Х.С. Жанубий Хоразм достонлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили (“Шахриёр” ва “Маликаи Завриё” достонлари мисолида): Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.
92. Райхл Карл. Тюркский эпос. – Москва, Вост. литер., 2008.
93. Садриддинова М. Халқ мақоллари таркибида диалектизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983.5-сон. – Б.59.
94. Сапарниязова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари. Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2005. – 24 б.
95. Сариев С.М. Хоразм “Гўрўғли” достонларининг қўлёзма вариантлари. Филол. фанлари номзоди ...дис., Тошкент, 2007.
96. Соатов Б. Ўзбек халқ мақоллари поэтикасига доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992. 5-6-сон. – Б. 42.
97. Ингёнг О. “Алпомиш” ва “Жумўнг” достонларининг қиёсий-типологияк таҳлили. Филол. фанлари д-ри дис. – Тошкент, 2014. – 254 б.

98. Тожиев Ё. Ўзбек тилида шахс оти ясовчи аффикслар синонимияси. – Тошкент: ТошДУ нашри, 1987. – 84 б.
99. Тошматов Х. Халқ дostonларида метафора // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. 4-сон. – Б.58.
100. Турсунов С. “Алпомиш” дostonининг лексик-фразеологик хусусиятларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986. 3-сон. – Б. 58-60.
101. Турсунов С. Лексические особенности дастана “Алпамыш”. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 19 С.
102. Тўйчибоев Б. Ўзбек диалектологияси. Дарслик. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 112 б.
103. Тўйчибоев Б. “Алпомиш” ва халқ дostonлари тили. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001. –160 б.
104. Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зомин сўзлиги. Тошкент: Академия, 2010. – 213 б.
105. Умаров И. “Малика айёр” дostonи лексикаси филол. фан. фалсафа д-ри... (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2020. – Б.46.
106. Хаитова Ф. Никоҳ тўйи кўшиқларининг лисоний талқини: Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 1998. – 24 б.
107. Халиков А.А. “Гўрўғлининг туғилиши” дostonи тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дис. автореф.–Тошкент, 2009. – 24 б.
108. Холиқов А. “Гўрўғлининг туғилиши” дostonининг айрим лексик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. 6-сон. – Б. 62-63.
109. Холиқов А. “Гўрўғлининг туғилиши” дostonида мақолларнинг ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. 4-сон. – Б.76-77.
110. Холмонова З. “Шайбонийхон” дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида). Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 1998. – 25 б.

111. Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди ...дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.
112. Холмуротова Ж. “Қирқ минглар” дostonида фразеологизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999. 5-сон. – Б.55-55.
113. Холмуротова Ж. “Қирқ минглар” дostonи лексикасининг адабий тилга муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти, 1996. 4-сон. – Б. 64-66.
114. Шаабдурахманов Ш. О художественном языке дастана “Равшан”. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1949. – 19 с.
115. Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” дostonида бадий фонетика элементлари // “Ўзбек халқ ижоди” тўплами. – Тошкент, 1967. – Б.23-30.
116. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек шевалари ва уларни ўрганиш ҳақида маълумот // Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 386-407.
117. Шоабдурахмонов Ш. Эргаш Жуманбулбул дostonларида ифода ва тасвирийлик // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970. 5-сон.– Б.43-45.
118. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 248 б.
119. Элтазаров Ж. Тилдаги тежамкорлик тамойили ва қисқарув. - Самарқанд: СамДУ нашри, 2004. – 110 б.
120. Юлдашева С.Н. Поэтика узбекского народного героического эпоса “Алпамыш”: Дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент, 1984. – 164 с.
121. Якуббекова М.М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ...дис.автореф. – Тошкент, 2005. –50 б.
122. Ўзбек тили грамматикаси. I жилд. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. – 610 б.
123. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – 314 б.
124. Ўзбек халқ мақоллари. II жилдлик. I жилд. – Тошкент: Фан, 1988. – 366 б.; II жилд. – Тошкент: Фан, 1988. – 372 б.

125. Ўринбоева Д. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаоммолари, Филол. фанлари д-ри дис. (DsC). – Самарқанд, 2019.

126. Ўринбоев Б. Ўзбек сўзлашув нутқи. – Тошкент: Фан, 1982. – 152 б.

127. Ўринбоев Б. Ўзбек халқ мақолларида трансформациялаш // Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Самарқанд, 2001. – Б. 38-42.

128. Ўринбоев Б., Бозорбоев К. “Алпомиш” достонида фразеологизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999. 4-сон. – Б.13.

129. Қўнғуров Р. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1966. – 156 б.

130. Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд: СамДУ, 1975. – 238 б.

131. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 152 б.

132. Ҳақимов М. Мақол терминлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1965. 2-сон. – Б.19-24.

133. Ҳамдамов Ж. Ўзбек тили тарихи. Иккинчи қисм. Тарихий морфология. Исмлар. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2003. – 181 б.

### *III. Луғатлар*

134. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1983. I жилд. – 656 б.; II жилд. – 644 б.; III жилд. – 624 б.; IV жилд. – 636 б.

135. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 288 б.

136. Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли “Ширин билан Шакар” достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 2007. – 56 б.

137. Yo‘ldoshev B., O‘rinboyeva D. O‘zbek xalq dostonlarining chastotali izohli frazeologik lug‘ati. – Toshkent, 2008. – 100 b.



138. Мирзаев Т., Эшонқул Ж., Фидокор С. “Алпомиш” достонининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. –164 б.
139. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 320 б.
140. Навоий асарларининг луғати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 784 б.
141. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 468 б.
142. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг туркийча сўзлар изоҳли луғати. 2000, – 402 б.
143. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. – 600 б.
144. O‘rinboyeva D., Umurzoqov U. O‘zbek xalq dostonlari tilining alfavit-chastotali lug‘ati. – Toshkent: Шарқ, 2006. – 395 б.
145. Ўзбек миллий энциклопедияси, VII жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. –704 б.
146. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I-II жилд. – Москва: Русский язык, 1981.
147. Ўзбек тилининг изоҳли луғати I, II, III, IV, V жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
148. Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977.
149. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1971.
150. Қўнғуров Р., Тихонов А. Ўзбек тилининг чаппа луғати. – Самарқанд, 1968. – 204 б.
151. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.

152. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. –168 б.

153. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. –366 б.

#### *IV. Бадиий манбалар*

154. “Алпомиш”. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони //Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб олувчи: Маҳмуд Зарифов.– Тошкент: Шарқ, 1998. – 400 б.

155. “Кунтуғмиш”. Ўзбек халқ достонлари. Булбул тароналари. Беш томлик, I жилд. – Тошкент: Фан, 1971. – 382 б.

156. “Ойсулув”. Булбул тароналари. Беш томлик. I жилд. – Тошкент: Фан, 1971. – 287 б.

157. “Орзигул”. Достонлар. Айтувчи: Ислон Назар ўғли. Нашрга тайёрловчи: М.Афзалов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – 384 б.

158. “Ширин билан Шакар”. /Айтувчи: *Фозил Йўлдош ўғли*. Нашрга тайёрловчи: *М.Шайхзода*. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – 130 б.

159. “Холдорхон”. Достон // Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли; Ёзиб олувчи Ҳоди Зариф. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 440 б.

160. “Якка Аҳмад”. Булбул тароналари, беш жилдлик, I жилд. – Тошкент: Фан, 1971. – 287 б.